

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**ШУКУРОВА ЗИЛЛОЛА ЮСУФОВНА**

**«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»ДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**олиш учун тақдим этилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**филология фанлари доктори,**  
**профессор Ҳ.ҲОМИДОВ**

**Тошкент – 2019**

## РЕЖА:

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I БОБ. РАБҒУЗИЙНИНГ «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИДА ФОЛЬКЛОР</b> .....	15
1.1. «Қисаси Рабғузий»нинг қўлёзма ва нашрий нусхаларида фольклор намуналарининг ўрни .....	15
1.2. Асар нусхаларида мақол, ҳикматли сўз ва фразеологик бирикмаларнинг қўлланиши.....	31
<b>II БОБ. «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» ВА МИФОЛОГИЯ</b> .....	60
2.1. Асарда наботот олами этиологияси ва ўзига хос хусусияти.....	60
2.2. Асар таркибидаги қиссаларда ҳайвонот ҳақидаги мифлар.....	70
<b>III БОБ. «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»ДА ХАЛҚОНА ОБРАЗ ВА МОТИВЛАРНИНГ ЎРНИ</b> .....	82
3.1. Қиссалардаги образларнинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқлиги.....	82
3.2. «Қисаси Рабғузий»да туш мотиви .....	107
<b>Хулоса</b> .....	121
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	126

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодида оид эпик сюжетларнинг юзага келиш жараёни ва тарихий-тадрижий ривожини акс эттирувчи ёзма манбаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, VII аср охири – VIII аср бошларидаги халқ қаҳрамонлик кўшиқлари асосида шаклланган англосаксон эпоси «Беовульф»ни ўзида акс эттирган янги ёзма ёдгорликларнинг аниқланиши, XII аср ёзма манбаларида сақланиб қолган ирланд сагалари намуналари ҳамда «Сидим ҳақида кўшиқ» номли испан халқ достони парчаларининг топилиши эпик сюжетлар генезиси ва поэтик трансформациясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Натижада Европа фольклоршунослигида қадимий ва ўрта аср ёзма ёдгорликларидаги халқ ижоди сюжетлари, мотивлари ва образларининг талқинини ўрганишдан иборат палеофольклористик йўналиш шаклланди.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида қадимги ва ўрта аср ёзма манбалари орқали етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналарининг жанрий табиати, образлар таркиби ва мотивлари кенг ўрганилди. Натижада дунё халқлари фольклоридаги эпик сюжетларнинг шаклланиши ва тадрижий тараққиёти жараёни бир-бирига боғлиқ ҳолда кечганлиги исботланди. Бу эса ўзбек фольклоршунослигида ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналарининг ўрта асрларда яратилган адабий, маърифий ва илмий асарлардаги талқинларини бадиий тафаккур тадрижи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқимизнинг миллий ўзлиги ва маънавий илдизларининг асоси бўлган халқ оғзаки ижодини ўрганишга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Чунки халқимизнинг кўп асрлар давомида қарор топган умуммиллий қадриятларини тиклашда фольклор энг асосий воситалардан бири ҳисобланади. Зеро, «Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини, унинг бетакрор маданиятини ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти

ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш зарур»<sup>1</sup>. Демак, ахборот оқими шиддат билан кириб келаётган ҳозирги даврда шонли тарихимиз акс этган оғзаки ижод намуналарини сақлаш, аждодларимиз яратган номоддий меросни авайлаш, бу ёдгорликларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини очиб бериш ҳамда уни келажак авлодга етказиш фольклоршунослар олдида турган муҳим вазифалардир. Жумладан, XIV асрда яшаган Носируддин Рабғузийнинг диний манбалар ҳамда фольклор анъаналари уйғунлигида яратилган «Қисаси Рабғузий» асарини фольклор ва ёзма адабиёт муносабати контекстида тадқиқ этиш ана шундай муҳим муаммолардан биридир. Мазкур ёдгорликни фольклоршунослик нуқтаи назаридан чуқур ўрганиб, унда келтирилган айрим образлар ва мотивларнинг генезисини аниқлаш ҳамда муаллифнинг халқ ижодидан фойдаланишдаги кўзлаган асл мақсадини топиш, асар нусхаларининг фольклорлашиш жараёни ва унинг сабабини аниқлаш фольклоршунослик учун ҳам, адабиётшунослик учун ҳам янги хулосалар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4794-сон Фармони, 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондиди ташкил этиш тўғрисидаги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2728-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2829-сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. –Тошкент, 2017 йил, 16 январь. – Б. 4.

ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асари пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги ибратли қиссалардан ташкил топганлиги учун «Қисас ул-анбиё» номи билан машҳур бўлган. Шунинг учун унинг кўплаб нусхалари дунёнинг турли ҳудудларига олиб кетилган ва ҳар хил тилларга таржима қилиниб, халққа етказилган. Бу эса асарни қиёсий тадқиқ қилиш заруратини туғдиради.

Дастлаб Н.Остроумов ўзи масъул бўлган «Талабаларнинг ижодий ишлари» номли Қозон давлат руҳонийлар академияси томонидан чиқарилган кўлланмада турли динлар, хусусан, ислом дини ва пайғамбарлар фаолиятини тадқиқ этишда Рабғузий ижодига бир неча марта мурожаат этган<sup>1</sup>. Н.И.Ильминский «Қисаси Рабғузий»нинг Осиё музейида сақланаётган 361-инвентарь рақамли нусхасига таянган ҳолда бу асарнинг тўла матнини нашр

---

<sup>1</sup> Остроумов Н. Труды студентов. – Казан: Университетская типография, 1874. – С. 39–41 // <https://dlib.rsl.ru/viewer/01003587296#?page=39>

килган<sup>1</sup>. Э.Фозиловнинг қайд этишича, «Асарнинг каттагина қисми В.В.Радлов, В.Томсен, П.М.Мелиоранский, С.Е.Малов, В.Л.Котвич, Н.Фон Габэн, Г.Рамстедт, А.Н.Кононов, П.Циме, Босим Аталай, Э.Н.Нажиб сингари атоқли рус ва хорижий туркийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган»<sup>2</sup>.

Асар ҳозирги даврда ҳам тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб, унинг турли қирраларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. «Қисаси Рабғузий»ни Гронбекнинг факсимилеси асосида тадқиқ этган Айсу Ата асарнинг ёзилиш сабаби, мундарижаси, шеърларнинг тузилиши, нусхалари, ўрганилиш тарихи ва фонетик хусусиятлари ҳақида сўз юритган. У мазкур асарнинг турк тилидаги табдилини Гронбек факсимилесининг нусхаси билан бирга чоп эттирган. Шунингдек, олим ўзининг тадқиқот ишида Рабғузий ижодининг ўрганилиши тарихига ҳам кенг тўхталган бўлиб, С.Чағатай, Ж.Шинкевич, А.И.Абражевин, Ж.Тхуру, Н.Э.Байшотен, М.В.Даммеларнинг илмий-назарий қарашларига муносабат билдириб ўтган<sup>3</sup>.

Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асарида XIV аср туркий тилининг графо-фонетик ва морфологик хусусиятларини ўрганган А.Р.Халиуллина Қозон шаҳридаги турли кутубхоналарда мазкур ёдгорликнинг йигирмага яқин қўлёзма, йигирмадан ортиқ тошбосма нусхалари сақланаётганлигини, бу асар Қозон ва унинг атрофидаги шаҳарларда ҳам кенг тарқалганлигини, жумладан, Татаристоннинг бир нечта қишлоқларида маҳаллий аҳоли орасида (айниқса, аёллар) қиш кечаларида Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» ва Қул Алининг «Қиссаи Юсуф» асарини жамоа бўлиб ўқиш анъанаси мавжуд бўлганлигини қайд этади<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Кисас ал анбия» Насриддина Рабгузи. – Казан: Казанский государственный университет, 2002. – С.17.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 5.

<sup>3</sup> Aysu Ata. Nasəruddin bin Burhaneddin Rabguzi. Kəsasu'l-Enbiya. – Ankara, 1997. – S. 21–22.

<sup>4</sup> Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Кисас ал анбия» Насриддина Рабгузи. – Казан: Казанский государственный университет, 2002. – С.11.

Маълумки, «Қисаси Рабғузий» асари турли даврларда котиблар томонидан бир неча маротаба кўчирилиб, тарқатилган. Бироқ давлатлараро келишмовчиликлар, ўзаро урушлар натижасида бундай асарларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари бирмунча сусайди. XX асрга келиб адибнинг мероси шарқшунослар эътиборини яна ўзига жалб этди ва уни ўрганиш бўйича кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, «А.Кримский, С.Броккельман, М.Ф.Кўпрулизода, А.Самойлович, Ҳ.Зарифов, Х.Расул, А.Ҳайитметов каби шарқшунос, тилшунос ва адабиётшунос олимлар ҳам бу ёдгорлик ҳақида муҳим фикрларни билдиришган. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида «Қисаси Рабғузий»нинг айрим парчалари рус тилига таржима қилиниб, лингвистик шарҳлар билан П.М.Мелиоранский, Н.Ф.Катанов, Н.Ф.Остроумов ва бошқалар томонидан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган»<sup>1</sup>. Шунингдек, бир ва кўп жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»<sup>2</sup> мажмуаларида, «Ўзбек насри тарихидан»<sup>3</sup> каби илмий адабиётларда «Қисаси Рабғузий» асари ҳақида умумлаштирувчи хулосалар, мулоҳазалар ва таҳлилий мақолалар берилган.

У.Мирзакаримова «Қисаси Рабғузий»нинг морфологик хусусиятларини номзодлик диссертацияси сифатида ўрганган<sup>4</sup>. Т.Ғофуржонова мазкур асарни ўрганиш асносида ёдгорликнинг ўзбек насри ривожига тутган ўрнини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган<sup>5</sup>. Б.Саримсоқов «Ўзбек адабиётида сажъ» номли монографиясида «Қисаси Рабғузий»даги анъанавий бошламалар, сажъ санъати, тил ва услуб масаласида қимматли фикрлар айтадики, улар асар ҳақида аниқ хулоса чиқаришда ёрдам беради<sup>6</sup>. И.Ҳаққулов «Занжирбанд шер қошида» китобида Рабғузий яратган ривоят ва ҳикоятларни ноъананавий

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 8.

<sup>2</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 203–206; Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 179–186; Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 231–253.

<sup>3</sup> Султонов И., Ҳайитметов А. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 17–27.

<sup>4</sup> Мирзакаримова У. Морфологические особенности «Кисаси Рабгузи»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – С. 39.

<sup>5</sup> Султонов И., Ҳайитметов А. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 22–31.

<sup>6</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 94–96.

ёндашув асосида таҳлил қилган<sup>1</sup>. М.Жўраев «Қисаси Рабғузий» асаридаги миф ва ҳикоятларни космогоник мифология кесимида таҳлил қилган<sup>2</sup>, Ш.Турдимов «Этнос ва эпос» номли монографиясида қавм-қариндошлар ўртасидаги ички низо нафақат ўша оила, балки бутун жамиятнинг емирилишига сабаб бўлувчи асосий омил эканлигини Юсуф (а.с.) ва унинг акалари ҳақидаги эпик сюжет мисолида асослаган<sup>3</sup>, Н.Жабборов «Маърифат надир» китобида «Қисаси Рабғузий»даги маърифий ҳикоятларни таҳлилга тортган<sup>4</sup>. М.Жўраева эса ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси ва тадрижий ривож масаласига тўхталар экан, Рабғузий келтирган топишмоқларга ҳам мурожаат қилган<sup>5</sup>.

Шунингдек, адиб ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилишга доир кўплаб илмий ва илмий-оммабоп асарлар, жумладан, Х.Расулев, М.Абдувоҳидова, Н.Ҳасан ва М.Курбаниязовларнинг илмий мақолалари<sup>6</sup>, И.Остонақуловнинг «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар<sup>7</sup>, Ҳ.Сафарованинг «Рабғузийнинг Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳис-салом» асари манбалари ва ғоявий-бадий таҳлили<sup>8</sup> мавзусидаги номзодлик диссертациялари юзага келди. З.Машарипова «Ўзбек адабиётида фольклор анъаналари», «Ўзбек ёзма адабиётида фольклор анъаналари» номли ўқув кўлланмаларида «Қисаси Рабғузий»нинг оғзаки ижод билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиб, асарда кўлланилган фольклор элементлари, жанрлар ва бадий санъатлар хусусида қимматли

---

<sup>1</sup> Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 11–123.

<sup>2</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. докт. дисс. ... – Тошкент, 1996. – Б. 67; Шу муаллиф. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 23; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 60–62.

<sup>3</sup> Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 73.

<sup>4</sup> Жабборов Н. Маърифат надир. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 14–17.

<sup>5</sup> Жўраева М. Ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси: Филол. фан-ри бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 11.

<sup>6</sup> Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. – 2-сон (36). – Б. 3–30; Абдувоҳидова М. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – 4-сон. – Б. 36–38; Ҳасан Н. «Қисаси Рабғузий»да Юсуф пайғамбар образи талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 4-сон. – Б. 26–30; Курбаниязов М. «Қисаси Рабғузий»да фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. – 3-сон. – Б. 69; Курбаниязов М. Олтин Ўрда ўзбек адабиёти // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2017. – 12-сон. – Б. 125–129.

<sup>7</sup> Остонақулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1993. – Б. 129.

<sup>8</sup> Сафарова Ҳ.А. Рабғузийнинг «Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳиссалом» асари манбалари ва ғоявий бадий таҳлили: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 33.; Шу муаллиф. Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 120.

фикрлар баён этган<sup>1</sup>. Б.Абдушукуров эса «Қисаси Рабғузий» лексикасини махсус тадқиқ этган<sup>2</sup>.

Рабғузийнинг оғзаки ижод намуналарига муносабати масаласи алоҳида муаммо сифатида ўрганилмаганлиги ҳамда кейинги даврларда кўчирилган кўлёзма ва тошбосма нусхаларида асарнинг фольклорлашиш жараёни кучли бўлганлиги ҳисобга олиниб, мазкур тадқиқотда Рабғузийнинг фольклорга муносабати монографик кўринишда махсус тадқиқ этилди. Асардаги фольклор сюжетлари ва мотивларининг ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди тарихи ва бадииятини ёритишдаги ўрни, адибнинг фольклор анъаналаридан фойдаланишдаги ўзига хос поэтик маҳорати, қиссалардаги фольклоризмлар синтези каби масалалар алоҳида ўрганилиши лозимлиги тадқиқот ишининг муҳим назарий аҳамият касб этишидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор» кафедраси илмий ишлари режаси асосида бажарилган ҳамда фольклоршунослик соҳаси йўналишига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** фольклор анъаналарининг «Қисаси Рабғузий» асари сюжет тизимидаги ўрнини белгилаш, муаллифнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги ўзига хос поэтик маҳоратини очиб бериш ҳамда асар композицион қурилишидаги фольклоризмларнинг бадиий-эстетик вазифаларини аниқлашдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Қисаси Рабғузий» таркибидаги халқ оғзаки ижоди намуналарини аниқлаб, қиёсий-тарихий аспектда таҳлилга тортиш;

---

<sup>1</sup> Қаранг: Машарипова З. Ўзбек адабиётида фольклор анъаналари (ўқув кўлланма). – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 40.; Шу муаллиф. Ўзбек ёзма адабиётида фольклор анъаналари (ўқув кўлланма). – Тошкент: Иқтисод-молия, 2008. – Б. 29–35.

<sup>2</sup> Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 5–12; Шу муаллиф. Эски туркий адабий тил лексикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – Б. 3–12.

асар композицион тизимига сингиб кетган фольклор жанрларининг қиссалар бадииятида тутган ўрнини кўрсатиш;

халқ оғзаки ижодига хос анъанавий образларнинг асар ғоявий-бадиий қимматини оширишдаги аҳамиятини аниқлаш;

мифологик тасаввурлар ва афсоналарнинг асардаги бадиий талқинини ўрганиш асосида муаллифнинг фольклор анъаналаридан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини ёритиш;

қиссалардаги фольклор сюжетлари ва мотивларининг асар композициясидаги бадиий-эстетик вазифаларини очиқ бериш;

асарнинг кейинги даврларда кўчирилган кўлёма ва тошбосма нусхаларида фольклорлашиш жараёнининг характери ҳамда унинг сабабини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Қисаси Рабғузий»нинг тошбосма ва нашр нусхалари, ўзбек халқ оғзаки ижодининг турли тўплам ҳамда китоблар ҳолида чоп этилган намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни миф, афсона, мақол ва ҳикматли сўзлар каби XIV аср ўзбек фольклори намуналарида поэтлик трансформацияси, муаллифнинг анъанавий образ ҳамда мотивлардан фойдаланиш маҳорати ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва матний таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

«Қисаси Рабғузий» композицион тизимига сингдириб юборилган эпик сюжетлар, паремиологик жанрларга оид материаллар ва халқ ижодига хос бадиий ифода усулининг устуворлик қилишига асосланган ҳолда мазкур асарнинг фольклор анъаналари таъсирида яратилганлиги исботланган;

XIV аср ўзбек фольклори жанрлар тизимида «Қуръон» оятлари, ҳадислар, пайғамбарлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи диний манбалар таъсирида шаклланган ривоят, афсона ва халқ қиссалари кенг ўрин тутганлиги сабабли Рабғузий ўзининг мазкур асарини ёзишда хоразмлик

ровийлар эпик репертуарига хос шу типга мансуб манбалардан ижодий фойдаланганлиги асослаб берилган;

«Қисаси Рабғузий»нинг кўплаб нусхаларда кўчирилган ҳамда нашр этилган намуналари умумий ном ва композицияга эга бўлса-да, асарда воқеалар бадиий ифода усули ҳамда мавзу йўналишига кўра бир-биридан фарқланиши аниқланган;

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг анъанавий образлари ва эпик мотивлари диний асарлардаги воқеалар тизимини ўзаро боғлашдан иборат бадиий-эстетик вазифани бажарганлиги асардаги кампир образи ҳамда туш мотивининг поэтик талқинлари мисолида далилланган;

«Қисаси Рабғузий» асари мисолида ўзбек мифларининг келиб чиқиши, мавзу доираси, фольклор ва ёзма адабиёт ривожигадаги ўрни ҳамда дунё халқлари асотирлари билан тарихий-генетик муштараклиги очиб берилган;

Рабғузий томонидан қўлланилган мақол, ҳикматли сўз ва ибораларнинг асар бадииятидаги семантик функциялари ҳамда муаллиф ижодий мақсадини очиб беришдаги роли ёритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Қисаси Рабғузий»даги мақол, ҳикматли сўз ва ибораларнинг асарда бажарган бадиий-эстетик функциялари аниқланган ҳамда улар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги муқобиллари билан қиёсланган;

қадимги кишиларнинг ҳайвонот ва наботот ҳақидаги мифик қарашлари ўрганилиб, уларнинг генезиси, бошқа халқлар оғзаки ижоди намуналари билан боғлиқ жиҳатлари аниқланган;

пари, кампир образлари ва туш мотивининг асар бадииятидаги ўрни кўрсатилган;

асарнинг қўлёзма, тошбосма ва нашрий нусхалари қиёсий-тарихий усулда ўрганилган ҳамда унда фольклорлашиш жараёнининг сабаблари аниқланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** диссертацияда муаммонинг аниқ қўйилганлиги ва тадқиқот ўзбек ҳамда жаҳон фольклори намуналари билан қиёсланиб, шу асосда илмий хулосаланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, пайғамбарлар ҳақидаги ҳикоят ва ривоятларда учрайдиган фольклор аънаналарини ўрганиш ҳамда таҳлил этишда, ўзбек адабиётида диний-маърифий мавзудаги бадиий асарлар сюжетида халқ оғзаки ижодининг ўрнини белгилашда, ўзбек мумтоз адабиётида диний-маърифий асарларнинг яратилиши, шаклланиш даври, таракқиёти хусусиятларини ўрганишда, XIV аср ўзбек ёзма адабиётида фольклорнинг тутган ўрни ва ролини белгилашда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари ва хулосаларидан олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижоди ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти фанларидан маърузалар ўқиш, «Қисаси Рабғузий»нинг ёшлар тарбиясидаги маънавий-маърифий, ахлоқий таъсирининг ўрни, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олувчилар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги ишнинг амалий аҳамиятини ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рабғузий ва фольклор муносабати масаласини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Рабғузий қиссаларининг ёшлар маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни масаласига оид илмий-назарий хулосалари Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ИТД-А-1-118 «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги (2015–2017) амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 июлдаги 89-03-2670-сонли маълумотномаси). Натижада Рабғузийнинг ахлоқий қарашлари акс этган ҳикоялардан ўқув қўлланмаларда кенг

фойдаланилиб, ўзбек мумтоз адабиётидаги дидактик ғояларни талабалар онгига чуқур сингдиришга эришилган;

Рабғузийнинг фольклор анъаналари ва жонли сўзлашув тилининг ички имкониятларидан фойдаланиш маҳоратига оид таҳлилий умумлашмалар А-1-98 «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш» мавзусидаги (2015–2017) амалий лойиҳанинг бажарилишида кенг жорийланган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 июлдаги 89-03-2670-сонли маълумотномаси). Натижада Рабғузийнинг лирик шеърияти ва ҳикояларидаги сўз қўллаш маҳоратига доир илмий-назарий қарашлар асосида ёшлар ўртасида нутқ маданияти ҳамда сўзлашув одобига доир билимларни кенг оммалаштириш методикаси ишлаб чиқилган;

«Қисаси Рабғузий»нинг туркий халқлар орасида «Қисас ул-анбиё» номи билан тарқалган ўн учта қўлёзма ва тошбосма нусхаларини қиёслаш асосида унинг бадиий жиҳатдан энг мукаммал намунасини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқот материалларидан ЎзР Фанлар академияси давлат Адабиёт музейида бажарилган Ф1-ФА-055746 «Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва муаллифлар архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш» мавзусидаги (2012–2016) фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 8 октябрдаги 3/1255-2673-сонли маълумотномаси). Натижада асар нусхалари ўртасидаги тафовутларнинг илмий тавсифига доир хулосалари асосида «Қисаси Рабғузий»нинг бадиий жиҳатдан мукаммал нусхаси аниқланган.

**Ишнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро алоқалар бўлимида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

журналларда 13 та, жумладан, хорижий журналда 1 та, республика журналларида 12 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 137 саҳифадан иборат.

**I БОБ**  
**РАБҒУЗИЙНИНГ «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ**  
**ҚЎЛЁЗМАЛАРИДА ФОЛЬКЛОР**

**1.1. «Қисаси Рабғузий»нинг қўлёзма ва нашрий нусхаларида**  
**фольклор намуналарининг ўрни**

Маълумки, Носируддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарини ёзиш билан адабиётимиз тарихида бадиий насрнинг илк ва нодир намунасини яратди. Бу асар тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмуни, ғоявий йўналиши, образлар тизими, бадиий нафосати, турли адабий жанрлар, поэтик унсурларнинг қоришиб келиши нуктаи назаридан ҳам ўзига хос манбадир. Мазкур ёдгорлик мавзу нуктаи назаридан бошқа шу силсиладаги асарлардан фарқ қилади. Унда адиб диний сюжет, воқеа-ҳодисаларни айнан келтирмай, уларни ўз ижодий нияти, ижтимоий-маърифий идеали билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Инсон умри, жамият тақдири ва уларнинг бири-бири билан узвий боғлиқлиги ҳаётий воқеалар тасвири ёрдамида очиб берилади. Демак, бу китоб туркум сюжетли бадиий ижод намуналарига яқин турар экан.

XIV асрда Хоразмнинг Работўғузида яшаган Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг шахси, у яшаган жой ҳақида изланиш олиб бораётган олимлар Тўқбуға беклик қилган қалъа – Работўғуз ҳозирги давр ёдгорликлари рўйхатида Тўққалъа номи билан қайд этилиб, у ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида жойлашганлигини<sup>1</sup> аниқлашди. Шунингдек, адиб ҳаёти ва унинг бизгача етиб келган ягона меросини тадқиқ этиш, ундаги қисса, ҳикоят, ривоят, шеърый жанрлар, латифа, ҳикмат кабиларнинг асарда тутган ўрнини таҳлил қилишда илмий хулосалар ҳам берилиптики, у ҳам Рабғузий ижодини ўрганиш бугунги кунда ҳам долзарблигича қолаётганлигини исботлайди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарга сўзи етган зот // Ўзбек адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. – 2-февраль. – Б. 2; Абдушукуров Б. Эски туркий тили адабий тил лексикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – Б. 9.

<sup>2</sup> Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 231–253.

Ўз даврининг билимдони бўлган Носируддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарини ёзишда диний манбаларни ўрганиш билан бирга оғзаки ижод таъсирида юзага келган ёзма адабиёт намуналаридан ҳам фойдаланган. Ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган «XIV асрдаги ўзбек бадий адабиётининг савияси, даражаси ва кучини кўрсатиб берувчи»<sup>1</sup> «Қисаси Рабғузий» «ҳижрий 710 йилнинг Хут (милодий 1310–1311 йил 21 февраль – 21 март) ойида»<sup>2</sup> ёзиб тугалланган.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратиш зарурати сезилади. Шу кунгача асарнинг номланишида ҳар хилликлар кузатиларди, яъни Э.Фозилов, Ҳ.Дадабоев, А.Юнусовлар ҳамкорлигида 1990 йил «Ёзувчи» нашриётида босилган нусхада «Қисаси Рабғузий»<sup>3</sup>, тарих фанлари доктори И.Остонақулов диссертациясида «Қисас ар-Рабғузий»<sup>4</sup> (Биз ҳам 1990 йилда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган нусха матнига кўра «Қисас ар-Рабғузий» деган номланишни тўғри деб ҳисоблар эдик<sup>5</sup>) шаклида берилган. Гронбек факсимилеси нусхасида эса қуйидаги сўзлар битилган.

ایشیتکن بات بیلکای تیبیا قصص ربغوزی ات بردوک<sup>6</sup>

Ёзувчи тилидан берилган шу матнга асослансак, асар «Қисаси Рабғузий» деб номланган ва бу барча икки хилликларга барҳам беради.

Адабиётшунос олим И.Остонақулов ўзининг «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар» номли тадқиқотида асар манбасини икки турга: адабий ва тарихий манбаларга бўлиб ўрганишни маъқул кўради<sup>7</sup>. Биз ушбу фикрни маъқуллаймиз, бироқ ўрта аср адабиёти ҳақида сўз кетганида «Қадимги ва ўрта асрлардаги ёзма адабиёт халқ оғзаки ижодисиз ривожланиши мумкин

---

<sup>1</sup> Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. – 2-сон (36). – Б. 30.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 7.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990–1991.

<sup>4</sup> Остонақулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филология фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1993. – Б. 129.

<sup>5</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 11.

<sup>6</sup> Aysu Ata. Nasiruddin bin Burhaneddin Rabguzi. Kısasu'l-Enbiya. – Ankara, 1997. – S. 369.

<sup>7</sup> Остонақулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филология фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1993. – Б. 35.

эмаслигини»<sup>1</sup> тўғри таъкидлаган тадқиқотчи М.Курбаниязовнинг фикрларини эътироф этмасликнинг ҳам иложи йўқ. Чунки халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш ҳар қандай бадиий асарни халқнинг юрагига кириб боришига асос бўлган. Ана шу икки ёндашувни умумлаштириб, «Қисаси Рабғузий»нинг шу кунгача машҳур бўлишида «дин – фольклор – адабиёт» учлигининг ўрни муҳим деган хулосага келдик. Айнан ана шу учликнинг яхлитлашуви асарнинг қарийб VII асрдан буён китобхонларнинг қўлидан қўймай ўқишларига сабаб бўлган.

Асар таркибидаги қиссалар ўртасидаги умумийлик пайғамбарларга хос сифатлар, уларнинг Аллоҳ томонидан юборилгани, жамиятда авж олган зарарли иллатлардан инсонларни қайтаргани ҳамда диннинг аҳамиятини тушунтиргани «Қуръон» оятлари, ҳадислардан олинган ибратли ҳикоялар ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари асосида ўзига хос услубда ифодаланади. Шунингдек, муаллифнинг ифода тарзи ҳам муайян бадиий-эстетик тамойилларга асосланади, яъни адиб пайғамбарларнинг ҳаёт йўлини тасвирлашдан аввал уларнинг сифатлари ва мўъжизаларини эртак ҳамда дostonларда етакчи бўлган сажъ усулидан фойдаланади. Бадиий адабиётда «қўлланган сажъ эса ўз характери жиҳатидан жуда ҳам мукамал бўлиб, сажъланган ҳар бир сўз у ёки бу шахс сифатларини очиб беришга хизмат қилади»<sup>2</sup>. Асар муқаддимасида пайғамбарлар фаолияти умумий обзор тариқасида шеърий шаклда берилади. «Қиссаси Рабғузий»нинг мазмуни, бадиийлигини кучайтириш, мунозарали воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритиш мақсадида адиб тасвир жараёнида бир жанр ичида бошқасини келтириб, асарнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Асарнинг фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини текширишда ана шу жанрларни тадқиқ этиш зарурдир. Зеро, «адабиётшунослар фольклоршуносликда ўрганиладиган муҳим жиҳатлардан

---

<sup>1</sup> Курбаниязов М. «Қисаси Рабғузий»да фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. – 3-сон. – Б. 69.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 94.

тарихий-адабий ва назарий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиши»<sup>1</sup> кўйилган муаммонинг ечимини топишда асос бўлади.

Ўзбек бадиий насри тарихи юзасидан изланиш олиб борган М.Абдувоҳидованинг фикрича, «Қисаси Рабғузий»даги ҳар бир ҳикоят ўзича мустақил асардир. Уларни алоҳида олиб қараганимизда ҳар бир ҳикоят бизда оригинал асардек таассурот қолдиради. Шуларни эътиборга олиб, Рабғузийнинг ушбу қиссасини ҳикоятлар тўплами, деб аташ мумкин»<sup>2</sup>. Бу фикр зоҳиран ҳақиқатга яқин кўринса-да, унга қўшилиб бўлмайди. Негаки, «Қисаси Рабғузий» шунчаки ҳикоятлар тўплами эмас. Асарнинг сюжет ва композиция жиҳатидан яхлит ижодий мақсад асосида яратилгани, пайғамбарлар ҳаётига доир қиссаларнинг ягона мантикқа бўйсундирилгани, бир-бирини тўлдириб келиши фикримизнинг исботидир.

Ўша давр нуқтаи назаридан қараганда «тил жиҳатдан «Тафсир», «Хусрав ва Ширин», «Наҳж ул-фародис», «Сирож ул-қулуб» обидаларига яқин турувчи «Қисаси Рабғузий» Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида «Қисас ул-анбиё» номи билан машҳур бўлган»<sup>3</sup> ва турли даврларда бир неча нусхада кўчириб келинган. Ҳозирги кунда асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинаси Асосий фондида № Р3042, №10252, №7397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685, №6122, №11202, №12701, №7022, №1624, №5687 инвентарь рақамлари билан рўйхатга олинган. турли давлатларда кўплаб нусхалари сақланиб, Туркия давлат кутубхонасида асарнинг юздан ортиқ, Қозоғистоннинг Остона шаҳридаги давлат кутубхонасида қирқдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжудлиги аниқланган<sup>4</sup>. Сўнгги йилларда ҳам юртимизда

---

<sup>1</sup> Медриш Д. Литература и фольклорная традиция, Вопросы поэтики. [http://modernlib.net/books/medrish\\_d/literatura\\_i\\_folklornaya\\_tradisiya\\_voprosi\\_poetiki\\_read](http://modernlib.net/books/medrish_d/literatura_i_folklornaya_tradisiya_voprosi_poetiki_read)

<sup>2</sup> Абдувоҳидова М. Б. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси // Адабий мерос. – Тошкент, 1988. – 4-сон (46). – Б. 36.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 6.

<sup>4</sup> Айсу Ата. Насируддин бин Бурҳануддин Рабғузий. Қисасул анбиё. – Анқара, 1997. – Б. 21–22; Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Қисас ал анбия» Насриддина Рабғузи. – Казан: Казанский государственный университет, 2002. – С.11

асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари нашр этилди<sup>1</sup>. Академик Э.Фозиловнинг қайд этишича, «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида асар Тошкент, Қозон, Самарқанд шаҳарларида литографик усулда бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг нисбатан тўла матни илк марта рус туркшунос олими Н.И.Ильминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қилади»<sup>2</sup>. Нусхаларнинг тил жиҳатдан фарқланиши анчайин ўринли ва асосли. Бироқ масаланинг яна бошқа бир томони ҳам борки, бу ҳолат асарни адиб қаламидан узоқлашишига сабаб бўлган. Биз Э.Фозиловнинг фикрига қўшимча қилиб айтган бўлардикки, асарнинг кейинги даврларда кўчирилган нусхаларида нафақат тилига кўра, балки сюжетида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бериб, фольклорлашиш жараёни кузатила бошлаган. Натижада «Қисаси Рабғузий» ҳақида айрим олимларнинг, хусусан, тарих фанлари доктори И.Остонақуловнинг «1859–1916 йилда Қозон ва Тошкент шаҳарларида босилган пайғамбарлар қиссаларини Рабғузий номига нисбат бериш тўғри эмас. Уларни номаълум автор томонидан ишланган «Қисас ул-анбиёи туркий» деб атаган маъқул»<sup>3</sup> деган хулосага келишигача олиб келди. Шу сабабли биз олим И.Остонақуловнинг хулосаси нечоғлиқ ҳақиқатга яқинлиги ва «Қисаси Рабғузий» нусхаларининг Рабғузий қаламидан узоқлашиш сабабини топиш мақсадида асарнинг икки нашрини қиёсий-тарихий аспектда текширишга ҳаракат қиламиз.

**1. Тошкент нашри.** XV асрда кўчирилган ва Британия музейида сақланаётган нусханинг машҳур матншунос К.Гронбек томонидан 1948

---

<sup>1</sup> «Қисаси Рабғузий»нинг биринчи қисми 2013 йил «Шарк» нашриётида қайтадан чоп этилди. У 191 бет ҳажмида бўлиб, Р.Зарипова, Н.Саъдуллаева томонидан таянч манбага асосланган Тошкент нашри матни ўзгартиришларсиз ҳозирги ўзбек адабий тилида табдил қилинган; Қиссанинг Самарқанд тошбосма нусхаси 2009 йил «Мумтоз сўз» нашриётида филология фанлари доктори Б. Абдушукуров томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилида нашр этилган. У 207 бетдан иборат бўлиб, матндаги лавҳаларнинг баъзилари туширилган

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 8.

<sup>3</sup> Остонақулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филология фанлари номзоди...дис. – Тошкент, 1993. – Б. 18.

йилда Копенгагенда нашр қилинган факсимилеси<sup>1</sup> асосида 1990–1991 йилларда Тошкентда «Ёзувчи» нашриётида академик Э.Фозилов, филология фанлари номзоди А.Юнусов, Ҳ.Дадабоев, Ю.Шокировлар томонидан икки жилд ҳолида нашр қилинган.

**2. Самарқанд тошбосма нусхаси.** Титул саҳифасида Туркий «Қисас ул-анбиё» Лирайхон бинти Шариф (яъни Шариф қизи Райхон) деб ёзилган. У китобнинг эгаси. Китобнинг биринчи бетида «Ба сайъ ва эҳтимоми Эшон Солиххўжа Тоҳир котиб Бухорои Шариф дар вилояти Самарқанд» деб китобнинг кўчирилган жойи ва котибнинг номи кўрсатилган. Шунингдек, араб алифбосида «Фил матбаа Демуров» деб ҳамда варақнинг пастки хошиясида кирилл ҳарфлар билан «Дозволено цензурою Санкт-Петербург 17 декабря 1904 года. Типо лит Р.И.Демурова в Самарканде» деб нашриёт номи берилган 528 бетдан иборат. Самарқанд тошбосмасини тадқиқот объекти сифатида танлашимизга сабаб ҳозирги кунда республикамизда мавжуд кутубхоналарнинг қўлёзмалар фондида сақланаётган асар нусхаларининг кўпчилиги XVIII–XIX асрларда кўчирилган намуналардир. Ушбу нашр ҳам бу нусхалар билан композицияси, тили, сюжетига кўра яқин. Шу сабабли ана шу икки нусхани қиёслаб, кейинги даврларда кўчирилган намуналарининг нима сабабдан адиб қаламидан узоқлашганлигини қуйидаги аспектда ўрганамиз:

1. Мавжуд ҳикоялар сюжетидаги ўзгаришлар.
2. Қўшимча киритилган халқона талқиндаги ҳикоялар.
3. Асар услуби, образлар тизимининг фольклорлашув жараёни.

**Мавжуд ҳикояларнинг сюжетидаги ўзгаришлар.** «Қисаси Рабғузий»нинг қўлёзмаларида энг кўп учрайдиган ҳолатлардан бири мавжуд сюжетларнинг кенгайиш ҳолатидир. Бунда котиблар мавжуд асарни кўчириш асносида, албатта, уларга ижодкорлик нуқтаи назаридан ёндашганлар, воқеаларни кенгайтириб, бадийлаштириб, халқ оғзаки ижоди намуналари

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 8.

билан тўлдириб боришган. Бундан уларнинг асосий мақсади асарнинг бадий-эстетик таъсирини кучайтириш бўлган. Масалан, Тошкент нашрида Нух пайғамбарга шу номнинг берилиши ҳақида шундай дейилган: «Оти Яшқир эди, навҳа бирла йиғламиш учун Нух атанди. Аймишлар, навҳасинга сабаб ул эрдиким, кунлардан бир кун Иблис айди: «Ё Нух, манинг ҳақимда эш қилдинг. Агар эшларим, қўлдошларим, черигим йиғилу келса, бу ерда билмаз эрдилар». Нух айтди: «Ул қаю эрди?» Иблис айди: «Сен дуо қилдинг, қавминг ҳалок бўлди. Қамуғлари тамуғ ичинда манга қўлдош бўлдилар. Сабр қилсанг, бирагу имон келтириб санга ул фозилроқ эрди». Нух (а.с.) тун-кун навҳа қилди»<sup>1</sup>. Самарқанд тошбосма нусхасида Нух пайғамбар ҳақидаги воқеалар кенг ва батафсил ёритилган. Унда берилишича, Нух пайғамбарнинг асл исми Шоқир бўлиб, Нух деб аталишининг уч хил сабаби келтирилган: «... бири улким, бир кун Шайтон (а.л.) олдилариға келиб ризолиғ ва миннатдорлиғ қилди ҳад-ҳисобдин ташқари. Нух айдилар: «Эй малъун, сан не ишға мунча хушнудлиғ қилурсан?» – дедилар. Иблис айди: «Эй Нух, ҳама оламни халқи сани дуойинг била йўқ бўлди. Бу йўл била дўзахқа уланди. Дўзахни ичи тўлуб, мани кўнглум тиниб қолди. Агар сан дуо қилиб мунча халқни йўқ қилмасанг, бу халқдан қанча пайғамбар, қанча авлиё ва олим ва зоҳид ва солиҳ ва фозил ва тақводор вужудға келур эрди. Манга ҳар кунда минг лаънат юборур эрдилар. Ҳоло ҳамаси бо якбора йўқ бўлди. Ман ул боисдин аввали-охир миннатдор бўлғондек ҳеч ким миннатдор бўлмаслар. Манга сандек хизмат қилғон киши йўқдур», – деди. Шундан пушаймон ва надомат қилиб... чандон-чандон йиғладирким... ул боисдан Нух атандилар.

Яна бир улким, бир кун ўлтуруб эрдилар, бир ит кириб келиб қошларига турди. Нух итни нари кеткил бадишка дедилар. Ит айтдики: «Эй Нух, сан нақшни айб қилурмисан, наққошниму? Агар нақшни айб қилсанг, ман ўз ҳолимча мундоғ бўлғон эмасман, агар наққошни айб қилсанг, Ҳазрат

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 40.

Ҳақ Субҳана Таоло» – деди. Нух бу сўзлариға пушаймон бўлуб йиғладилар, ул сабабдан Нух атандилар.

Яна бир боиси улким, Ҳазрат Ҳақ Субҳана таоло фармон қилдики: «Эй Нух, сан кўб кўза, хум, обдаста қилғил», – деди. Ҳазрат Нух кўб кўза, хум, обдаста тайёр қилдилар. Тайёр бўлғондан кейин ҳаммасини синдурғил деб фармон бўлди. Ҳаммасини синдурдилар. Айдиларким, Эй бор Худоё, кўза қилғил дединг, не миқдор машаққатлар била тайёр бўлғонда синдурғил дединг синдурдим. Мани меҳнатимни зоеъ қилдинг. Боиси недур деб эрдилар. Ҳазрат Ҳақ Субҳана таоло айтдики: «Эй Нух, беш-олти қилғон жонсиз кўзаға меҳнатим зоеъ бўлди дерсан. Мани бандаларим Мағрибдин Машрикғача тўла эрди. Ҳаммасини йўқ қилғил деб дуо қилдинг, ман ижобат қилдим. Ҳаммасини бир йўли йўқ қилдим. Ман санга неча халқимни нимага йўқ бўлсун дейдурсан дедимму», – деб эрди. Бу сўздан хижолатлик бўлуб кўб йиғладилар. Ани учун Нух атандилар»<sup>1</sup>. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, котиблар қиссанинг айрим сюжет чизиғига кўшимча воқеалар киритиб, уни эртақларга яқинлаштириб, асл матндан узоқлашишига сабаб бўлганлар. Манбаларга нисбатан бундай муносабат уларнинг назарида асарнинг «мукаммаллашишига» хизмат қилган.

**Кўшимча киритилган халқона талқиндаги ҳикоятлар.** «Қисаси Рабғузий»нинг асл матндан йироқлаштирган ва уни халқ қиссаларига яқинлаштирган асосий жиҳатлардан яна бири мустақил киритилган ҳикоялардир. Масалан, Самарқанд нашрида «Шайтон ва узум» ҳикояси берилган. Бу ҳикоя Тошкент нашрида умуман учрамайди. У кейинги даврларда номаълум муаллифлар томонидан кўшилган ижод намунасидир. «Ҳикоятда андоғ келтурубдурларким, Шайтони малъун узумни уруғини ўғурлади. Ҳеч ваъж била тополмадилар. Ҳайвонотлардан сўрдилар. Ҳеч қайси билмасди. Шайтонни тутдилар. Айтдики: «Узумға уч маротаба сув кўймоқни манга берсангиз, топиб берай», – деди. Нух (а.с.) ҳам қабул

---

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 96–97.

килдилар. Узумни уруғини топиб бердилар. Вақтики кемадан чиқтилар, барча уруғларни эктилар. Узумни уч сувини Шайтони лаъин суғорди. Аввал тулкини қони бирла, андин кейин йўлбарсни қони бирла, андин кейин тўнғизни қони бирла суғорди. Анинг бергонидан чоғир бўлди. Ҳар ким ичса, аввал тулки бўлиб кўрмагон киши бирла дўстлуқ оғоз қилур. Андин маст бўлғонда йўлбарсдек бўлур. Ҳиммати дар жўш бўлуб ҳар кимга бир нимарса берур. Андин мастроқ тўнғуздек юргилик бўлуб, ҳеч ишидан кўркмас. Ҳар қисм ёмон иш содир бўлур, Шайтон берган сув феълидур. Андин сўнг ҳазрат Нух (а.с.) икки маротаба сув бердилар. Аввали беҳишт .....эрди, андин ширини пайдо бўлди. Яна бири салсабилдин. Андин сирка пайдо бўлди. Бу нимарсалар Нух (а.с.)ни хосиятларидур. Бу нимарсалар ҳар уйда бўлса, ул уйда ҳаргиз фаришта кам бўлмас дедилар»<sup>1</sup>. Демак, ўша давр халқ оғзаки ижодида шу каби ҳикоялар бўлган ва уни котиб ишончлик даражасига эътибор бермасдан, Нух пайғамбарнинг сифатини ёритиб берувчи ҳикоя сифатида «Қисас ул-анбиё» таркибига киритган.

**Асар услуби, образлар тизимининг фольклорлашув жараёни.** «Қисаси Рабғузий»ни халқ қиссаларига яқинлаштирган яна бир жиҳат қаҳрамонлар нутқи, мурожаати, ҳис-туйғуларининг назмда ифодаланишидир. Бу ҳолат уни халқ достонларига яқинлаштириб, адиб қаламидан узоқлашишига олиб келган. «Натижада эпик воқеалар баёнида одатдаги кўчирма гаплардан воз кечиб, ҳикоячи нутқини тўхтатиб, сўзни бевосита персонажларнинг ўзларига берила бошланди. Тизма диалог таъсирчанлиги, типиклиги ва драматизми билан ҳикоячи нутқига хос анъанавий кўчирма гапдан афзал эканини кўрсатади»<sup>2</sup>. Масалан, Тошкент нашрида Юсуф (а.с.) кул қилиб сотилгач, карвон билан бирга кетаётганида йўлда онасининг қабри ёнидан ўтади ва Юсуфнинг унга қилган мурожаати қуйидагича тасвирланади: «Анга тегди ўзини тевадин кузи солди. Онаси қабрин кучди,

---

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 106-107.

<sup>2</sup> Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти: Филология фанлари доктори...дис. –Тошкент, 1994. – Б. 17.

йиғлади, айди: «Эй онам, сандин азрилмиш эрдим, эмди отамдан тақи азрилдим. Тақи ортуқроқ кул деб сотилдим, азоқимға кишан урдилар, янчукларим<sup>1</sup> йўғон кишанда шишди. Нозук этим, таним қаттиғ ингирчоқда<sup>2</sup> янчилди. Эй онам, кошки сандин бурунроқ ўлмиш керак эрдим», тею йиғлади<sup>3</sup>. Энди худди шу тасвирни Самарқанд нашри билан қиёслаймиз. Унда бош қаҳрамоннинг онасига мурожаати олти банддан иборат мухаммас билан ифодаланади:

### Мухаммас

Ғойиб эдинг бу дийдаларимдан, дилим онам,  
Жоним-танним эдинг, жигарим, дилбарим онам.  
Ҳар дам рафиқу мушфиқ эдинг, мунисам онам,  
Ғунча лабинг думоҳа руҳум – аҳмарим онам.  
Қабринга термулуб сизадир гавҳарим, онам,  
Мунгдошғали бу ерда мани йўқ қариндошим.  
Бино бўлса оёқинг остида мунглуғ манинг бошим,  
Дарё мисоллик оқти кўзимдан мани ёшим,  
Бунёмин падар қошида мани мунгдошим,  
Бошимда тирговуч эдингиз, қарқарим<sup>4</sup> онам.  
Қон йиғлади бу дийдаларим йўлга термулиб,  
Хидмат этолмадим бошингиздин минг ўргуллуб.  
Ҳар кун ғамингда тирилиб, икки минг ўлуб,  
Кўз ёшим оқти дийдадин монанди хун бўлуб,  
Кўрмай юзунгни, жафо тортарим, жоним онам,  
Келдим бу кун кўрарга муборак жамолингиз.  
Гул ғунчасига ўхшар эди илҳомингиз,  
Шояд етарга гар насиб ўлса висолингиз.  
Қилдим хаёл кирсам, ўпсам оёғингиз,

---

<sup>1</sup> Янчук – бўкса (Тана аъзоси). Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 230.

<sup>2</sup> Ингирчоқ – гижирловчи эгар. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 221.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б.111.

<sup>4</sup> Қарқар – кабутар. Мухаммад Али Техроний. Фарҳанги котузиён. – Техрон: Техрон, хижрий 1311. – Б. 525.

Лаъли наботу қанду асал, шакарим онам.  
Қондош ағоларим мани ғурбатга ташлади,  
Айириб отамдан, ғам ва меҳнатга ташлади.  
Қул деб сотиб, мани машаққатга ташлади,  
Раҳм айламай манга чу фироққа ташлади.  
Ғамхўр ва ҳамдамим эдингиз, маҳрамим онам,  
Бечоравор падар қолди ўз диёрида,  
Қўйди мани рақиб падарни фироқида,  
Ётсам не эрди ётсин дебон ман оёғида,  
Кўнглимда юз аламдур отам иштиёқида,  
Кўбдир яроқлиғ сабабдин у хастам онам<sup>1</sup>.

Айтиш керакки, мухаммас ёзиш анъанасига кўра шеър а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а... тарзида қофияланган. Бироқ ундаги ҳижоларнинг миқдори бир хил эмас. Бу мухаммасни бош қаҳрамон ҳис-туйғуларининг, ички кечинмаларининг образли етказиш мақсадида котиблар ёхуд қиссахонлар киритган импровизация маҳсули дейиш мумкин. Мазкур ҳолат дostonлар тузилишини эсга солади. Чунки бу жанрга хос хусусиятлардан бири қаҳрамон руҳий кечинмаларининг образли тарзда ифодаланишидир. Масалан, «Алпомиш» дostonида Бойсари ўз юртидан аразлаб, қалмоқлар юртига боргач, мусофир элда хор бўлиб, ватандан жудоликда ёниб, жаллодларга қарата айтган шеърӣ муножотида ҳам руҳий тушкунлик кучли<sup>2</sup>. Қиёсланса, ҳар икки образдаги яқинлик киндик қони тўкилган тупроқдан ва яқинларидан ажралиш ҳиссининг ўзаро ҳамоҳанглигидир. Дostonларга хос бўлган анъанавий ҳолатлардан бири – қаҳрамонлар руҳий кечинмаларининг назмӣ шаклда ифодаланиш ҳодисасининг «Қисаси Рабғузӣй» нусхаларида учраши асарнинг халқ оғзаки ижодида ишланган қиссалардан таркиб топган фольклор намуналарига яқинлаштириб қўйган.

---

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 199.

<sup>2</sup> «Алпомиш» дostonи. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зариф., Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 32; <http://library.ziyounet.uz/uploads/books/29429/546478bb007e6.pdf>

Зеро, «Анъанавийлик ва симметрик тақвим – фольклорнинг ажралмас жихатидир»<sup>1</sup>.

Аслида бундай шеърий парчаларнинг киритилишига сабаб ўтмишда узун тунларда, айниқса, қиш кечаларида ташкил қилинган йиғинларда қиссахон, халфалар томонидан айтиладиган қиссаларда бу муҳим жихат бўлган. Айнан ана шу усул билан улар тингловчи руҳиятига таъсир этиб, ўзига сеҳрлаган ва беихтиёр тингловчилар ҳам Юсуф (а.с.)нинг бошига тушган алам, дард, соғинч изтиробни орқали ўзларининг дард ва ташвишларини ёдга олиб, шеър маъносига ошуфта бўлганлар. Бир киши айтиб, жамоа бўлиб тингланадиган қиссахонлик кечаларида бу муҳим эди.

Баъзан котиблар қаҳрамонларнинг нутқини айнан келтиргани ҳолда унинг руҳиятига мос келувчи қўшимча шеър ҳам илова қилишади. Улар нафақат туркий тилда балки, форс тожик ва араб тилида мустақил ишланган шеърлар намуналаридир. Масалан, Тошкент нашрида Яъқуб (а.с.) Юсуф (а.с.)ни ўғиллари билан далага кузатаётиб, «Изиё, Юсуфумни сенга топшурдим, манга тирик ёндурғил. Фироқининг мани ўти бирла ёндурмағил» деган Тангрига мурожаати берилган. Худди шу мурожаат Самарқанд тошбосмасида ҳам такрорланади ва унга қўшимча равишда қуйидаги шеър илова қилинади.

### Шеър

Ё раб, ба ҳаққи шаби зиндадорон  
Ба оҳу нолаи умидворон;  
Ба болини ғарибон бар сари роҳ,  
Чу таскини асирон дар таги чоҳ.  
Ба оби дийдаи тифлони маъсум,  
Ба сўзи сийнаи пирони мазлум  
Ту раҳме бар дили пур хунам овар,

---

<sup>1</sup> Медриш Д. Литература и фольклорная традиция, Вопросы поэтики. [http://modernlib.net/books/medrish\\_d/literatura\\_i\\_folklornaya\\_tradisiya\\_voprosi\\_poetiki\\_read](http://modernlib.net/books/medrish_d/literatura_i_folklornaya_tradisiya_voprosi_poetiki_read)

Аз ин гирдоби ғам берунам овар<sup>1</sup>.

Маъноси:

(Эй парвардигор, кечани уйғоқ ўтказгувчилар ҳаққи  
Умидворларнинг оху ноласи ҳаққи,  
Йўл бошида ўтирган ғариблар ҳаққи,  
Зиндонда ётган асирлар ҳаққи,  
Беғубор болаларнинг кўз ёши ҳаққи,  
Мазлум қарияларнинг куйган юраклари ҳаққи,  
Қонга тўлган бағримга раҳм қил,  
Ғам гирдобидан мени қутқар<sup>2</sup>.)

Асарда икки тилдаги шеърларнинг кузатилишини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин: аввало, бу қўлёзма форс-тожик тилидаги нусха асосида кўчирилган. Буни биз «... бу «Қисасул анбиё» араби эрди. Форсий қилиб, андин туркий таржима қилинди»<sup>3</sup> деган жумласи билан изоҳлаймиз. Демак, «Қисаси Рабғузий» араб ва форс-тожик тилида сўзлашувчилар ўртасида ҳам машҳур бўлиб, у араб тилидан форс тилига, форс тилидан туркий тилга таржима қилинган ва мана шу жараёнда айрим шеърлар туркий тилга таржима қилинмай қолган ёки котиб яшаган ҳудуддаги ерли аҳоли форс-тожик тилида бемалол сўзлаша олганлиги сабаб бу тилдаги шеърларнинг таржимасига эҳтиёж туғилмаган.

Асарда табиат тасвири, қаҳрамонларга хос ижобий ёки салбий сифатлар, хусусиятларни ёритишда анъанавий бошламаларнинг ўрни беқиёс. «Қисаси Рабғузий»да ҳам адиб қаҳрамонлар руҳиятига мос равишда пайғамбарлар қиссаларининг бошланмасида сўзбоши ўрнида табиат тасвиридан фойдаланади. Бунда у сажълар ёрдамида маълум оҳангдорликни ҳосил қилади. Бизнинг вазифамиз асарнинг кейинги даврда кўчирилган

---

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 188.

<sup>2</sup> Шеър таржимаси диссертант томонидан илова қилинди

<sup>3</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 3.

нусхаларида учрайдиган ўзгаришларни аниқлашдан иборат бўлганлиги учун Юсуф (а.с.) қиссасидаги туш мотиви мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Тошкент нашрида Юсуф (а.с.) етти ёшга тўлганида пайғамбар бўлишидан башорат берувчи иккита туш кўради. «Туш кўрди иничилари бирла таёғларин ёзида тикдилар, камуғлари кўкарди, аммо узамади... Иккинчи кеча яна туш кўрди ўн бир юлдуз, кун, ой бирла иниб, Юсуфга сажда қилдилар»<sup>1</sup>, дея келтирилган. Самарқанд тошбосма нусхасида эса Юсуф (а.с.)нинг пайғамбар бўлишидан башорат берувчи бешта туш тасвири берилган бўлиб, улардан бирида қуйидагича тасвирланади. «Яна бир кун туш кўруб, кўркуб уйғондилар. Оталарига айтиларким, бир улуғ шаҳарда эмишман. Бошимда тож мурассаъ, белимда камар, қўлимда ангуштар, катта жамият халқ хизматимда ўлтурубдурлар. Ҳама дарпўш, мурассаъпўш. Ул аснода осмонларни эшиги очик бир нури мунаввар, ҳама дарёларни суви равон, йиғмоқлари санохон эрдилар. Олдимда бир ридо, ҳама олам ул ридони нуридан равшан ва мунаввар эрди. Оламдаги ҳама ганжларни калиди мани олдимда эрди. Бу ишларга таажжуб қилиб турур эрдим, ногоҳ ўн бир юлдуз, ой ва кун манга сажда қилди, деб тушларини оталарига айтдилар»<sup>2</sup>. «Асар кўпроқ пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар асосига қурилганлиги учун ҳам унда араб, форс-тожик тилига оид лексик бирликларнинг сажъланиши анчагина учрайди»<sup>3</sup>. Бу ҳолат нафақат қўлёзмада, балки кейинги даврда кўчирилган барча нусхаларда яққол кўзга ташланадиган ҳолатлардан биридир. Биргина туш мотивининг бундай тарзда бадиийлаштирилиши қиссахонларнинг ижодий қобилиятига кўра тўлдирган, қайта ишланган вариантларидир. Юсуф пайғамбарнинг мазкур туш лавҳаси гўё сеҳрли эртақлардаги афсонавий боғларни эслатиб, бош қаҳрамоннинг узоқ ва машаққатли йўл босиб, ана шундай боғ-роғларга кириб қолиш лавҳасини эслатади. Достонлардаги табиат тасвири ҳақида ўз қарашига эга бўлган Г.Эшчонова «табиат тасвири

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б.102.

<sup>2</sup> Қисас ул-анбиё. Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 184.

<sup>3</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 95.

персонажларнинг маънавий қиёфасини очишга йўналтиргани ҳолда халқ ижодкорларининг эстетик қарашларини ҳам ўзида мужассамлаштиради»<sup>1</sup>, – деганда тўғри таъкидлаган эди. Зеро, ана шу боғ тасвири Юсуф (а.с.)нинг келажакдаги ёрқин тақдирдан башорат рамзи эди. Шунингдек, боғ тасвирининг мўъжизакор чиқишига сабаб наср поэтикаси унсурларидан ҳисобланган сажъ санъатидан фойдаланганлигидир. Чунки сажъ асарга маълум оҳанг, мусиқийлик бағишлаб, эртак ва дostonлар каби эшитганнинг ёдда сақлаб қолишини енгиллаштиради.

Оғзаки ҳамда ёзма адабиётда бирдек ишлатиладиган сажъ санъати ҳақида профессор Б.Саримсоқов махсус тадқиқот олиб бориб, кўпчилик олимларнинг сажъ санъати араб адабиётидан ўтган деган хулосаларига қарши ўлароқ туркий халқ адабиётида сажъ дастлаб шу халқнинг оғзаки ижодида намоён бўлганлигини асослаган<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, «Қисаси Рабғузий» асарининг ҳар икки нусхасини қиёсий ўрганиш натижасида улар орасида қатор тафовутлар аниқланди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Юқорида асарнинг Тошкент нашри ва Самарқанд тошбосма нусхалари қиёсий ўрганилиши натижасида айрим олимларнинг «Кейинги даврларда кўчирилган «Қисас ул-анбиё» номи билан тарқалган қиссаларни Рабғузий номига нисбат бериш тўғри эмас<sup>3</sup>, деган фикрларига қарши ўлароқ биз бу қиссалар айнан Рабғузийнинг қаламига мансуб, деган хулосага келдик. Сабаби бу нусхалар Рабғузийгача ёхуд Рабғузийдан кейинги даврларда яшаган адибнинг ижод маҳсули бўлганида эди, Самарқанд тошбосмасининг 3-бетида «Бу китобни тузган ва тоат йўлини кезган, улуғ йўруғлуқ Работ ўғузининг қозиси Бурҳонуддиннинг ўғли қози Носируддин» деган жумлалар битилмаган бўларди. Бу эса форс-тожик ва туркий тилда кўчирилган «Қисас

---

<sup>1</sup> Эшчонова Г. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонининг вариантлари: Филол. фанлари номз. дис. – Тошкент, 1994. – Б. 76.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида туганган ўрни: Филол. фанлари номз. дис. – Тошкент, 1973. – Б. 57.

<sup>3</sup> Остонакулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филол. фанлари номз. дис. – Тошкент, 1993. – Б. 18.

ул-анбиё» номи билан машхур бўлган қиссаларнинг асоси «Қисаси Рабғузий»га тақалишини билдиради.

2. «Қисаси Рабғузий» асрлар давомида қайта-қайта кўчирилиши натижасида асарнинг анъанавий тузилишида жиддий ўзгаришлар юзага келган. Бу ҳолат эса қадимий нусха билан котиблар кўчирган нусхалар ўртасида жиддий тафовутни юзага келтириб, халқ қиссаларига яқинлашишига асосий омил бўлган.

3. Тошкент нашрида пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда муаллиф қисса термини остида муайян пайғамбарга тегишли воқеалар ва ҳикояларни келтиради. Кейинги даврларда кўчирилган нусхаларда, хусусан, Самарқанд тошбосмасида эса воқеалар анча кенг ёритилган ва ҳатто махсус фаслларга бўлиниб, сюжети қўшимча ҳикоялар, образлар воситасида анча кенгайтирилган. Айрим қиссаларнинг йўқолган саҳифалари қайта тикланган. Масалан, биргина Одам (а.с.) қиссаси Самарқанд тошбосмасида 11 фаслдан иборат, Юсуф (а.с.)нинг ўлими воқеаси ва Мусо (а.с.) қиссасининг бошланиш қисми қўшилган. Тошкент нашрида эса улар умуман акс этмаган.

4. Қиссаларни кўчириш жараёнида котиблар асар сюжетини «мукаммаллаштириш» учун айрим воқеа-ҳодисага қўшимча қилиб лирик шеърлар қўшишади, баъзан эса воқеани бутунича назмда ифодалашади. Айрим ҳолларда эса форс-тожик ва араб тилидаги шеърлар ҳам илова қилинади. Бу ҳолат деярли барча қиссаларда яққол намоён бўлади. Демак, котиб асарнинг узилган қисмини ижодий тўлдирган, қайта ишлаган.

Бу қиёслардан шу нарса аниқландики, асарнинг тадқиқот объекти қилиб олинган Самарқанд тошбосма нусхаси XIX асрда кўчирилган бўлиб, сюжет чизиғи, шеърлар кўлами, мавзуси, мазмуни, ҳикоя ва ривоятларнинг ҳажми, қамрови билан Тошкент нашридан фарқ қилади. Тошбосмадаги воқеа-ҳодисалар фольклор элементларига бой бўлиб, асардаги баъзи ҳикоялар эртак ҳамда дostonларга яқин.

Тошкент нашрининг айрим саҳифалари жиддий зарар кўрганлигига карамай ўзида XIV аср адабий тилини сақлаганлиги, воқеалар кўламининг ихчамлиги ва ҳақиқатга яқинлиги, энг муҳими, муаллиф қаламига яқинлиги билан эътиборлидир. Бу эса Тошкент нашрининг барча нусхалардан мукамал, қадимий ва мамлакатимиздаги ягона таянч манба эканлигини кўрсатади.

Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлдики, ҳозиргача биз таяниб келаётган адиб ижоди ҳақидаги айрим маълумотлар унинг мероси ҳақида тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмайди. Ўқувчиларнинг севимли асари бўлгани сабаб, у турли жойларда котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилган ва китобат асносида қўшимча воқеалар, ҳикоялар, шеърлар киритилган. Натижада асар тили, сюжети, композицион тузилиши ва ҳаттоки, унинг ёзилиш санасига доир айрим чалқашликлар юзага келганки, бу соҳада ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоғи кераклигини кўрсатади.

## **1.2. Асар нусхаларида мақол, ҳикматли сўз ва фразеологик бирикмаларнинг ўрни**

«Қисаси Рабғузий»нинг бадиий қимматини ошириб, тез шуҳрат топишига сабаб бўлган яна бир омил – асарда халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлардан моҳирона фойдаланилганидир. Бу ҳол, биринчидан, шу давр халқ оғзаки ижоди бойлигини кўрсатса; иккинчидан, муаллиф истеъдоди, маҳорати ва ижодий ғоясининг алоҳида қирраларини намоён қилиб, тарихий-фольклорий жараён ва адабий анъаналарни ўзида акс эттиради.

Рабғузий қиссада «ахлоқ нормаларининг кодекси ҳисобланган»<sup>1</sup> мақолларни ранг-баранг шаклда ишлатиб, асар таркибига «сингдириб» юбориши натижасида ҳар бир паремик тур адибнинг ғоявий ниятини,

---

<sup>1</sup> Абдуқулов Т. Адабий эртақларнинг бир кўриниши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 2-сон. – Б. 43.

мақсадини аниқ ва равшан ифодалаган. Шунингдек, муаллиф тасвирда пайғамбарлар ҳаёти, шахсига тегишли ёхуд унинг атрофида юз берадиган ҳодиса ҳақидаги мулоҳазаларининг ишончлилигини ва ижобий ёки салбий персонажларга нисбатан хулосасини тасдиқлашда мақоллардан фойдаланган. Асарда қўлланилган мақоллар вазн, ритм, оҳангдорлигига кўра ҳозирги адабий тилида ишлатиладиган халқ мақолларидан деярли фарқ қилмайди. Ҳар бир мақол гўёки шеърдек ўқилади ҳамда фикр, воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчан, тушунарли, пурмаъно бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам Рабғузийнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-дидактик қарашларини белгилашда асардаги фольклорий жанрларга энг муҳим ва етакчи мезон деб қараш мумкин.

Фольклоршунос олим О.Мадаев мақолларни тузилиши, асар бадииятидаги ўрнига кўра иккига бўлиб ўрганишни маъқул кўради<sup>1</sup>. Профессор Б.Саримсоқов эса уларни семантик хусусиятга кўра уч туркумга бўлиб ўрганган<sup>2</sup>. Мақолларни ўрганишда иккинчи таснифдан фойдаланилди. Зеро, асардаги мақолларнинг табиатини тўлақонли очиб беришда бизга ана шу тасниф мос келади:

1. Кўчма маънодаги мақоллар.
2. Ҳам ўз, ҳам кўчма маънога эга бўлган мақоллар.
3. Фақат ўз маъносида қўлланилган мақоллар.

**1. Кўчма маънодаги мақоллар.** Рабғузий ижодида бу турдаги мақоллар кўпчилики ташкил этади. Муаллиф уларни фикрининг хулосаси, қиссадан чиқариладиган ҳисса ўрнида истифода этади. Масалан, «*Ўғул-қиз гўрга нур турур, кўзга сурур турур*»<sup>3</sup> мақоли берилган. Маълумки, ота-она фарзандини эзгу мақсадлар билан вояга етказди. Умрининг давомчилари, қариганда суянчиқлари, кўзларига нур бўлишини истаб, бор меҳрини, қалб кўрини бахш этади. Шунга мувофиқ фарзандлар ҳам ота-оналарига меҳр

<sup>1</sup> Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. – Б. 75.

<sup>2</sup> Саримсоқов. Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида туган ўрни: Филология фанлари номзоди...дис.– Тошкент, 1973. – Б. 67.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 117.

кўрсатиб, ўз олдиларидаги фарз ва қарзларини адо этиши, солих фарзанд ота-онага қувонч эканлигини мақол воситасида асар бадииятига сингдирилган. Шунингдек, бу жанр орқали солих фарзандлар ота-оналарига раҳмат ёғдириши, аксинча ноқобил бўлса, уларни иснодга қўйиши уқтирилади. Кўчма маънодаги бу мақолни адиб ҳикоянинг умумий мазмунига кўра хулоса ўрнида ишлатган.

**2. Ҳам ўз, ҳам кўчма маънога эга мақоллар** китобхонни ўйлаб мушоҳада юритишга даъват этади. Бундай типдаги мақолларнинг бош хусусияти ташқи маънога урғу бериш баробарида унинг ички нозиклигига ҳам ишора қилишдир. «Мақолнинг анъанавий мазмун-мундарижаси доимо икки қисмли бўлади: бир вақтда ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода тушунилади»<sup>1</sup>. Масалан, «*Тишисиз тириклик йўқ, тиши бирла тинчлик ҳам йўқ*»<sup>2</sup> мақолида аёлларга хос умумий хусусиятлар енгил кулги остида берилган. Боғловчисиз қўшма гапдан тузилган бу мақолнинг ўз маъноси биринчи қисмда аёлларсиз ҳаёт рангсиз ва зерикарли эканлигини англатса, иккинчи содда гапда бунинг акс маъноси, яъни улар жанжалкаш, ҳар нарсага уришадиган, аразчи каби маъноларда қўлланиб, кишида юмористик кайфият уйғотади. Мақолнинг кўчма маъносида аёллар жамиятнинг бир бўлаги – асосий негизи, гўзаллик рамзи, умр мазмуни эканлиги таъкидланади. Демак, мақолнинг ҳар икки маъноси асосли ва ҳақиқатга яқин. Бу эса аждодларимизнинг мақоллардан фойдаланишда нозик дид соҳиби эканлигини англатиб, асарнинг ҳаётий далиллар билан бойитилганлигини исботлайди.

«*Юқори боқди кўк йироқ, қуйи боқди ер қаттиғ*»<sup>3</sup> мақоли Юсуф (а.с.)нинг руҳий аҳволини ифодалашда мос равишда танланган. Мақолнинг ўз маъноси, яъни осмоннинг узоқлиги, ернинг қаттиқлиги ҳаммага маълум. Аммо унинг кўчма маъносида Юсуф (а.с.)нинг Яъқуб (а.с.)дан йироқда,

---

<sup>1</sup> Темирова М. Ўзбек ва қирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги. – Тошкент. Турон-Иқбол, 2016. – Б. 9.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 127.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 106.

акаларининг кўлида ҳимоясиз, зулмда, ночор қолган вақтдаги тушкун ҳолатини ифодаланади. Юсуф (а.с.)нинг дод-фарёдига эътибор қилмаган акалари унинг кўзидан қонли ёшини оқизиб, ҳам туғилиб ўсган ватанидан, ҳам падари бузрукворидан айириб, бир неча йил узоқ элларда айрилиқда яшашга мажбур этишди. Қиссанинг бундай маҳзун, дардли, аччиқ лавҳалари ана шу мақол орқали ифодаланган. Демак, мазкур мақол Юсуф (а.с.)нинг аҳволи руҳиясини очиб беришда асос вазифасини ўтаган. Умуман олганда, қиссалар таркибидаги барча мақоллар ўқувчини ҳар бир ишни бажаришдан олдин чуқур ўйлаб, теран мушоҳада этишни талаб этишга даъват мазмунидадир.

**3. Фақат ўз маъносида қўлланилган мақоллар.** Улар асарда энг фаол қўлланилган мақол турига киради. Чунки адиб асарни халқона услубда ёзгани сабаб паремаларни ҳам кўпинча ўз маъносида ишлатган. Масалан, Нух (а.с.) қиссасида ит ва мушук ҳақидаги бир ҳикоя берилган бўлиб, унда «Маълум бўлдиким, *кимнунг айбин очса, ул яна ул айбга мубтало бўлур эрмишлар*»<sup>1</sup> мақоли ишлатилган. Унга кўра бировнинг айбини фош қилиб, унинг бошини эгадиган, мулзам қиладиган инсоннинг, албатта, ўзи ҳам шарманда бўлиши уқтирилади. Шунингдек, адиб ичиқоралик, муштумзўрлик, чақимчилик каби иллатларни қоралаб, ўқувчиларни бундай ишлардан қайтаради. Ушбу мақол тарихий вариантда бўлиб, ҳозирги кунда «Бировга чоҳ қазсанг, ўзинг йиқиласан», «Бировга яхшилик қилсанг ҳам, ёмонлик қилсанг ҳам ўзингга қайтади» каби шаклларга эга. «*Ёмонлиқ қилиб, яхшилик умид этмагил*»<sup>2</sup> мақоли «сабаб-оқибат муносабатини ифодалайди. Табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар фақат сабаб-оқибат муносабати орқали вужудга келади»<sup>3</sup>. Бу мақол ҳозирги кунда айнан шу шаклда истеъмолда бўлмаса-да, лексик жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилидан деярли фарқланмайди. Демак, асардаги мақоллар мавзу ва мазмунига кўра

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 44.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 74.

<sup>3</sup> Соатов Б. Мақолнинг жанр табиатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 6-сон. – Б. 41.

турлича бўлиб, муаллиф уларни воқеа-ҳодиса кўламига кўра турли ҳолатда кўллаб, ижодий ниятини очишда асосий воситалардан бири сифатида ишлатади.

Тадқиқотда «Қисаси Рабғузий»даги мақолларнинг яшаш даври ва кўлланилиш даражасига кўра тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида биринчи фаслда тадқиқот объекти қилиб олинган нусханинг қиёси ва уларнинг ҳозирги маъноларига мос ёки мазмунига яқин мутаносиблари билан қиёсланиб, қуйидаги жадвалда таснифи келтирилди:

	<b>«Қисаси Рабғузий»да келтирилган мақол ва ҳикматли сўзлар</b>		<b>Мақол ва ҳикматли сўзларнинг маъносига тенг келувчи ҳозирги муқобили</b>
	<b>Тошкент нашри</b>	<b>Самарқанд тошбосмаси</b>	
1.	Тишисиз тириклик йўқ, тиши бирла тинчлик ҳам йўқ (1.127) <sup>1</sup>		Яхши хотин – уй бўстони, Ёмон хотин – зимистони (262-б) <sup>2</sup>
2	Тиши кўнгли юмшоқ бўлур (1.24)		Она кўнгли юмшоқ бўлар
3	Хотунингга зинҳор розингни аймағил (2.75)		Хотинингга сир айтма, Айтган сўзингдан қайтма <sup>3</sup>
4	Ота-онани эзгу тутунг (2.188)		Ота-онанг давлатинг
5	Ота-она эзгу бўлса, уларнинг эзгулиги етти		Ота-она яхши бўлса, уларнинг яхшилиги бутун

<sup>1</sup> «Қисаси Рабғузий»дан олинган парчаларнинг саҳифалари шу тартибда кўрсатилади.

<sup>2</sup> Мирзаев Т. ва бошқ. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. (китобдан олинган замонавий талқиндаги мақолларнинг бети ўша жойда кўрсатилади).

<sup>3</sup> Сиддиқов Э. Қанотли сўзлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – Б. 189.

	уруфга тегар (2.15)		авлодига татийди
6	Ўғул-қиз гўрга нур турур, кўзга сурур турур (1.117)		Фарзанд – кўз нури, бел қувватидир. Ўғил билан қизинг – бамисоли икки кўзинг <sup>1</sup>
7	Кўз эрни гўрга киюрур, тевани ошчиға киюрур (1.144)		Кўз эрни гўрга. Туяни қозонга тикади
8	Қўнуқ ош ошамаса эв иясининг кўнгли машғул бўлур (1.91)		Қўноқ тўйдим дейди, Уй эгаси ёқтирмади дейди (171-б)
9	Қаюма ишни ўгранса, тамом ўгрангу (1.171)		Ҳунарни ўрган, Ўрган-да чиран (150-б)
10.	Бўлғуни бўлмиш тутғил, келғуни келмиш билғил (2.216)		Ўтганга саловат айт, келганга пешвоз чиқ.
11.	Ҳожатсиз ерга бормағил (2.23)		Чақирилмаган жойга борма
12.	Очуқ юзлук бўлғил, тунуқ турмағил (2.23)		Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, очиқ юзинг бўлсин (332-б)
13.	Сурмайин тек турмоқ ҳикмат турур, аммо ишлатган оз турур (2.32)		Сукут сақлаб турмоқ ҳикматдир
14.	Ёмонлиқ экиб, яхшилиқ умид этмағил (2.74)		Ёмонлиқ қилиб, яхшилиқ кутма

<sup>1</sup> Мирзаев. Т., Мусақулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 292.

15.	Ким ёвузлуқ қилса, анга янут (жавоб) берурлар (2.19)		Ҳар бир ёмонликнинг жавоби бор
16.	Кимнунг айбин очса, ул яна ул айбға мубтало бўлур эрмиш (1.44)		Бировга чоҳ қазма, ўзинг тушарсан (53-б)
17.	Адл қилган кофир бирла мулк боқий қолур, ...зулм қилган мўмин бирла мулк боқий қолмас (1.62)		Адолат қилган кофирга мулки боқий қолар, зулм қилган мўминга мулки боқий қолмас
18.	Ўнгай бўлган нарса иззати бўлмас (2.9)		Ўзинг топмаган молнинг қадри йўқ (243-б)
19.	... тилдин, юракдин яхшироқ йўқ. Агар ёвуз эrsa тилдин, юракдин ёвузроқ йўқ (2.75)		Ёмон тил бошга бало келтирар, Яхши тил давлат, дунё келтирар (82- б)
20.	Одам ўғли ўларин билур эркан, соғинур ўлмасман (2.22)		Инсон ўлишини билса ҳам ўлмайман деб ўйлайди
21.	Бу дунё кечарин билур эркан, кўнгул берур (2.22)		Иморат қилган киши ўлишини ўйламас (307-б) Умр ўткинчи меҳмон
22.	Ёт қуртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса, бузмай чиқмас (1.121)		Ёвуз кампирни ўйингга киргизма, чунки у оилангни бузар
	Дўст дўстни ўгар бўлур		Дўст дўстни мақтар

23.	(2.155)		
24.	Навкисадин бурч олмағил (2.75)		Нокаслардан қарз этма, Қарз этсанг ҳам, харж этма <sup>1</sup> (297-б)
25.	Авон бирла дўст бўлмағил (2.75)		Нодон билан дўст бўлма
26.	Бир қул сабр қилур, эмгаксиз таом берур. Бир қул сабр қилмас, анга эмгак бирла таом берур (2.21)		Сабр қилсанг ғўрадан ҳолва битар, Бесабрлар ўз оёғидан етар (223-б)
27.	Қазғу сўнг севунч эрмиш, текма меҳнат сўнг неъмат эрмиш (1.158)		Қайғу охири севинчдир. Меҳнат сўнги роҳатдир
28.	Кафолатнинг боши маломат турур, ўртаси ўкунч турур, охири таввон турур (1.45)	Кафолатнинг боши маломат, ўртаси ўкунч, охири таввондур	Кафолатнинг боши маломат, ўртаси ўкунч, охири таввондур
29.	Қачон кун туғар бўлса бурун субҳ оқарур, сўнгра кун туғар (2.112)		Тонг ёришмаса, кун туғмас
30.	Ҳақ Таолонинг лутфи асари зоҳир бўлса арслонға тулки бошчи бўлур (2.126)		Худо бераман деса, арслонға тулки бошчи бўлар
	Ол қилди, олға		Ўрни келса ўроқ ур (211-

<sup>1</sup> Мирзаев. Т., Мусақулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 406.

31.	илинди (1.115)		б)
32.	Узоққа югурур бўлуб тузоққа юркашди (1.115)		Саёқ юрган таёқ ейди
33.	Юқори боқди – кўк йироқ, қуйи боқди – ер қаттиғ (1.106)		Осмон йироқ – ер қаттиқ
34.	Қамуғ йигналар тўн тикар қиздурур, Яна ўзи кўрсанг яланғоч қолур (1.118)		Яланғоч игна кийинтиради (72-б)
35.	Чироғма улашў куяр ўртанур, Азинларга кўрсанг ёруқлуқ берур (1.118)		Ўзи ёниб, ўзгаларга нур берар
36.	Сулаймон ўлди эрса қамуғ девлар, парилар кутулдилар (2.37)		Сулаймон ўлди, девлар кутулди (311-б)
37.	Мавло Таоло қамуғ дунё мулкин берди. Анинг бирла тўймассен. Қачон лаҳадга кирсанг бир овуч тупроқ бирла тўярсан (2.95)		Кўз тупроққа тўяр (296-б)
38.	Дунёни бир, икки қабуғлуғ саройтак бўлдум. Бир қабуғдин кирдим, бир қабуғдин	Бу дунё икки шиклик уй экан. Бир эшикдан кириб, яна бир	Дунё икки эшиклик бир саройдир: бирдан кирарлар, иккинчисидан чиқарлар

	чиқа турурман (1.46)	эшикдан чиқиб борарман <sup>1</sup>	
39.	-----	Ит юрса, суяк топар, хотин юрса эр топар	

Юқоридаги таснифдан кўринадикки, «Қисаси Рабғузий»да ишлатилган мақоллар қўлланиш даражасига кўра кейинги йилларда кўчирилган нусхаларда акс этмаган, балки ўша даврдаги янги мақоллар билан алмаштирилган. Бироқ улар ҳам камчиликни ташкил этади. Бу эса тарихий-адабий жараёнда асарнинг фольклорлашиш ҳодисасининг кечиш суръатини ифодалайди. Умуман олганда, асарда мақоллар мураккаб функцияни бажариб, улар ҳикоянинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беришга хизмат қилган. Бу эса, биринчидан, муаллифнинг юксак истеъдод эгаси, нозик дид соҳиби эканлигидан дарак берса, иккинчидан, ҳар қандай таъриф-тавсиф ўрнида мазкур жанрнинг келтирилиши асарнинг бадиий таъсирчанлигини оширишда, кўзланган ижодий ниятнинг лўнда, таъсирчан ифодаланишида муҳим ўрин тутган.

Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарида бош ва эпизодик образларнинг характери, ташқи қиёфасини яратишда ҳаёт синовлари, турмуш тажрибалари, инсонлар ҳақидаги билим ва кўникмаларидан хулоса чиқариб ёндашади. Ўз навбатида, бу кузатиш ва таҳлиллар самарасида Рабғузий афоризмлари юзага келди. Ўз даврида машҳур бўлган ҳикматли сўзларда муаллифнинг ҳаёт ҳақидаги чуқур донишмандона қарашлари етакчилик қилади. Адиб асарда келтирилган ҳикматли сўзларнинг айримлари халқ орасидан олинган бўлса, баъзилари адибнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари асосида яратилган. Асардаги ҳикматли сўзлар мавзу доирасига кўра кенг қамровли бўлиб, қуйидагича туркумланди.

#### 1. Диний мавзудаги ҳикматли сўзлар;

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. Самарқанд: 1904. – Б. 112.

2. Фалсафий мазмундаги афоризмлар;
3. Тарбиявий характердаги афоризмлар.

**Диний мавзудаги ҳикматли сўзлар.** «Қисаси Рабғузий» бадииятида диний мавзудаги афоризмларнинг ўрни алоҳида. Пайғамбарлар фаолияти асосида келтирилган ҳикматли сўзлар гарчанд бирор пайғамбар ёки унинг атрофида юз берадиган воқеа-ҳодиса муносабати билан айтилган бўлса-да, мазмунан барчага тегишли бўлади. Персонажлар нутқи ва характери ўша образгагина тааллуқли бўлмай, у орқали жамиятда авж олган мавжуд иллат ва хусусиятлар очиб берилади. Масалан, асарда шундай ҳикматли сўз келтирилган: *«Адл қилган кофир бирла мулк боқий қолур, зулм қилган кофир бирла мулк боқий қолур, зулм қилган мўмин бирла мулк боқий қолмас»*<sup>1</sup>. Ислом дини таъсирида яратилган мазкур парча Иброҳим (а.с.)нинг бутларни синдирганда Намруднинг унга нисбатан ҳукм чиқариши муносабати билан айтилган. Ҳикматли сўз *«Аймишлар»* зачини орқали берилади. Бундан кўринадики, у Рабғузий қаламига мансуб эмас. Уни адиб халқ тилидан ёки ўша давргача яшаган машҳур шахслар ижодидан олган бўлиши керак. Афоризм уч мустақил фикрдан иборат ва уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш талаб этилади.

Биринчи қисмда нега *«Адл қилган кофир бирла мулк боқий қолур»* фикри келтирилган? Маълумки, ҳар бир инсон яшаш жараёнида, умри давомида атрофдагилар билан турфа ҳодисаларга дуч келади ва уларга ўз муносабатини билдиради. Шу жараёнда инсоннинг бир-бирига қилаётган муносабати, чиқараётган хулосаси унинг кейинги ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Табиатдаги барча ҳодиса маълум мезонлар асосида тартибга солинган бўлиб, Аллоҳ Таоло қимирлаган жонзотнинг муайян қонуниятга бўйсунганини назорат қилади. Ҳар бир шахс, ҳаттоки у кофир бўлса-да, ҳукм чиқаришда адолат мезонига бўйсунса, ички ҳис-туйғулар, шахсий хусуматлар гирдобига берилмаса, умрининг охиригача

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 62.

тинч-фароғатда яшайди. Ҳикматли сўзнинг иккинчи қисми биринчи айтилган фикрга зиддек гўё, яъни «Зулм қилган кофир бирла мулк боқий қолур».

Хўш, нега кофир подшо салтанат бошқарувида адолат қилса ҳам, зулм қилса ҳам унга мулки абадий қолиши керак? Бу ҳаёт фалсафасига ҳам, мантикқа ҳам тўғри келмайди. Шу сабабли биз китоб сўнгида тақдим қилинган арабча оятларнинг таржимасига юзландик. Муаллифнинг ўзи мазкур умуминсоний ғояни «Қамо қила: Ал-мулку йабқо би ал-адли маъа ал-куфри ва ло йабқо биал-жури маъа ал-иймани», яъни «Ҳамчунонки дебдурлар: «Давлат адолат билан қоим бўлади агарчи дорул куфр бўлса ҳам ва давлат жабру зулм билан ҳеч қачон боқий қолмайди агарчи иймонлик одам кўлида бўлса ҳам»<sup>1</sup> афоризми билан изоҳлаган. Демак, ҳикматли сўзнинг иккинчи қисми техник хатолик туфайли юзага келган.

Ҳикматли сўзнинг учинчи қисмида «Зулм қилган мўмин бирла мулк боқий қолмас» фикри ифодаланган. Бу оятда салтанат фақат адолатли шоҳ кўлидагина куч-қудратли давлатга айланиши уқтирилган. Агар қайсики шоҳ юрт бошқаришда ақл ва адолат мезонига бўйсунмас экан, у қанчалик иймон-этиқодли бўлмасин, тож-тахтидан мосиво бўлади. Ҳар икки ҳикматли сўз солиштирилса, уларда бир хил мазмун ифодаланган. Бундан кўринадики, Рабғузий келтирган афоризм «Қуръон» оятига асосланади.

*«Одамийнинг нафси қилган ишни етмиш шайтон қилмаслар»<sup>2</sup>.* Ҳикматли сўз Зулайхонинг Юсуф (а.с.)га туҳмат қилиши муносабати билан келтирилган. Унда нафсибузуклик қораланиб, бунда нафс тушунчасини кенгроқ мушоҳада қилиш лозим. Нафс – инсоннинг шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун кўйиб, турли ҳолат ва шароитда фақат ўзи учунгина ҳаракат қилишидир. Ушбу ҳикматли сўзда инсоннинг инсонга бўлган шахвоний баднафслиги тавсиф этилиб, Зулайхонинг ўз ҳавойи истаги натижасида Юсуф (а.с.)ни қурбон қилиши тасвирланган. Ислом таълимоти таъсирида

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 62, 193.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 139.

пайдо бўлган ушбу афоризмда инсониятнинг нафси йўлида қиладиган хунрезликлари олдида Шайтон (а.л) ҳам ожиз қолиши уқтирилган. Афоризм воситасида муаллиф нафсибузукликни қоралаб, ҳар бир ўқувчини жаҳолат гирдобига етаклайдиган зарарли иллатлар ва ёвуз қилмишлардан қайтаришни ўз олдига мақсад қилади.

Асарда Рабғузийнинг диний мавзудаги ҳикматли сўзлари талайгина бўлиб, уларда шахс камолотида, жамият тараққиётида инсоний фазилатлар устунлиги тараннум этилади ва образлар тилидан очиб берилади. Шу сабабли биз мазкур туркумдаги афоризмлардан баъзиларини ҳавола этамиз.

1. *Тишиларнинг макри кайди шаҳват бирла улуг турур, аммо шайтон макри Оллоҳ зикри била заиф турур*<sup>1</sup>.

2. *Одам ўғли тамуздин қўрқар эркан ёвузлуқ қилур (2.22).*

3. *Одам ўғли Иззи азза ва жалладан қўрқар эркан ёзуқ қилур (2.22).*

6. *Одам ўғли на қилса сақши бермакни билур (2.22).*

Юқоридаги ҳикматли сўзлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Рабғузийнинг диний мавзудаги афоризмларида инсон дунёда яхшилик қилиб, ўзидан эзгу ном қолдириши кераклиги ҳақидаги ғоя сингдирилади. Қисқа муддатли умри давомида ҳар бир шахс маънавий камолотга етказувчи ягона йўлни танлаши ва бу йўлдан собитқадамлик билан олға интилиши лозимлиги уқтирилади.

**Фалсафий моҳиятдаги ҳикматли сўзлар.** Бу туркумдаги ҳикматли сўзлар ҳам асарда салмоқли ўринни эгаллайди. «Фалсафий афоризмларда инсон, ҳаёт, уларнинг мазмуни ўлим каби абадий мавзулар ҳақида юксак образлилик воситасида ҳукм чиқарилади. Улар бир қарашда оддий фикрлардек туюлади, аммо чуқурроқ мушоҳада юритилса, мавзунинг фалсафий моҳияти ва талқини ойдинлашади»<sup>2</sup>. «Дунёни бир, икки қабуғлуф саройтак бўлдум. Бир қабуғдин кирдим, бир қабуғдин чиқа турурман»<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 128.

<sup>2</sup> Тошпўлатов З. Афоризмларнинг жанр хусусияти ва бадиияти. – Тошкент: 2006. – Б. 66.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 46.

ҳикматли сўзи ҳам кўчма маънода ишлатилиб, Нух (а.с.)нинг умри тугаши арафасида Жаброил (а.с.)га айтган сўнги сўз сифатида келтирилган.

Эътибор қилинса, муқояса қилинувчи объектлар ўртасида ассоциатив яқинлик, боғлиқлик мавжуд. Муаллиф бунда инсон умрини икки эшиқлик саройга ўхшатиб, ҳар нарсанинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам мавжуд деган фалсафий қарашни сингдиради. Зеро, Нух (а.с.) инсоният тарихида энг узок умр кўрган, яъни 1400 йил (айрим манбаларда 950 йил<sup>1</sup>) яшаган пайғамбардир. Демак, адиб мазкур мақол орқали дунёнинг ўткинчилигига урғу бериб, инсонларни яхшилик қилишга чорлаган.

«Эрнинг етти ёшинда тиши тушар, ўн беш ёшида расида бўлур, йигирма бир ёшга теги бўйи ўсар, қирқ ёшга етса аъло ақли камол»<sup>2</sup>. Ҳикматли сўз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қирқ ёшида пайғамбарлик мақоми берилиши муносабати билан келтирилади. У Рабғузий қаламига мансуб бўлмаганлиги сабабли «Аймишлар» зачини остида берилган. Афоризмда инсон умри тўртта асосий даврга бўлинади: 1. Ёшлик даври; 2. Ўспиринлик даври; 3. Йигитлик даври; 4. Ақли камолга тўлган давр.

Маълумки, болада дастлабки чиққан тишлар етти ёшигача тўкилиб, ўрнидан янгиси чиқади. Табиатнинг оддий қоидасини англаган муаллиф айнан шу ёшдан инсон болалик хотиралари, беғубор ўйинқароқлиги билан хайрлашиб, маънавий камолот сари илк қадамини ташлашига ишора қилади. Унинг бу ҳолати ўз-ўзидан ўспиринлик даври билан чамбарчас боғлиқликда ўтади. «Ўн беш ёшида расида бўлур» ҳикматли сўзнинг иккинчи қисмида йигит кишининг айни ўн беш ёшида камолга етиши уқтирилади. Бу ёшда йигит киши атрофга катталардек теран нигоҳ билан боқади. Яқинларига нисбатан алоҳида эътиборда бўлиб, ўзгалардан ҳам ана шундай ҳурмат ва муносабатни талаб қилади. Ҳикматли сўзда йигирма бир ёш айни йигитларнинг жисмонан кучга тўлган вақти экани айтилади. Айнан мана шу

---

<sup>1</sup> Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – М.: 1990, – С. 12.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 120.

ёшда йигитлар қандайдир қаҳрамонликлар кўрсатгиси, ўзининг баҳодирлиги ва уддабуронлигини намоиш қилгиси келади. Йигитлик даври – инсон умрининг баҳори. Мана шу давр ҳар бир йигит учун асосий ҳисобланиб, келажакда қандай касб танлаши ва шу орқали жамиятда нечоғлиг ўрнини топиши маълум бўлади. Ниҳоят қирқ ёшга етиб баркамол, ҳар қандай инсонга ибратли насиҳат ва тарбия бера оладиган тажрибали маслаҳатчи шаклланади. Айнан шу ёшда инсон ақли камолот чўққисига етади ва бу Муҳаммад (с.а.в.)га пайғамбарлик мақомининг қирқ ёшда берилганлиги билан изоҳланади. Демак, мазкур ҳикматли сўз ҳаётини далилларга асосланиб, инсон умри давомида ўтадиган босқичлар аниқ ва мантиқан тўғри тақсимланган.

Рабғузий афоризмларида ифодаланган фикрлар барча даврларга тегишли бўлиб, ўз моҳиятини йўқотмайди. Муаллиф ҳикматли сўзларида теран ҳақиқат нафаси уфуриб, уларда турмуш синовларидан ўтган, ҳаёт ҳақидаги олтин қоидаларга эга нуруний олим гавдаланади. Масалан, унинг «*Мавло Таоло қамуг дунё мулкин берди. Анинг бирла тўймассен. Қачон лаҳадга кирсанг, бир овуч тупроқ бирла тўярсен*»<sup>1</sup> ҳикматли сўзида чуқур фалсафий мазмун мужассам. У адибнинг умри давомида турли табақадаги, турфа характердаги одамларни кўриб, кузатиб, улардан тарбиявий ва ибратли хулоса чиқариши натижасида юзага келган. Ҳикматли сўз Хизр ва Искандар Зулқарнайн диалогига Хизр тилидан айтилган. Маълум бўлишича, Искандар Зулқарнайн бутун дунёни эгаллаган шоҳ ҳам саркарда. Муаллиф Искандар Зулқарнайнни нариги дунё чегарасидаги ерларгача забт этган жаҳонгир шоҳ сифатида тасвирлар экан, Хизр образи воситасида унга азалий ва абадий ҳақиқатни англатади. У саркарданинг қанчалик шон-шуҳратли ва қудратли бўлмасин, қачондир ўткинчи ҳаётни тарк этишини, елдек ўтадиган умрини мудом қийинчилик ва хавотирда ўтказиб, тўплаган мол-давлатидан бир мисқолчалик олиб кетолмаслиги айтилиб ҳақиқат эканлигини тушунтиради.

---

<sup>1</sup>Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 95.

Бироқ инсон табиатига хос очкўзлик, манмансираш, бесабрлик кўзларни басир қилиб, ҳақиқатни англашга ҳалақит беради. Рабғузийнинг мазкур ҳикматли сўзи ўзини ҳаётий далиллар билан оқлагани боис макон ва замон муносабатига кўра ўз аҳамиятини йўқотмаган. У ҳозирги кунда сўзма-сўз ишлатилмаса-да, ўзининг асл мағзини сақлаб, «Инсон кўзини тупроқ тўйдиради», «Кўз тупроққа тўяр»<sup>1</sup> шаклидаги мақолга айланиб улгурган вариантларда учрайди. Демак, Рабғузий афоризмлари замон ва макон жиҳатидан умрбоқий паремик тур бўлганлиги сабабли унинг баъзи намуналари қисқариб, мақол шаклида оғзаки ва ёзма нутқда сақланиб қолган. Қиссада шунга ўхшаш ҳикматли сўзлар кўплаб учрагани боис биз уларнинг айримларини ҳавола этмоқчимиз.

1. *Одам ўғли ўларин билур эркан, соқинур ўлмасман (2.22).*

2. *Мавло Таоло қамуг дунё мулкин берди. Анинг бирла тўймассен. Қачон лаҳадга кирсанг, бир овуч тупроқ бирла тўярсен (2.95).*

3. *Қуллуқ боғ боғланган бўюнга бугмоқ не керак (1.115).*

4. *Минг турлук бало одам ўғлонларига ул иш қилмаским, бир соат очлиқ қилур, яна минг шайтон одам ўғлонларига ани қилмаским, бир соат тўқлуқ қилур (1.154).*

5. *Эрнинг етти ёшинда тиши тушар, ўн беш ёшида расида бўлур, йигирма бир ёшга теги бўйи ўсар, қирқ ёшга етса аъло ақли камол (2.220).*

6. *Зиндон тириклар гўри турур, дўстларга исланмак ери турур ва душманларга сарзаниш ери турур (1.140).*

7. *Одам ўғли бу дунё кечарин билур эркан, кўнгул берур (1.22).*

9. *Ўт ўғри турур, қаю нарсани ўтқа берса йўқ қилур (1.21).*

Умуман олганда, Рабғузий келтирган афоризмлар, хоҳ ўзининг ижодий маҳсули бўлсин, хоҳ бошқа бирор шахсга тегишли бўлиб, халқ мулкига айланган бўлсин, уларда юксак ижтимоий ғоя етакчилик қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ мақоллари (нашрга тайёрловчилар Мирзаев Т. ва бошқ.). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 296.

Келтирилган ҳикматли сўзлар ҳар жиҳатдан ибратли бўлиб, унда илгари сурилган ғоялар барча учун бирдек тааллуқли. Вақт ва замон чегарасига кўра чексизликка дахлдор, ибратомуз хулосалар мажмуасини ташкил қилувчи ҳикматли сўзларнинг айримлари фаол ишлатилиши оқибатида мақол жанри билан бир бутун ҳолга келиб қолган.

**Тарбиявий мазмундаги ҳикматли сўзлар.** «Қисаси Рабғузий» асаридаги афоризмларни ўрганишда тарбиявий аҳамиятга эга ҳикматли сўзлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Бу хилдаги ҳикматли сўзларда воқелик адибнинг ўзи гувоҳ бўлган, ҳаётий тажрибасида синаган ёки эшитган тарбиявий хулосаларининг умуминсоний аҳамиятга моликлиги билан эътиборлидир. Масалан, қиссадаги «*Зинҳор ким эрсани ёвузламагил, ул ҳам сени ёвузламасун*»<sup>1</sup> ҳикматли сўзини олсак. У Юсуф алайҳис-салом қиссасидаги Зулайхонинг номаъқул хатти-ҳаракатига жавобан адиб тилидан келтирилган. Муаллиф ҳикматли сўзда ифодаланган фикрни бошидан кечирган ва амалда натижасини ҳам кўрган. Инсонларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро хусумат сақлаши, энг аввало, унинг ўзига жиддий зарар етказишини муаллиф билади. Шу сабабли ҳикматли сўзнинг биринчи қисмида айтган фикрини иккинчи қисмда аниқлаштиради, яъниким, «Ул ҳам сени ёвузламасин» хулосаси орқали ҳар қандай ёмон ишнинг бадали борлигини уқтиради.

Умуман олганда, табиат асли «Нима эксанг, шуни ўрасан» қабилида тузилган бўлиб, инсон томонидан бажарилган ҳар қандай иш учун (у қандай моҳиятда бўлмасин) ҳаётда шунга яраша жавоб олади. Ана шу ҳақиқатни англаган истеъдод соҳиби китобхонни зарарли одатлардан қайтариб, яхшилик томон етаклайди.

Асарда ватанпарварлик руҳи уфуриб турган афоризмларни ҳам учратиш мумкин. Ёш авлодда юртга садоқат туйғусини шакллантириш ва уни шуурига сингдириш ўта мушкул, айти пайтда шарафли бурч. Айнан шу

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 128.

мақсадни олдиға қўйган адиб қиссада шундай парча келтиради: «*Эр ул бўлур, сақолин бағир қони бирла безаса, ё кенду иликларин душман қони бирла безаса*»<sup>1</sup>. Мазкур афоризм Ҳусайн (р.а.)нинг шаҳид бўлишлари муносабати билан берилган. Унда Ҳусайн (р.а.) образи тимсолида ор-номусли, ватани, дини учун курашган юрт қаҳрамони тасвирланган. Муаллиф наздида эр-йигит шундай хусусиятларга эга бўлиши керак: соқолни бағир қони билан безаши. Хўш, нега эр-йигит ўзининг эрлигини кўрсатиш учун соқолини бағир қони билан безаши керак? Маълумки, йигит – жамиятнинг устуниси, оила бошлиғи, халқнинг ишонган тоғи ҳисобланади. Ҳаттоки ҳали эр ва аёл ўртасидаги муносабат ва мажбуриятлар у қадар шаклланмаган бир пайтда ҳам энг оғир ишлар асосан эркаклар зиммасига юклатилган. Хуллас, табиат яралибдики, эркак ғурур, оила, ватан каби юксак умуминсоний туйғулар тимсолидир. Ҳикматли сўзда «Бағир қони билан безаш» ибораси шунчаки берилмаган. Диққат қилинса, жамиятда рўй берадиган ҳар қандай нохушликларга қарши, аввало, эр-йигитлар мардонавор туради ва уни бартараф қилиш учун жонидан кечишга тайёр бўлади. Ана шу юксак туйғу унинг иккинчи қисмида янада ёрқин тасвирланади, яъни «*Эр ул бўлур..., ё кенду иликларин душман қони бирла безаса*». Юртга бостириб келган босқинчилардан элини ҳимоя қилиш, она Ватанининг озодлиги учун курашиш ҳар бир эр-йигитнинг шарафли бурчи. Адиб ҳам ана шу ғояни ривожлантирган ҳолда эр-йигитларни мардонавор курашга чақиради. Адибнинг жанговар ташвиқоти, албатта, бежиз эмас. Ташқи душманларнинг тинимсиз босқини халқнинг тинқасини қуритиб, юрт доим жасур ўғлонларга эҳтиёж сезган. Мазкур ҳикмат тарбиявий жиҳатдан қимматли бўлиб, ҳар бир ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга.

Рабғузий ижодида яна қуйидаги тарбиявий афоризмлар учрайди:

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 211.

1. *Зинҳор ким эрсани ёвузламагил, ул ҳам сени ёвузламасун (1.128).*
2. *Эр ул бўлур, сақолин бағир қони бирла безаса, ё кенду иликларин душман қони бирла безаса (2.211).*
3. *Ёт қуртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса бузмай чиқмас (1.121).*
4. *Ўз ёзуқингни ўзгага юкламагил (1.128).*

Юқоридаги ҳикматли сўзларга диққат қилинса, адибнинг бир неча аср олдин илгари сурган ғоялари, айтган хулосалари ҳозирги кунда ҳам ёш авлод тарбиясида дастуриламал даражасида қимматли ҳисобланади.

Умуман, Рабғузий ҳикматли сўзларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш фольклоршуносликнинг муҳим вазифаларидан бири. Чунки улар ҳозирги замон илм-фани учун муҳим бўлиб, қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун имконини беради. Қиссадаги афоризмлар турли мавзуда бўлиб, уларнинг баъзиларини адиб ўз тажрибаларига таяниб яратган бўлса, айримлари халқ оғзидан ёзиб олинган намуналардир.

Носируддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий»ни яратишда асарнинг бадиий қиммати, халқчиллигини кучайтириш, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, нутқи, хатти-ҳаракатини таъсирчан ифодалаш мақсадида ибораларга ҳам муурожаат қилди. Бунда муаллиф бирор образни тасвирлашда халқнинг сўзлашув тилида тез-тез такрорланадиган умумистеъмолдаги ибораларга муурожаат қилиб, уни халққа яқинлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, XIV асрда Ўрта Осиёда халқ оғзаки нутқи, лексикаси, этнографияси, бетакрор урф-одати ва эстетикасининг қай даражада ривож топганлигини тадқиқ қилиш имконини беради.

Рабғузий келтирган иборалар асарнинг бадиий кўрки бўлиш билан бирга XIV асрда туркий халқларнинг адабий тили, маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ибораларни нутқ жараёнида керакли ўринда ишлатиш – маҳорат маҳсули. Ўз ўрнида айтилган сўз ёки

фикр ҳар доим ўйланган натижани берган. Муаллиф ҳам асарда анъанага кўра фикрининг эмоционал бўёқдорлигини ошириш, қаҳрамонларнинг рухий ҳолати, ҳаракат натижасини иборалар воситасида етказиб беришга ҳаракат қилган. Масалан, Лут (а.с.) ҳақидаги қиссада шундай парча берилган: «Эй Лут сўз узатмағил, кўнукларингни бизга бергил»<sup>1</sup>. Мазкур гапда «сўз узатмағил» ибораси келтирилган. Биз унинг маъносини аниқлаштириш мақсадида воқеани кенгроқ ёритамиз, яъниким муътафакот халқи зинонинг энг разил кўриниши билан шуғулланишга ружуъ қўйгач, ўн икки фаришта бу қабилани йўқ қилиш учун Лут (а.с.)никига меҳмон қиёфасида келишади. Қабиладаги эркаклар бу фаришталар билан зино қилиш мақсадида Лут (а.с.) ҳузурига келиб, дўқ-пўписа қилишганда пайғамбар уларни бу ниятларидан қайтариш мақсадида ёлворади, ҳаттоки ўз қизларини таклиф қилади. Бирок қабила сардори «Гапни чўзмасдан тезроқ меҳмонларингни бизга бер» мазмунидаги «Сўз узатмағил, кўнукларингни бизга бергил», – дея Лут (а.с.)га пўписа қилади. Парчадаги «сўз узатмоқ» ибораси «гапни чўзмоқ» ибораси билан маънодош бўлиб, ҳозирги адабий тилда эскириб, истеъмолдан чиққан архаик ибора ҳисобланади. Бу каби иборалардан қиссаларда кенг фойдаланиш «образнинг социал характеристикасини чизади, персонажлар нутқини индивидуаллаштиради, кишилар, воқеалар, кўринишларнинг эмоционал-сиқик образини яратади»<sup>2</sup>.

Муаллиф асарда, асосан, икки компонентли («ўфқаси ўчмоқ», «кўнгул тинмоқ» ва ҳ.к.) иборалардан фойдаланади. Бирок адиб уларни ҳар доим бир бутун ҳолда келтирмайди. Баъзан фикрнинг таъсирчанлигини ошириш ва қиссанинг ўқувчи қалбида абадий муҳрланиши учун иборалар таркибига эркин бирикмаларни киритади. Масалан, «Мавло Таоло нурдин бир қубба изди, ким эрсанинг кўзи Ойсанинг танига тушмасун»<sup>3</sup> парчасида адиб «кўзи тушмоқ» иборасини ишлатган. Ҳақли савол туғилади, Рабғузий жумлани

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 92.

<sup>2</sup> Рафиев.А. Иборалар нутқимиз кўрки. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 5.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 172.

«Ойсанинг танига ким эрсанинг кўзи тушмасун» тарзида ишлатса бўлар эди, нега айнан турғун бирикма орасига эркин бирикмани киритган? Гап шундаки, сўзловчининг тингловчи диққатини қаратмоқчи бўлган жумласи ёзма нутқда одатда кесим олдида жойлаштирилади (Тарихийлик принципига кўра ибора таркибидаги тушмоқ феъли алоҳида сўроққа жавоб бўлган бўлиши мумкин). Адиб ҳам ўқувчи диққатини айнан «Ойсанинг танига» бирикмасига қаратмоқчи бўлган ва бундан бир неча мақсадни кўзлаган.

Биринчидан, Ойса Аллоҳ Таолонинг борлиги ва бирлигига иймон келтириб, Фиръавннинг худолик даъвосини рад этган эди. Ҳақ йўлни танлаб, разолатдан қайтган ҳар қандай мўмина Аллоҳ наздида севимли ва ҳурматга лойиқ. Шу сабабли содиқ бандасининг қийналганини, танасининг азобланганлигини ўзгалардан пинҳон тутиш мақсадида Аллоҳ Таоло нур билан Ойсанинг атрофини ўради ва ҳеч ким унинг нозик ва ярадор танасини кўролмади.

Иккинчидан, адиб маданиятнинг олий кўриниши ҳаё, ибo ҳақида сўз юритган, яъниким, жазога маҳкум шахс, энг аввало, аёл! Аёллар эса ҳар қандай ҳолатда бегоналар олдида очиқ-сочиқ, либослари йиртиқ, ўзлари афтода ҳолда кўринишдан сақланишган. Рабғузий ана шу эзгу ғояни ўқувчи онгига сингдириш учун айнан «Ойсанинг танига» бирикмасини «кўзи тушмоқ» иборасининг орасига жойлаштирган. Бундан кўринадики, адиб ҳеч бир жумлани шунчаки келтирмаган. Қиссада ҳар бир сўз, фикр шундай моҳирлик билан ишлатилганки, натижада улар матнда кучли экспрессивлик ва образлилик ҳосил қилган.

Асарда иборалар фақат икки компонентли эмас, уч компонентли («*кўнгли машғул бўлди*», «*жафо ўқин отдилар*»); тўрт компонентли («*кўнгли тўлонмадин кайкдек бўлуб*»); беш компонентли («*ёруқ жаҳон манинг уза қорарди*», «*бўтаси қолмиш ингандек инграю қолди*») шаклларда ҳам келиши аниқланди. Мазкур иборалар ҳам асар бадииятини ошириш, фикрни лўнда ва образли етказиш билан бирга уни халқ жонли сўзлашув тилига

яқинлаштирган. Масалан, шундай парча берилган: «Изи аzza ва жалла ер юзинда минг турлук халқ яратти. Уларда олти юз сувда турур, тўрт юз қуруғ ерда турур. Бу мунча танлиғларда энг илки чугурка ҳалок бўлғай. Анда кезин азинлари йўқолу бошлағай, тузулмиш мунчоқ йиби узулмиштек тарилғай»<sup>1</sup>. Парча Фиръавннинг такаббурлиги сабабли юборилган чигиртка офати ҳақидаги ҳикоядан олинди. Адиб Фиръавн халқига юборилган чексиз чигирткалар ҳақида гапирганда энг аввал қирон келадиган ҳашарот шу эканлигини таъкидлайди. Муаллиф бу каби ҳашаротларнинг қай даражада тезлик билан йўқолиши ҳақида сўз юритар экан, тасвир ўрнида биргина «тузулмиш мунчоқ йиби узулмиштек» ибораси воситасида фикрига хулоса ясайди. Мазкур ибора архаик бўлмаса-да, ҳозирги адабий тилда фаол ишлатилмайди. Бироқ уларнинг маънодоши сифатида «Ҳаш-паш дегунча» иборасини оғзаки ва ёзма нутқда кенг учратиш мумкин. Адиб тўсатдан йўқ бўлиш ҳолати ҳақида гапирганда бир тизимга тизилган мунчоқнинг фавқулодда узилиши, уларнинг бир зумда тарқалиши билан изоҳлайди ва буни ҳашаротларнинг бирин-кетин қирилиб кетиши ҳолатига менгзайди. Умуман олганда, қиссаларда иборалардан унумли фойдаланиш «мавҳум, абстракт ҳодисаларни аниқ, ихчам, образли қилиб тасвирлашда, қаҳрамонларнинг характерли белгиларини эсда қоладиган, таъсирчан қилиб кўрсатишда»<sup>2</sup> ижобий натижа берган.

Демак, қиссаларда турли компонентдаги ибораларнинг ишлатилиши аввало, XIV асрда туркий тил грамматикаси ҳамда сўзлашув тилининг бой ва мукамал тизимда шаклланганлигини кўрсатса, иккинчидан, асарда тасвирланган шахс ёки нарса-ҳодиса хусусиятини ёрқин кўрсатиш имкониятини таъминлаган.

«Қисаси Рабғузий»ни ўрганиш жараёнида фразеологизмларнинг айримлари ҳозир ҳам истеъмолда мавжуд бўлса, баъзилари архаик иборага

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 173.

<sup>2</sup> Рафиев А. Иборалар нутқимиз кўрки. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 5.

айланиб улгурган. Шу сабабли асардаги иборалар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги вариантлари билан қиёсланиб, қуйидаги жадвалга жойлаштирилди:

	<b>«Қисаси Рабғузий»-даги иборалар</b>	<b>Ҳозирги муқобиллари</b>	<b>Ибораларнинг маънолари</b>
1	Ачиғ сўзлук (1.16) <sup>1</sup>	Тили заҳар	Сўзлари билан кайфиятни бузувчи
2	Бошин саждаға урди (1.55)	Бошини саждаға қўйди	Ибодатга машғул бўлмоқ
3	Бағрини куюрманг (1.106)	Юрак-бағрини куйдирмоқ	Руҳан азобланмоқ
4	Бўтаси қолмиш ингандек инграю қолди (1.105)	Кўз узолмади	Муттасил қарамоқ (139) <sup>2</sup>
5	Ёруқ жаҳон манинг уза қорарди (1.119)	Дунё кўзига қоронғи бўлди	Яшашдан умидсизланди
6.	Жонимдин кечдим (1.79)	Жондан кечмоқ	Ўзини қурбон қилишга тайёр бўлмоқ, умидини узди, ҳаёт билан видолашмоқ
7.	Жафо ўқин отдилар (2.137)	Қалбини яраламоқ	Азобламоқ
8.	Зафар топғай (1.97)	Зафар қозонмоқ	Ғолиб бўлмоқ
9.	Йўлини сақлаб турди (2.19)	Йўлини пойламоқ	Кутмоқ
10.	Кўнглунг очилсун (1.36)	Кўнгул очмоқ	Хурсандчилик қилмоқ (154); юрагини очмоқ,

<sup>1</sup> «Қисаси Рабғузий»дан олинган ибораларнинг бетлари шу тарзда кўрсатилади.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 406. (Бундан кейин ушбу адабиётдан олинган ибораларнинг бети ўша жойда кўрсатилади).

			дардини айтмоқ
11.	Кўнгул кесмиш (1.83)	Кўнглини узмоқ	Юрагига яқин кишисидан, нарсасидан ажралишга қарор қилмоқ (166)
12.	Кўнглум тилар (1.83)	Кўнгли тиламоқ, кўнгли безовта	Бирор шахс ёки нарсани ўта хоҳламоқ, ўта безовталанмоқ
13.	Кўнглум амрулсун (1.84)	Кўнгли жойига тушмоқ	Хотиржам бўлмоқ (162)
14.	Кўнглум тинсун (1.84)	Кўнгли жойига тушмоқ	Хотиржам бўлмоқ (162)
15.	Кўнглунга кирди (1.84)	Кўнглига келмоқ	Ўзича ўйламоқ (156)
16.	Кўнгли машғул бўлди (1.90)	Кўнгли ғаш бўлди	Ўз-ўзича ташвишланди (173)
17.	Кўнглум явлоқ кўрқар (1.104)	Кўнгли ғаш бўлди	Ташвишланмоқ (173)
18.	Кўнглун кўпордилар (1.105)	Кўнглига чўғ туширмоқ	Ўта қизиқтирмоқ
19.	Кўнгул исукди (1.115)	Юраги ўйнади	Қалби ҳаяжонга тўлди (276)
20.	Кўнглинга меҳр солди (1.174)	Меҳр қўймоқ	Бутун ҳиссиёти билан суймоқ (180)
21.	Кўзи ташқару тушти (2.29)	Кўзи тушди	Бехосдан кўрмоқ (142)
22.	Кўзидин сақламоқ (2.43)	Кўздан сақламоқ	Турли шахсларнинг назаридан асраб-авайлаш
23.	Оғзиға тушти (2.45)	Оғизга тушмоқ	Кўпчилик орасида гап-сўз бўлмоқ (200)

24.	Рўза очмас эрди (1.90)	Оғиз очмоқ	Кун ботганда таом ейиш
25.	Сувсиз балиқдек чоликман (1.104)	_____	Севимли кишисидан айрилишни тасаввур қила олмаслик
26.	Сучук сўзлук (1.16)	Ширин сўзли	Хушмуомала
27.	Севунч келтурдук (1.91)	Хушхабар келтирмоқ	Ёқимли хабар эшитмоқ
28.	Сўзунг тегуралинг (1.96)	Сўзини етказмоқ	Музокара натижасини айтиб бермоқ
29.	Тор кўнгулук (2.57)	Кўнгли тор	Сабрсиз
30.	Тузулмиш мунчук йиби узулмиштеқ торилғай (1.173)	Ҳаш-паш дегунча	Нарса (мавжудот)нинг тўсатдан йўқ бўлиб кетиши
31.	Узку кўмишди (1.55)	Уйқуси келди	Ухлади
32.	Умид кесди (1.40)	Умидини узмоқ	Кўнглидаги охирги илин- жини ҳам йўқотмоқ (240)
33.	Умасиға тегди (1.40)	Кўлини ювиб, кўлтиғига урмоқ	Ихлоси қайтиб, ишонмай қўйиб, диққат- эътиборидан соқит қилмоқ (301)
34.	Юрак олдуруб (1.76)	Юрак олдирмоқ	Безиллатиб қўймоқ (271)
35.	Юраклари ёрилиб ўлди (1.97)	Юраги ёрилди	Қаттиқ чўчитиб кўрқитмоқ (270)
36.	Юмшоқ кўнгулук (1.16)	Юмшоқ кўнгил	Кўнгилчан, раҳмдил (392)
37.	Ўғлонни эга билмадим (1.78)	Йўлдан урмоқ	Ёмон йўлга бошламоқ, айнитмоқ (123)
38.	Ўфкалиқ бўлди (1.172)	Жаҳли чиқди	Ғазабланди (92)
39.	Ўфкам ўчсун (1.100)	Жаҳлдан тушмоқ	Аччиқлашишдан

			тўхтамоқ (92)
40.	Ўфқаси келди (1.30)	Жаҳли чиқди	Аччиғланди (92)
41.	Қаттиқ кўнгулук (1.16)	Қаттиқ кўнгил	Раҳм-шафқати йўқ (172)
42.	Қадам оғирлиғи (1.81)	Қадами оғир келмоқ	Кетма-кет келадиган фалокатларнинг сабабчиси деб ҳисобланган шахс ёки нарса
43.	Қатиғ сўзлук (1.106)	Қаттиқ гапирмоқ	Аямасдан танқид қилиш
44.	Қаттиғ кўнилаб (1.74)	Аччиғи келиб	Аччиғланиб (28)
45.	Ҳаққин сақлади (1.85)	Ҳаққини сақлади	Бирор шахс учун атамоқ
36.	Ҳукм берса (1.77)	Ҳукм чиқармоқ	Бирор шахс устидан қарор қабул қилмоқ

Юқорида келтирилган иборалар қаҳрамонларнинг ўзига хос табиати, характер-хусусиятини, шахс ёки предметнинг ҳолатини тасвирлаш, воқеа-ходиса юзасидан тўғри қарор чиқаришда муҳим бўлиб, адиб ниятини китобхонга лўнда, аниқ ва таъсирчан тарзда етказишга сабаб бўлган. Эътибор қилинса, юқорида келтирилган фразеологизмларнинг асосий қисми ҳозирги кунда ҳам халқ оғзаки ва ёзма нутқида фаол қўлланилади. Уларнинг айримлари айнан ишлатилса («*зафар топгай*», «*кўнгулунг очилсун*»), баъзилари маълум бир лексик ва фонетик ўзгаришга учраган ҳолатда қўлланилади («*рўза очмас эрди*», «*сўзунг тегуралинг*»), баъзилари эса умуман истеъмолдан чиқиб кетган («*ўмасига тегди*», «*ўфкам ўчсун*»). Қадимий туркий тилнинг ҳар қанча тазйиқларга бардош бериб, ибораларнинг ҳозирги кунга қадар тилимизда фаол, ўзгаришсиз, бор жозибаси билан қўлланилаётганлиги халқимизнинг ўз она тилини қанчалар қадрлаганининг исботидир.

«Қисаси Рабғузий»да қўлланилган халқ иборалари шакл, мавзу ва мазмун кўламига кўра ранг-баранг бўлиб, муаллиф маълум бир сўзнинг фразеологик формасини бир неча хил эквивалентда ишлатади. Бу ҳол эса асарнинг ўзбек адабий тили тарихи ва тараққиёт босқичларини ўрганишда қимматли манба сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

«Қисаси Рабғузий» асарида ишлатилган мақол, ҳикматли сўз ва иборалар XIV асрдаги адабий тилнинг аҳволи, ривожланиш босқичлари, туркий халқларнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъанаси, маданияти ҳақида маълумот олишда ёрдамчи восита сифатида қимматлидир. Айниқса, қиссада бирор шахс ёки воқеа-ҳодиса ҳақидаги хулосанинг биргина ибора билан изоҳланиши муаллиф ғоявий ниятини янада ёрқин чиқаришга, асар тили ҳамда бадииятини образли ифодалашга хизмат қилган. Энг муҳими, халқ сўзлашув нутқи маҳсули бўлган ибораларнинг асрлар давомида тараққий этиб, ҳозирги кунда ҳам деярли ўзгаришсиз адабий тилда ишлатилаётганлиги қадимий тилимиз, урф-одатимиз, маданиятимизнинг аждоқларимиз томонидан нақадар кадрланганлигидан далолат беради. Қисса ва ҳикоятларда қўлланилган ибора ва ҳикматлар асар бадииятини оширибгина қолмай, унинг кенг халқ оммасига манзур бўлишини ва халқчиллигини таъминлаган.

Хулоса қилиб айтганда «Қисаси Рабғузий» ва унинг кейинги йилларда кўчирилган нусхасини қиёсий усулда тадқиқ этиб, асар тузилиши, сюжети, ундаги жанрларнинг ўзгариши натижасида юзага келган тафовутлар, муаллифнинг ижодий ниятини осон ва аниқ ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилувчи мақол, афоризм ва ибораларнинг ҳар икки нусхада қўлланиш даражасини таҳлил этиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. «Қисаси Рабғузий»нинг кейинги йилларда кўчирилган ва халқ орасида «Қисас ул-анбиё» номи билан машҳур бўлган қисса нусхаларини ўрганиш жараёнида котибларнинг ижодий ёндашуви асарни халқ китобига яқинлаштириб қўйганлиги аниқланди. Натижада «Қисаси Рабғузий»нинг асл манбаси билан қўлёзмалар орасида тил, сюжет, композициясида жиддий

Ўзгаришлар ва тафовутлар юзага келган. Айнан шу ҳолатлар «Қисаси Рабғузий»ни адиб қаламидан узоқлаштириб, олимларнинг «номаълум автор томонидан ишланган «Қисас ул-анбиёи туркий» деган хулосага келишига сабаб бўлган.

2. «Қисаси Рабғузий»нинг Самарқанд тошбосма нусхасини ўрганиш натижасида (республикамиз кутубхоналарида сақланаётган аксарият нусхаларда) асарни халқ қиссаларига яқинлашишига тўрт омил асосий сабаб бўлганлиги кўрсатилди:

а) асар тилининг кўчирилган давр адабий тилига мослаштирилиши;

б) қиссадаги айрим воқеаларнинг кўшилиши ёки тушириб қолдирилиши;

в) Рабғузий ишлатган жанрларнинг асосий қисми туширилиб, унинг ўрнида бошқа муқобили қўлланиши;

г) қиссада айрим воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар руҳий ҳолатининг назмда ифодаланиши.

3. Халқ оғзаки ижодининг қадимий намуналаридан бири ҳисобланган мақолларнинг «Қисаси Рабғузий»да ишлатилиши муаллиф фикрининг хулосаси сифатида истеъфода этилади. Бу жанрни таҳлил этиш натижасида XIV асрда мақол жанрининг халқ истеъмолидаги ўрни, ранг-баранглиги, адибнинг воқеа-ҳодиса, нарса-предметга нисбатан муносабати масаласи очиқ берилди. Шунингдек, бу мақолларнинг асосий қисми Самарқанд тошбосма нусхасида ифодаланмаганлиги аниқланди.

4. Рабғузий мақолларни ишлатиш баробарида ҳикматли сўзларга ҳам мурожаат қилганки, тадқиқотда улар ҳам таҳлилга тортилди. Афоризмларни таҳлил қилиш жараёнида адиб нафақат кимлардандир эшитган ёки ўқиган, балки ўзи ҳам фикрининг исботи ёхуд хулосаси ўрнида пурмаъно фикрларини ҳам киритган бўлиши мумкин, деган хулосага келинди.

5. Мазкур бобда ибораларнинг асар бадииятидаги ўрни ҳам тадқиқ этилди. Бунда адибнинг сўз қўллашдаги маҳорати, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини ифодалашда иборалар муҳим аҳамият касб этганлиги кўрсатилди.

## II БОБ

### «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» ВА МИФОЛОГИЯ

#### 2.1. Асарда наботот олами этиологияси ва ўзига хос хусусияти

Маълумки, мифлар олам ва уни ўраб турган жисмлар, ҳайвонот ва набототнинг пайдо бўлиши ҳақида хабар берувчи энг қадимий оғзаки ижод намунасидир. Мифлар ўта қизиқарли ва баҳсталаб мавзу бўлганлиги туфайли кўплаб олимлар бу борада ўз илмий қарашларини билдирган. Хусусан, олим Шеллинг: «Мифология барча санъат турларининг пайдо бўлишида зарурий шароит ва илк материал вазифасини бажарган»<sup>1</sup> деса, филология фанлари доктори, профессор М.Жўраев «миф – олам ҳақидаги қадимги одамнинг илк тасаввурлари»<sup>2</sup>, «...ибтидоий тасаввурлари мажмуи»<sup>3</sup>, «борлиқ ва воқеликни асотирий тимсоллар воситасида ифода этишнинг ёрқин намунаси»<sup>4</sup> деб таърифлайди ва уни турларга бўлиб ўрганади<sup>5</sup>. Филология фанлари доктори, профессор Н.Раҳмонов «миф – идрокли инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули»<sup>6</sup>, филология фанлари доктори Ж.Эшонқулов эса туш ва миф муносабатини таҳлил қилар экан, «миф – онг ости ҳисларининг дунёни қабул қилиш пайтидаги рамзларидир»<sup>7</sup> деб изоҳлайди.

Олимларнинг миф ҳақидаги юқоридаги илмий қарашлари бир-бирини тўлдиради. Биз ҳам буларга қўшимча сифатида шундай таъриф берамиз: **мифлар – қадимги инсонларнинг атрофини ўраб турган оламни илк илмий билишдаги турли рамзлардан иборат тушунчаларидир.**

Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асари ҳам ана шундай пайғамбарлар ҳаёти мисолида халқнинг азалий эътиқод ва тушунчаларини

---

<sup>1</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 18.

<sup>2</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол фанлари докт...дис. – Тошкент, 1996. – Б. 30.

<sup>3</sup> Жўраев М. Фолклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 75.

<sup>4</sup> Жўраев М., Отажонова М. Ҳозирги ўзбек насрида аниматик мифология // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2017. – 5-сон.

<sup>5</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол фанлари докт...дис. – Тошкент, 1996. – Б. 41–42; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 77.

<sup>6</sup> Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 12.

<sup>7</sup> Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. <https://googleweblight.com/i?u=https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/tush-va-mif-munosabati/&hl=ru-UZ>

хамда фольклор намуналарини акс эттирган нодир манбадир. Рабғузий мифлардан асарда турли муносабат билан фойдаланган. Шунга кўра ёдгорликда космогоник, календарь, ҳайвонот, наботот, инсон фаолияти ва кашфиёти, этнографик каби миф турлари учрайди. Биз бу турлардан наботот ва ҳайвонот ҳақидаги мифларни тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, дунё фольклори намуналарида инсониятнинг ер юзида барқарор яшашида беминнат хизмат қилаётган наботот оламининг пайдо бўлиши ҳақида хилма-хил миф ва афсоналар учрайди. Улар мазмунига кўра турлича бўлиб, қадимги инсонларнинг наботот оламини ўрганишга бўлган иштиёқи натижасида мифологик образлар ва тушунчалар пайдо бўлган. Бунинг оқибатида одамларнинг илк тафаккур тарзида ҳомий кучлар шаклланиб, онгнинг мавҳум фикрлаш босқичидан илмий билишга томон ўсишини кузатиш мумкин. Жумладан, мифшунос олим Е.М.Дьяконовнинг аниқлашича, аккад халқ афсоналарида Энлиль (баъзи вариантларда Мардук) номли шахс илоҳа Тиаматни ўлдириб, унинг жасадини бўлақларга ажратади. Танасининг юқори қисмидан осмон жисмларини, қуйи қисмидан ер, ўсимлик ва ҳайвонларни яратади. Шунингдек, хитой халқ афсоналарида ҳам биринчи яратилган антропоморф Пань-гунинг ўлимидан сўнг суягидан тош ва олтин, баданидаги тукларидан ўсимликлар, сочидан юлдузлар, дона-дона терисидан ёмғир, кўз ёшидан анҳор, дарё, кўзидан ой ва қуёш, нафасидан шамол пайдо бўлганлиги ҳақидаги турли оғзаки ижод намуналари яратилган<sup>1</sup>. «Авесто»да берилишича, ярим илоҳ даражасидаги ўлган сигир танасидан 55 нав ғалла, 12 нав дармон гиёҳ униб чиққан<sup>2</sup>. Демак, оламнинг ва ундаги жисмларнинг яратилиши илоҳлар ва илоҳ даражасидаги юрт қаҳрамонлари билан боғланади. Бу эса дунё халқлари афсоналари ҳамда Ўрта Осиёда исломга қадар яратилган халқ оғзаки ижоди намуналарида наботот ва ҳайвонот

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – Б. 203.

<sup>2</sup> Авесто. Асқар Маҳкам тарж. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 351; Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 24.

олами, табиат ҳодисалари, осмон жисмларининг пайдо бўлиши маъбудлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур қилинганлигини кўрсатади.

Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарида ҳам наботот оламининг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусияти, инсон ҳаёти ва тақдирига таъсири масаласида қизиқарли ва ранг-баранг маълумотлар келтирадики, улар, асосан, Одам Ато ва Момо Ҳаво яшаган давр билан изоҳланади. Бинобарин, уларнинг жаннатдан қувилишида ҳам тақиқланган мева сабабчи<sup>1</sup>. Инсоният цивилизациясига мислсиз даражада таъсир қилган меванинг айнан нима эканлигига қадимдан шу кунга қадар олимлар ҳам, оддий китобхон ҳам бирдек қизиқиб келмоқда. Ман қилинган мева ҳақида кўплаб афсоналар келтирилган бўлиб, уларда олма, анжир, беҳи, шафтоли<sup>2</sup>, зайтун<sup>3</sup> эканлиги айтилган. Бутун дунёда машҳур бўлган афсона вариантдан фарқли ўлароқ, нега Рабғузий тақиқлаган мевани айнан буғдой дея талқин қилган? Биз бу саволга жавоб топиш учун, энг аввало, диний манбаларга юзланамиз. Чунки ислом илмидан яхши хабардор бўлган адиб асар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда шу мазмунда яратилган адабиётлардан фойдаланган бўлиши мумкин.

Диний манбаларда тақиқланган мева ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Хусусан, «Қуръони карим»нинг Бақара сураси 35-оятда «Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз»<sup>4</sup> деб берилади. Кўринадики, «Қуръони карим»да тақиқланган мева ҳақида айтилган, бироқ унинг қандай мева эканлигига аниқлик киритилмаган.

Ман қилинган мева ҳақида исломшунос олим Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг куйидаги сўзлари ҳам Муқаддас китобда битилган сура ва оятларни тасдиқлайди: «Ман қилинган дарахт қайси дарахт эканлиги ҳақида узундан-узоқ тортишишлар бўлган. Ҳар ким ўзи билган дарахтнинг

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 22.

<sup>2</sup> Мифологическая энциклопедия. [googleweblight.com/i?u=http://mythology.info/planta/yablonya.html](http://mythology.info/planta/yablonya.html)

<sup>3</sup> Мифологическая энциклопедия. [googleweblight.com/i?u=http://mythology.info/planta/figa.html](http://mythology.info/planta/figa.html)

<sup>4</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, – Б. 9.

номини айтган ва ушбу гапни тасдиқлаш учун далил ва ҳужжатлар келтиради. Аммо, тўғриси айтганда, бировга ушбу дарахтнинг исмини билиш билан фойда ёки билмаслик билан зарар етмайди. Агар уни билиш зарур бўлса, Аллоҳ «Қуръон»да ёки пайғамбаримиз ҳадисларида айтган бўлур эди»<sup>1</sup>. Демак, диний адабиётларда номи тилга олинмаган тақиқланган меванинг фольклор намуналарида турлича аталиши дунё халқларининг тафаккур тарзи, дунёқараши ва илмий билишга бўлган эҳтиёжи нуқтаи назаридан келиб чиққан. Зеро, унинг истеъмол қилиниши инсоният онги ривожининг, тафаккур тараққиётининг ибтидоси, ўзини англашга бўлган эҳтиёжнинг самарасидур. Юқоридагилардан маълум бўлдики, Рабғузий фақатгина «Қуръони карим»даги оят ва сураларга таянмаган.

Иккинчи манба сифатида муаллиф бошқа диний адабиётлардан фойдаланган бўлиши мумкин, дея «Библия»ни кўздан кечирамиз. Унда эса бу мева «Яхшилик ва ёмонликни англаш дарахти»<sup>2</sup> деб номланган. Поэтик тилда «Ҳақиқатни топиш», «Моҳиятни англаш» истиоралари билан қўлланувчи бу дарахтнинг айнан шу ном билан аталишини олимлар маълум рамзлар билан боғлайдилар. Уларнинг фикрича, бу дарахтнинг илдизи инсоният тараққиётининг «беҳушлик ҳолати», танаси «ўзини англашнинг бошланиши», шохи ва барги эса «ўзини англаш воситаси»<sup>3</sup> деб талқин қиладилар. Агар инсон онги тараққиётининг умумийликдан хусусийликка томон ривожланишини шу шаклда босқичма-босқич таҳлил қилсак, унинг мевасини «ўзини ўзи англаш ҳосиласи» десак тўғрироқ бўлади, назаримизда. Демак, «Библия»да келтирилган тақиқланган меванинг туб негизида рамзийлик ётади ва у инсоният тафаккурининг «портлаш» жараёни сифатида баҳоланади. Чуқур мантиқий ёндашувга асосланган тақиқланган меванинг бу вариантдан ҳам «Қисаси Рабғузий»да фойдаланилмаган. Адиб бошқа қиссалардаги каби фольклор намуналаридан қўшимча манба сифатида

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 37, 664.

<sup>2</sup> Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – М.: 1990, – С. 6; Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. – М., 1996. – С. 195.

<sup>3</sup> Мифологическая энциклопедия. [googleweblight.com/i?u=http://mythology.info/planta/wood-knew.html](http://mythology.info/planta/wood-knew.html)

мурожаат қилган бўлиши мумкин, дея оғзаки ижод намуналарига мурожаат қиламиз.

Маълумки, дунё халқлари оғзаки ижоди намуналарида буғдой ҳақида кўплаб афсоналар берилган. Уларда айтилишича, ярим худолар ва афсонавий қаҳрамонлар одамларнинг совукда ўлмаслиги учун нонни осмондан олиб тушишган. Юнон халқ афсоналарида берилишича, нон она илоҳа Деметра томонидан етиштирилади<sup>1</sup>. Африка халқлари афсоналарида, илоҳийлаштирилган темирчи қаҳрамон осмондан ерга тушиб, одамларга ёрдам бериш мақсадида пиёз, дон-дун маҳсулотлари, найза ва кетмонга ўхшаш асбобни олиб тушади<sup>2</sup>. Демак, дунё халқлари фольклорида буғдой (нон)нинг пайдо бўлиши илоҳлар ва ярим илоҳлар билан боғланса-да, бироқ уларда жаннатдаги тақиқланган мева эканлиги айтилмаган.

Ўз-ўзидан савол туғилади: адиб бу мева ҳақида гапирганида нимага асосланган? Маълумки, муаллиф асарни ёзишдан аввал кўплаб манбаларни ўқиган, таҳлил қилган ва уларнинг орасидан ҳақиқатга яқинини саралай олган донишманд бўлган. Буни биз биргина «Дурустрак қавлда ул йиғоч буғдой йиғочи турур»<sup>3</sup> деб берган изоҳидан англаймиз. Шунингдек, муаллиф тақиқланган меванинг буғдой эканлигини диний нуқтаи назаридан тушунтиришга уринади, яъни «Мавло аза ва жалла Одам яратмазда ашну ер юзинда халифа яратурман..... буғдойдан еди тесалар, чиқмоқға сабаб бўлғуси учун». Ислом таълимотининг асосий шартларидан бири тақдири азалга ишониш, ҳар бир келадиган синов Аллоҳдан эканлигига амин бўлиш ва сабр қилишдир. Ана шу ғояни қисқа сатрда сингдирган муаллиф Тангри Таоло ҳали ўн саккиз минг оламини йўқлик қаърига чўмдирган бир пайтда ер юзида Унга ибодат қилувчи бандаларини яратишни ихтиёр қилганлигини эслатади. Ана шу ҳукмнинг амалга ошишида буғдой бир восита вазифасини бажаради. Одам Ато ва Момо Ҳавво эса Олий ҳукмни бажарувчи бандалардир.

---

<sup>1</sup> Дяконов И. Архаические мифы Запада и Востока. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1990. – С. 152.

<sup>2</sup> Мелитинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 185.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 20.

Рабғузий буғдойни Одам Ато ва Момо Ҳаволарнинг жаннатдан чиқишига восита қилиб кўрсатмасдан, унинг бошқа бир жиҳатини ҳам таъкидлайди, яъни «Тақи жавоб: Изи азза ва жалла тақдир қилмиш эди. Дунёда одамийнинг еми буғдой бўлғусини хитоб қилди»<sup>1</sup> деган иккинчи сабаб билан фикрини тўлдиради. Тангри уларни ерга туширса-да, ташлаб кўймади, ризқлантирди, буғдойни инсонларнинг севимли егулиги бўлишини истади. Агар ўйлаб қаралса, грек ва африка халқлари афсоналари билан «Қисаси Рабғузий»даги ҳикоятларнинг илдизи бир ўзакка тақалгандек. Чунки уларнинг сюжети турлича талқин қилинган бўлса-да, бир мотивнинг ўзгаришга учраган вариантларидир. «Зотан, амалий-маиший ва нарсасаларнинг ибтидоси ва интиҳоси талқини вазифасини бажариб келган мифнинг ақл-идроққа хос (рационал) мағзи ана шу поэтик шаклда ўқпоя бўлиб жойлашди ва санъат асарига айланди»<sup>2</sup>.

Асарда ўсимликлар билан бир қаторда баъзи дарахтлар хусусида ҳам кизиқарли маълумот келтирилган. Маълум бўлишича, Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатда тақиқланган мевани еб, шарманда бўлгач, таналари яланғочлигини кўриб, барглар билан бекитмоқчи бўлишади. Бироқ ҳеч бир дарахт осий бандаларга ёрдам беришни хоҳламайди. Шунда «Одам югуриб борурда йигданинг йиғочи сунуб, Одамнинг сочин тутди, «Қанда борурсен?» теди. «Кўзмасмен», теди. «Кўзсам мавлоға осий бўлурмен», теди. Ул сабабдин Одам ўғлонлари йиғочлари тикканда йигда йиғочини сувдин айроқ тикдилар, сувсиз қолсун теб»<sup>3</sup>. Жийданинг сувсиз ерда экилиши сабабини изоҳлашда адибнинг ўзига хос услубини кўриш мумкин. Агарки Д.Медришнинг илмий хулосасига таянсак, у «Фольклор анъанаси халқ оғзаки ижодида маълум белгига эга бўлса, адабиётга бошқа маънони англатишини»<sup>4</sup> айтган. Демак, олимнинг фикрича, жийда халқ орасида бошқа маъно, ёзма

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 22.

<sup>2</sup> Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти: Филол. фанлари докт...дис. –Тошкент, 1994. – Б. 19.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 25.

<sup>4</sup>Медриш Д. Литература и фольклорная традиция, Вопросы поэтики. [http://modernlib.net/books/medrish\\_d/literatura\\_i\\_folklornaya\\_tradisiya\\_voprosi\\_poetiki\\_read](http://modernlib.net/books/medrish_d/literatura_i_folklornaya_tradisiya_voprosi_poetiki_read)

адабиётда эса ўзга маъно англатиши мумкин. Шу сабабли унинг оғзаки ижодда қандай рамзларга эга эканлигини кўздан кечирамиз.

Мазкур дарахт ҳақида юртимизнинг баъзи вилоятларида икки хил қараш мавжуд:

1. **Эзгулик тимсоли.** Ўзбек деҳқонларининг қадимий ишончларига кўра, жийда ҳосилдорлик рамзи саналади<sup>1</sup>. Бу эса қадимги инсонинг фикрлаши ва тушуниш қобилиятида табиат билан инсон тушунчасини узвий боғлиқ ҳолда тасаввур қилганлигида кўринади. Филология фанлари номзоди М.Сулаймоновнинг ахборот беришича, Наманган вилоятининг айрим туманларида жийда дарахтига нисбатан халқ орасида шундай кўшиқлар учрайди:

Боққа борайлик,  
Жийда кесайлик.  
Келин билан куёвнинг,  
Йўлин тўсайлик.

Демак, жийда чўпи билан йўл тўсиш ҳам маълум рамзийликка эга. Жийданинг ҳосилдор дарахт эканлиги ёш келин-куёвларнинг серфарзанд бўлишига ёрдам беришига қаттиқ ишонишган. Шунга ўхшаш ирим Хоразмда ўтказиладиган суннат тўйларида ҳам акс этади. Унга кўра тўй эгалари тўйболанинг серфарзанд бўлишини ният қилиб, жийда бўтоғига «турли ширинликлар, рангли ялтироқ безаклар, турли-туман қоқилар солиб, тўйхонанинг баланд жойига осиб қўйишган»<sup>2</sup>. Бундан шу хулосага келиш мумкинки, халқ орасида жийдага нисбатан халқ эътиқоди турли ритуалларда сақланиб қолган.

2. **Ёвузлик тимсоли.** Халқ қарашларида «жийда – одамни телба ва урушқоқ қилгувчи кучга эга ёки соясида «мартув» (шайтоннинг урғочиси)

---

<sup>1</sup> Қаранг: Боболардан қолган нақллар. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 109.

<sup>2</sup> Наржигитов О., Товбоева Ф. Баркамол авлодни тарбиялашда ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўрни. – Тошкент: Баркамол авлод» Республика болалар бадиий ижодиёт маркази, 2014. – Б. 207; [file:///C:/Users/User/Downloads/barkamol\\_avlodni\\_tarbiyalashda\\_ozbek\\_xalq\\_ogzaki\\_izhodining\\_orni..pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/barkamol_avlodni_tarbiyalashda_ozbek_xalq_ogzaki_izhodining_orni..pdf)

ухлайдиган дарахт»<sup>1</sup> дея нақл этилади. Ана шу қарашлар халқ онгига янада ваҳимали тасвирларда акс этиб, гўёки жийда дарахтининг соясида демонологик олам вакиллари дам олиши, рақсга тушиши, буни кўриб қолган одамлар эса дарди бедавога чалиниши айтилади.

Демак, бу дарахтга нисбатан халқ эътиқоди ижобий ва салбий кўринишда акс этади. Ҳар икки ҳолатда ҳам халқ маълум табуларга амал қилган.

Адиб диний манбаларга таянган бўлиши мумкин дея, «Библия»га мурожаат қиламиз. Унда ҳам Одам Ато ва Момо Ҳавонинг анжир баргини баданига ёпгани ҳақида берилган, бироқ жийда дарахти ҳақида маълумот йўқ<sup>2</sup>. Ислом таълимотида эса Одам Ато ва Момо Ҳаво тақиқланган мевани егач, уларнинг авратлари очилиб қолади ва улар жаннат дарахтлари билан таналарини тўсганлари ҳақида берилади<sup>3</sup>. Демак, «Қуръони карим»да анжир ҳақида ҳам, жийда тўғрисида ҳам айнан маълумот берилмаган. Бу эса муаллифнинг фақат диний адабиётлар билан чекланмаганлигини кўрсатади.

Юқорида берилган таҳлиллар билан Рабғузий қиссасидаги лавҳалар қиёсланса, асарда муаллифнинг маълум воқеа-ҳодисани тасвирлашда, уни қайси манбадан олганлигидан қатъи назар, унга ижодий ёндашганини кўриш мумкин. Натижада шу образ адибнинг ижодий мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилган. Адиб наздида жийда дарахти буткул салбий образ эмас. У Аллоҳнинг амрига бўйсунган итоаткор қул образи. Бироқ, қиссада муаллиф ўзининг эмас, инсонларнинг жийда дарахтига нисбатан салбий муносабатини тасвирлайди. Унга кўра инсон зотининг жийдага нисбатан «жавоб» муносабати уни сувсиз жойда экиш билан ифодаланади.

Маълум бўлишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатда тақиқланган мевани еб, шарманда бўлгач, таналари яланғочлигини кўришади. Ёлғиз

---

<sup>1</sup> Боболардан қолган нақллар(нашрга тайёрловчи, илмий изоҳлар ва сўзбоши муаллифлари М.Жўраев, У.Сатторов). – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 65.

<sup>2</sup> [bibliya-online.ru/chitat-bytie-glava-3](http://bibliya-online.ru/chitat-bytie-glava-3); [https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Адам\\_и\\_Ева](https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Адам_и_Ева)

<sup>3</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, – Б. 101.; Одам алайҳис салом қиссаси. 19.03.2008. [old.islom.uz/content/view/618/137/](http://old.islom.uz/content/view/618/137/)

анжир дарахтининг уларга раҳми келди. Таналарини ёпишлари учун баргларида берди.

Нега муаллиф баргларида берган дарахт айнан анжир деб келтирганига жавоб қидириб кўрамиз. Биринчидан, бу ҳақда «Қуръони карим»да айтилмаган бўлса-да, «Библия»да ва оғзаки ижод намуналарида анжир деб келтирилган<sup>1</sup>. Иккинчидан, бу дарахт халқлар орасида маълум рамзийликка эга бўлиб, никоҳ, кўпайиш, орзу-истак, ҳақиқат каби рамзларга эга. Хусусан, унинг барги ва меваси ҳаёт ҳамда севги символи ҳисобланади<sup>2</sup>. Баъзан у яхшилик ва ёмонликни тушунтирувчи дарахт сифатида ҳам учрайди<sup>3</sup>. Унинг ана шу хислатидан келиб чиқсак, анжир билан Одам Ато ва Момо Ҳаволарнинг руҳияти ўртасида боғлиқлик, яқинлик бор. Афсоналарда бу дарахтнинг айнан анжир дейилиши «инсоннинг шахсий ва ижтимоий хулқи ҳамда дунёқарашининг ягона тизим доирасида кўринади»<sup>4</sup>. Инсонларда ҳам қайғуриш, ўзининг эмас, ўзгаларнинг ғамини ейиш каби анжирга хос туйғулар бор. Шу сабабли ҳам адиб халқ орасидаги қарашларни ҳисобга олиб, анжир вариантини келтиргандир. Учинчидан, бу дарахтнинг барглари бошқа дарахтларнинг баргидан ҳажм жиҳатидан катта бўлганлиги асос бўлгандир.

Анжирнинг меҳрибонлиги таҳсинга лойиқ. Шу сабабли у Аллоҳ Таоло томонидан муносиб тақдирланади. Муаллифнинг келтиришича, бошқа меваларда йўқ сифат анжирга берилади. «Анжир йиғочи Одам ва Ҳаввога беш ябурғоқ берди, андомларин ўртуб чиқтилар. Тонг отмишда кезин ул беш ябурғоқдан бирин кийик еди йипор бўлди, бирин сиғир еди анбар бўлди, бирин ару еди асал бўлди, бирин қурт еди ипак бўлди, бирин Одам ерга тикди юнг бўлди. Қиёматга теги ўғлонларина кафан бўлди»<sup>5</sup>. Анжирнинг шарофати билан унинг баргларини еган тўрт ҳайвоннинг ҳам фойдали

---

<sup>1</sup> Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – М.: 1990, – С. 7.

<sup>2</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/planta/figa.html>

<sup>3</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/planta/figa.html>

<sup>4</sup> Мелитинский.Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 169.

<sup>5</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 26.

хусусиятлари ошди. Бу ҳам Аллоҳнинг инсонга қилган марҳаматининг ифодаси эди. Чунки инсонлар сизир сутини ичишади, арининг асалини ейишади, ипак куртидан мато тайёрлаб кийишади. Анжирнинг меҳрибонлиги сабаб Аллоҳ Таоло бу дарахтни жазоламади, аксинча, унга раҳмат назари билан боқди. Мевалар ичида энг севикли ва ширин қилди. Баъзи меваларнинг усти ёйилиб, данаги ейилмайдиган (олма, ўрик сингари) ёки баъзиларининг усти ейилмай ичи ейиладиган (анор, тарвуз каби) мевалардан фарқли ўларок, анжирни ҳам усти, ҳам ичи истеъмол қилинадиган мевалар шоҳига айлантирди. Бу эса қадимда баъзи халқ ва элатларда наботот оламига алоҳида меҳр ва эътиқод қўйилганини кўрсатади. Демак, анжир фольклор намуналарида кўп қиррали ва сермаъно мева ҳисобланиб, инсониятга хос бўлган кечиримлилик, камтарлик каби сифатлари улуғланади.

Умуман олганда, «Қисаси Рабғузий»да берилган наботот дунёси намуналари маълум маъно-мазмун касб этади. Унда келтирилган ҳар бир ўсимлик рамзийликка эга бўлиб, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шунга кўра бундай «метафоранинг кўчма маъноси мифологик образнинг аниқ маъноси билан боғлиқ ва у ўзи билан икки тушунчани ҳам ифодалайди»<sup>1</sup>. Ишда буғдой, жийда, анжир каби меваларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиб, қаҳрамонларнинг фаолияти, хатти-ҳаракати билан боғлиқлиги қиёсий ўрганилди. Қиссадаги ҳикоятлар, бир томондан, «Қуръон»да берилган сура ва оятлар асосида қурилган бўлса, иккинчи томондан, қадимги аждодлар тасаввурида сақлаб қолинган халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Шунинг учун бўлса керак, адиб тасвирлаган объект ғоят ишончли, аниқ ва ҳақиқатга яқин туради.

## **2.2. Асар таркибидаги қиссаларда ҳайвонот ҳақидаги мифлар**

«Қисаси Рабғузий»да ҳайвонот олами ҳақида бир-биридан қизиқарли лавҳалар келтирилган бўлиб, улар генезисига кўра қадимий миф

---

<sup>1</sup> Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Наука, 1978. – С. 189.

намуналаридир. «Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, ўз навбатида, исломий эътикод, дунёқараш билан биргаликда ислом ва араб мифологиясининг ҳам бу ерга сингишига сабаб бўлди. Натижада маҳаллий мифологик тизим ҳам исломий дунёқарашга мослашди»<sup>1</sup>. Қиссада ҳайвонлар ҳақидаги ана шундай қарашлар ифодаси учраб, инсонларнинг табиатни ўрганиш ҳақидаги илк илмий тасаввурлари маҳсули сифатида қимматлидир. Ана шундай этиологик хусусиятга эга паррандалардан бири хўроз. Хўроз ва унинг табиати ҳақида халқ оғзаки ижоди намуналарида кўплаб маълумотлар учрайди. Улар хилма-хил ва турли мавзуларда бўлиб, баъзиларида у ижобий образ сифатида гавдаланса, айримларида унга нисбатан халқнинг салбий муносабати акс этган. Ўзбек мумтоз адабиётида фиска-фужур, кичкириғи кераксиз ғавғо, ўзини-ўзи кўз-кўз қилувчи образ дея таърифланган<sup>2</sup> хўроз кўп қиррали мураккаб образ бўлиб, араб ва туркий халқларнинг фольклор намуналарида кучга тўлган ҳарбий қиёфасида тасвирланган<sup>3</sup>. Демак, хўрознинг виқорли кўриниши, ўзини ҳамда атрофидаги турдошларини ҳимоя қилиш учун қиладиган «жанги» ҳарбийларнинг ҳолатига ўхшатишган. Баъзи халқларнинг фольклор намуналарида хўроз қуёш билан боғланади. Чунки у қуёш каби вақт меъёрига амал қилади. Шу сабабли айрим халқларда бу ном «қуйловчи тонг» маъносини англатади<sup>4</sup>. Вақт билан қадам-бақадам юрувчи бу образ қуёшга ўхшатишган, ҳар иккиси ҳам вақтни аниқлаштиришда ёрдам беради. Демак, хўроз «Вақт хабарчиси» ҳам экан.

Хўрознинг қандай қилиб уй ҳайвонига айланиши ҳақида ҳам айрим адабиётларда маълумотлар кўзга ташланади. Жумладан, хўрознинг уй паррандасига айланиши сабаби баъзи афсоналарда Каюмарс билан боғланади. Унга кўра, Каюмарс хўрознинг макиёнини кутқариш учун илон билан олишаётганини кўриб қолади ва унинг бу ғамхўрлигини инсон

---

<sup>1</sup> Турдимов Ш. «Гўруғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фанлари докт...дис.автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 15.

<sup>2</sup> Жумаев Р. «Лисон ут-тайр»даги бир мажозий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – 4-сон. – Б. 24.

<sup>3</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/myth-animals/cock.html>

<sup>4</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/myth-animals/cock.html>

табиатига ўхшатиб, уйига олиб келади<sup>1</sup>. Арабларнинг суахили халқларидаги «Товуқ ва цесарка» (цесарка – товуқсимонлар туркумидаги парранда) эртагида ўрмонда совқотган товуқ, хўроз ва цесарка инсонлардан олов сўрайди. Бироқ улар олов беришни хоҳламай товуқ ва хўрозни атайин тўкин дастурхон устида меҳмон қилишади. Ўрмонда ёлғиз қолган цесарка товуқ ва хўроздан хавотир олиб, одамларнинг уйига борса, улар товуқни сўйиб, овқат қилаётганлигига кўзи тушади. Буни кўргач, у кўркиб, ўрмонда яшашга аҳд қилди. Ўшандан буён товуқ ва хўроз инсонлар билан, цесарка эса ўрмонда яшайдиган бўлибди<sup>2</sup>. Юқорида берилган ҳар икки воқеа-ҳодиса турлича талқин қилинса-да, моҳиятига кўра бир хил. Ҳар икки миф генезисига кўра туркий ва араб халқларининг исломдан олдинги энг қадимги фольклор намуналари асосида яратилган.

«Қисаси Рабғузий»да ҳам хўроз образига мурожаат қилинган. Унда хўрозга хос табиат этиологик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, адиб бу тасвирларни бадиий ҳақиқат даражасида кўтара олган. Қиссада унинг қай тарзда уй паррандасига айлангани ва «қичқириғи» сабаби ҳақида қизиқарли лавҳа келтирилади. Унга кўра, тўфон тугаб, кема Жади тоғи бошига қўнади. Шунда пайғамбар «Ерда сувнинг не миқдор қолганлигини билиш учун ким боради» деганда, қора қарға бу вазифани ўз зиммасига олади. Нуҳ (а.с.) унга рухсат бериш олдидан қайтиб келиши учун бирор нарсани кафил қилиб қолдиришини сўрайди. Шунда соддадил ва оққўнгил хўроз қарға учун кафил бўлади. Қарға эса учиб кетгач, ваъдаси эсидан чиқади. Лафзсизлик қилиб қайтмайди. Қарғанинг бевафолигидан хўрознинг аҳволи танг бўлади. «Эркак товуқ ўғға кирмиш учун кемига кириб, кеми томинға ошиб, қанит тўкиб чорлаю бошлади. Қарға андин ёнмади. Нуҳ алайҳис салом товуқни олиб қолди. Ул сабабдин товуқ учмас бўлуб одамийлар бирла қолди»<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 28.

<sup>2</sup> Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1970. – С. 232.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 45.

Хўрознинг содда, гўр ва ишонувчанлиги қимматга тушди. Шу сабабли у ва унинг авлодлари бир умр одамлар билан яшашга маҳкум этилди. Демак, адиб хўрознинг уй ҳайвонига айланишини Нуҳ тўфони билан боғлаган. Бу мифик тасаввурларнинг илдизи энг қадимий даврларга тақалиб, «Уруғчилик шароитида яшаган кишилар ўз қарашларининг дуал табиатидан келиб чиқиб аввалига конкрет, кейинчалик эса мавҳум нарса ҳодисаларни фикран ёнма-ён кўйиб, бир-бирига зидлаш ёки таққослаш орқали муддаони англаганлар. Жонли сўзлашув нутқидаги бу тажриба воқеа-ҳодисаларни бадий идрок этиш йўсинига ҳам кириб келди»<sup>1</sup>. Шу тарзда хўроз тимсолида содда ва оққўнгил одамларнинг ишончини қарғага ўхшаш ёлғончи ва номардлар суистеъмол қилишини бадий акс эттирган. Мазкур миф ҳам этиологик хусусиятга эга бўлиб, хўроз билан боғлиқ илк ибтидоий қараш маҳсули ҳисобланади. Лавҳада адиб нафақат хўрознинг уй паррандасига айланиши, балки унинг ҳар тонгда баланд шох ёки уйнинг томига чиқиб қанот қоқиб қичқиришининг ҳам изоҳини келтирган. Муаллиф «вақт жарчиси»нинг ҳар тонгда баланд жойга чиқиб қичқиришининг сабабини хўроз ҳали-ҳануз дўсти қарғанинг қайтиб келишини кутишида, дея изоҳлайди. Бундай асотирлар гарчанд қисқа сюжет асосида қурилган бўлса-да, «... ўзида дунёни тушуниш ва тушунтиришнинг содда кўринишини акс эттиради»<sup>2</sup> ва киши ундан олам-олам завқ олади, шу билан бирга ҳайрат дарёсига чўмади.

Хўрознинг бошига тушган кўргиликлар сабабчиси – қарға. Маълумки, қарға – қадимий, сирли ва мураккаб образ бўлиб, дунё халқлари фольклор намуналарида ер, ерости, осмон, қуёш, сув билан боғлиқ қарашларда учрайди. Бу образ ранги, қўрқинчли овоз чиқариши, ўлимтихўрлиги, узок умр кўриши билан бошқа қушлардан ажралиб турганлиги сабабли у ҳақида кўплаб асотирлар пайдо бўлган. Хусусан, унинг ранги билан боғлиқ полеоазит ва Шимолий Америка халқларининг фольклори намуналарида

---

<sup>1</sup> Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти: Филол. фанлари докт...дис. –Тошкент, 1994. – Б. 25.

<sup>2</sup> Пропп. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 51.

қарға маданий қахрамон сифатида тасаввур қилиниб, осмон, ер, сув ва қушларни яратиб, уларнинг ҳар қайсисини маълум рангларга бўйганлигидан оқ рангдан қора рангга киради дейилади. Демак, архаик мифларда қарға айрим қабилалар эътиқод қўйган тотем сифатида ижобий маъно касб этиб, халқ қарашларида чуқур из қолдирган адиб образида гавдаланади. Ёки донишманд қарға Апполонга унинг севимли илоҳасининг хиёнатини айтиб берганида Апполон қайғуга ботиб, уни қора рангга киритади. Мифда қарға ростгўй ва жонкуяр сифатларига эга ижобий қахрамон дея тасвирланса-да, рангининг қоралиги маълум рамзийликка эга, яъни мазкур лавҳада қора ранг қайғу, мотам, алам тимсоли бўлиб, Апполон руҳиятининг рамзий ифодасидир.

Баъзи халқларда қарғанинг қоралиги олов кашф қилиниши билан боғланади. Унга кўра қарға оловга яқинлашган ва унинг қора тутуни қарғага таъсир қилган, натижада рангини мангуга ўзгартирган. Бундай архаик миф намунасини қадимги инсонларнинг борлиқ-табиатни ўрганишга бўлган изланишларининг илк ибтидоий кўринишлари дейиш мумкин. Чунки қадимги даврда инсонлар нарса-ҳодисанинг моҳиятини тушунишда тасаввурларидаги мавҳум саволларга содда ва метафораларга асосланиб хулоса чиқарган. Бироқ кўпчилик фольклор намуналарида қарғанинг қоралиги Нух тўфони билан боғланади ва улар турли вариантларда тарқалган. Хусусан, Нух қарғани қуруқ ер хабарини келтирмагани учун лаънатлаб, уни қора рангга киргизган дейилса, Шимолий Америкада яшовчи ҳиндуларнинг айрим қабилалари, Вавилон оғзаки ижод намуналарида Нух (а.с.)нинг буйруғини бажармагани учун қора рангга кирган ва лаънатланганлиги айтилади<sup>1</sup>. Бу лавҳада қарғага нисбатан салбий муносабатни ҳисобга олсак, қора ранг – лаънат ва азоб белгисидир.

Рабғузий ҳам қарға ҳақида Нух (а.с.) ҳақидаги ҳикоят орқали маълумот беради. Мазкур мифни тасвирлаганда бошқа вариантлардан фарқли ҳолда

---

<sup>1</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/myth-animals/voron/html>

нега унинг рангига эмас, хусусиятига эътибор берган? – деган савол туғилади. Сабабини қиссадаги парчадан тушуниш мумкин: «Қарға борди, ўлуклар телिम бўлди. Ани егуга бўлуб кеч қолди». Қарға пайғамбарнинг ва дўсти хўрознинг кутаётганлигини билса-да, қайтиб бормайди. Чунки ўлимтиклар унинг иштаҳасини очган эди. Нафсига қул бўлиб, ваъдасини унутган эди. Шунинг учун ҳам Нух пайғамбар уни лаънатлайди. Қилмишига яраша ўлимтиксўрга айлантирилиб, доим кўрқинч ва ҳадикда юриши учун узок умр берилади. Шу сабабли ҳам қора қарға «...кўнмишда ўнгунда, сўнгунда боқар темишлар»<sup>1</sup>. Демак, адиб Нух пайғамбар лаънатлашининг натижаси қарғанинг қора рангга кириши деб эмас, балки узун ёш берилиб, ўлимтиксўрга айланиши билан изоҳлайди. Чунки пайғамбар қарғанинг қурук ерни топгани сабабли қайтиб келмаганлигини биледи. Ерда ётган ўлимтиклар унинг иштаҳасини очган эди. Ваъдасизлиги ва юзсизлиги сабабли бу қилмишига жавобан Нух (а.с.) уни лаънатлади. Адиб наздида қарға ҳанузгача ҳадикда атрофга олазарак боқар экан. Табиатнинг, ҳайвонотнинг энг нозик, энг кичик деталигача эътибор қилган, унинг моҳиятини тушунишга ва ўрганишга ҳаракат қилган аждодларимизнинг бундай қарашлари кўп йиллик кузатишлар самараси сифатида қимматлидир. Бу эса Фрейденбергнинг қўйидаги хулосаларини тасдиқлайди: «Олам дастлаб «моҳият» ва «кўриниш»дан иборат бўлган. «Образ» кўриниш вазифасини бажарар эди. Инсоннинг онг оқимига сиғмаган нарсанинг ташқи кўриниши, моҳиятини «ҳақиқат» деб қабул қилган ва уни ягона бўлинмас аспектда деб ҳисоблаган»<sup>2</sup>.

Умуман олганда, қарға ҳақидаги этиологик мифларнинг айримларида унинг маданий қахрамон, ақли комил, доно ва содиқ образ деб қаралса, баъзи фольклор намуналарида салбий образ сифатида «Буюк тўфон» воқеаси билан боғланади. Ана шу тарихий воқеа ҳақида дунё халқлари оғзаки ижоди

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 45.

<sup>2</sup> Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Наука, 1978. – С. 185.

намуналарида юздан ортиқ вариант яратилган бўлиб, уларда тўфоннинг келиб чиқиш сабаблари, кечиш жараёни, кеманинг қурилиш тарихи, ҳайвонлардаги этиологик жиҳатлар, уларнинг ўзини тутиши, ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир-биридан фарқланувчи маълумотлар келтирилади.

Қиссада кабутар Нух (а.с.)нинг эзгу дуосига дохил бўлган қуш сифатида қарғага қарама-қарши қўйилади. Кабутар ҳақида ҳам дунё халқлари фольклори намуналарида қизиқарли маълумотлар учраб, уларнинг деярли барчасида тинчлик элчиси, эзгулик куйчиси, поклик белгиси сифатида машҳур. Хусусан, қадимда христиан дини анъаналарида у илоҳий илҳом манбаи ҳисобланган. Тумшуғида зайтун новдасини ушлаган кабутар бутун жаҳонда тинчлик, осойишталик, дўстлик рамзи саналади<sup>1</sup>. Бундай чуқур рамзийликка эга бўлган бу қушга ижобий муносабат масаласи замирида Нух тўфони билан боғлиқ ҳодисалар ётади. Афсоналарда айтилишича, Нух пайғамбар тўфоннинг 40-куни кема дарчасини очиб, қуруқ ер хабарини келтириш учун аввал қарғани, кейин кабутарни учириб юборади. Қарғанинг масъулиятсизлиги ва хиёнатидан фарқли ҳолда кабутар иккинчи марта учириб юборилганида қуруқ ер хабарини зайтун новдасини келтириш орқали маълум қилади<sup>2</sup>. Назаримизда, тинчлик, осойишталик, поклик каби рамзларга эга бу қуш билан зайтун новдаси ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд. Чунки зайтун дарахти ҳам рамзийликка бой ўсимлик ҳисобланиб, кўпчилик халқларда қадрланади. Хусусан, қадимги Европада ғалаба, тинчлик, шодлик, кўпайиш, ҳосилдорлик, тоза қалб, абадийлик; япон ва хитойларда дўстлик ва омад; христиан дини таълимотида тинчлик; ислом тасаввуфий таълимотича пайғамбарлик нишонаси сифатида муқаддас саналган<sup>3</sup>. «Библия»да келтирилган зайтун бўлаги чуқур фалсафий маъно касб этиб, инсониятнинг кечирилиш белгиси дея қадрланади. Қуруқ ер хабарини келтириш масаласида

---

<sup>1</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/myth-animals/golub/html>

<sup>2</sup> Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – М.: 1990. – С. 11; Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. 1996. – С. 20; [https:// ru.m. wikipedia. org/wiki/Всемирный\\_потоп](https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Всемирный_потоп).

<sup>3</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/planta/oliva.html>

карға дўзахнинг, кабутар жаннатнинг муқаддас рух тимсоли деб қарала бошланди. Демак, кабутар Нух (а.с.)га тумшуғида зайтун мевасини олиб келиб, инсониятнинг янгидан ҳаёт бошлаши учун имконият берилганлигини кўрсатган.

Рабғузий ҳам маълум воқеа-ҳодиса ҳақида гапирар экан, ўша шахс ёки предмет ҳақидаги ҳикоят ва лавҳалардан ҳақиқатга яқинроғини танлайди. Кабутар ҳақидаги лавҳани беришда икки хил вариантга таянган. Бирида юқоридаги ҳикоятнинг айнан ўзини келтирган. Яъни бу лавҳани қуйидагича тасвирлайди. «Кўгарчкун келиб сув қурмиш ерда қўнди. Азоб суви сассик учун азоқи қизил бўлди, теюрлар. Зайтун йиғочининг ябурғоқини тумшуқинда олиб келди, Нухға кўргузди»<sup>1</sup>. Демак, муаллиф машҳур афсонадан хабардор бўлган. Адиб биргина шу ҳикоят билан чекланмайди, у мазкур лавҳанинг бошқа бир версиясини ҳам тақдим қилади.

«Қисаси Рабғузий»да адиб бу лавҳани бошқача тасвирлайди. Унга кўра буйруқни бажон-и дил қабул қилган кабутар «Борди сой ер бўлди, суви сингмиш. Ул ерда қўнди-азоқи балчиқ бўлди. Ул соат-ўқ ёниб келди. Азоқиндақи балчиқни кўргузди. «Барча метафоралар топишмоқдек яширинган бўлади. У тушуниш ва маъносини топишни талаб қилади. У ҳеч нарсани тўғридан-тўғри тушунтирмайди, аксинча кўчма маъно билан етказиб беради»<sup>2</sup>. Фрейденбергнинг илмий қарашларига таянсақ, лой бўлаги маълум рамзийликка эга. Назаримизда, тинчлик куйчиси олиб келган лой бўлаги янги ҳаёт ва тирикликнинг қайта инъом этилиши белгисидир. Чунки инсоннинг яшаши, овқатланиши, кўпайиши учун ер муҳим манбадир. Демак, айрим лавҳаларнинг ижодий қайта ишланиши мифологик афсоналарнинг вариантлилиги, ундаги образлар маъносининг кенгайишига олиб келган.

«Этиологик эртаклар ҳайвонлар, паррандалар ва ҳашаротларнинг шакл-шамойили, феъли, ранги, қиёфаси ҳақидаги маълумотларни ифодалаши

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 45.

<sup>2</sup> Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Наука, 1978. – С. 193.

жихатидан ахборот берувчи моҳият касб этади»<sup>1</sup>. Кабутарнинг баъзи турлари ҳақида ҳам маълумот берилган бўлиб, «Ул балчиқ аёки уза туйлук бўлди. Бу кун азоқи туйлуқлар анинг уруғи турурлар. Тақи бир ривоятда: Кўнгарчкун келиб сув қурмиш ерда қўнди. Азоб суви сассиқ учун азоқи қизил бўлди»<sup>2</sup> дея келтирилган. Демак, этиологик хусусиятга эга бўлган мазкур миф намунасида муаллиф синчков кузатувчи сифатида гавдаланади. Кабутарларнинг оёқлари орасидаги қизил парда ҳамда оёғининг қизиллигини Нуҳ тўфонидан мерос, дея изоҳлаган муаллиф унинг инсонлар томонидан эъзозланишининг сабабини ҳам тушунтиради. Қора қаргадан фарқли ўларок ваъдасига вафо қилиб, ишончни оқлаган кабутар пайғамбарнинг эзгу дуосига сазовор бўлди. Шу сабаб ҳам инсонлар уни севиб, уйларида жой беришади. Уни эзгулик, шодлик, бахт ва тинчлик тимсоли деб билишади.

Айнан шу қарашлар қалдирғочга ҳам тегишли. Бу қуш ҳам азалдан инсонларнинг дўсти, яхшилик элчиси, эзгулик куйчиси сифатида маълум ва машҳур бўлиб, дунё халқлари оғзаки ижоди намуналарида у ҳақида кўплаб миф ва афсоналарни учратиш мумкин. Масалан, грек мифологиясига кўра, икки опа-сингил Филоме ва Прокну икки қушга: қалдирғоч ва булбулга айланади. Бироқ Прокнунинг турмуш ўртоғи Филомеланинг тилини узиб олади<sup>3</sup>. Лавҳадан кўринадикки, ҳайвонот олами этиологияси ва генезисига қизиқиш ва ўрганиш энг қадимги даврлардан бошланиб, уларнинг ўзига хос хусусияти маълум воқеа-ҳодиса билан боғланса-да, у ҳар бир халқда турлича талқин қилинади.

Бу қуш ҳам кабутардек беозор, инсонларни севувчи ва эъзозловчи, вафодор ва меҳрибон бўлиб, қуйидаги ҳикоятни у ҳақидаги қарашларнинг бадий талқини дейиш мумкин: сичқон тешган кемани илон ёпгач, ваъдага кўра дунёдаги энг тотли жонзот унга тақдим этилиши керак эди. Тўфон балоси тугаб, ҳамма қуруқликка чиққач, Нуҳ (а.с.) сингакка барча жонзотни

---

<sup>1</sup> Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Муסיқа, 2001. – Б. 212.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 45.

<sup>3</sup> Мифологическая энциклопедия. <http://mythology.info/myth-animals/swallov/html>

чақиб, энг ширинини аниқлаб беришни сўрайди. Сингак ҳам топшириққа кўра ҳаммани бирма-бир чақади. Ҳадеганда қайтмаган сингакдан хавотир олган Нух (а.с.) қалдирғочни унинг орқасидан юборади. Йўлда сингакни учратган қалдирғоч шундай дейди: «Этларни тотдингму? Қаю эт тотлиғ турур?» Сингак айди: «Қамуғ этлардин одамий эти тотлиғ турур». Қарлуғоч айди: «Ул этнинг тотлиғи оғзингда бор бўлғай. Оғзингни очғил йизлайин», теди. Сингак оғзини очди, қарлуғоч сингак оғзин йизлаюр бўлуб тумшуқи бирла сингак тилин кесиб солди. Ул кундин беру сингак тилсиз қолди»<sup>1</sup>. Шундан сўнг қалдирғоч сингак билан бирга бориб, дунёдаги энг ширин эт сув бақасининг гўшти эканлигини айтади ва шу йўл билан инсониятни илонга доимий емиш бўлишдан қутқаради. Шу сабабли ҳам қалдирғочлар сайраганда уй эгасига узоқ умр, саломатлик тилар экан<sup>2</sup> дейилади. Халқ орасида маълум ва машҳур бўлган бу мифнинг давоми ҳам бўлиб, негадир унинг кейинги воқеалари қиссада келтирилмайди.

Халқ орасидаги нақлларга кўра, илон қалдирғочнинг сўзига ёлғон аралашганини сезади ва тўсатдан унга ташланади. Қалдирғоч илонга чап бериб қочади, бироқ илон ҳамла қилганда қалдирғочнинг думини тишлаб олган эди. Шундан бери қалдирғоч думининг ораси очик экан. Қалдирғоч ҳам бўш келмай, илоннинг тилини чўқиб олади ва шундан бери илоннинг тили ҳам қалдирғочнинг думига ўхшаб ораси очик эмиш. Ҳар икки ҳолат ҳам этиологик хусусиятга эга. Мазкур миф ўзбек халқи орасида кенг тарқалган бўлиб, тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бундай мифологик қарашларнинг турли халқларда ҳар хил варианты мавжуд бўлиб, баъзи манбаларда келтирилишича, Нух (а.с.) илон кеманинг тешигини бекитгани учун ширин этни топгани қуш, ари, қалдирғочни юборади. Қуш энг ширин эт тошбақаники дегани учун илон қушнинг ўзини ютади, ари ширин эт итники дегани учун унинг тилини узиб олади, қалдирғоч бақаники дегани учун

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 43.

<sup>2</sup> Боболардан қолган нақллар. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 59.

хамла қилиб емоқчи бўлганида қалдирғоч қочади. Илон унинг думини тишлашга улгуради<sup>1</sup>, дея талқин қилинади. Ҳаттоки, халқ орасида илон ва қалдирғоч ҳикоясининг эртакка айланган вариантини ҳам учратиш мумкин. Масалан, «Чивин, қалдирғоч ва илон» эртаги сюжети «Қисаси Рабғузий»да берилган лавҳа билан ўхшайди. Уларнинг бир-биридан фарқли жиҳати шундаки, «Қисаси Рабғузий»да пашша одамни чақди дейилса, эртакда далада ишлаётган аёлнинг ухлаётган чақалоғини чақиб кўриши айтилади. Шунингдек, асарда Нух (а.с.) қалдирғоч сўзига кўра бақани бергач, воқеага яқун ясалади. Эртакда эса Нух (а.с.) илонга бақани бергач, у қалдирғочнинг сўзига ёлғон аралашганлигини сезади ва думи билан қалдирғочни урмоқчи бўлганида думи қалдирғочнинг думига тегиб, думининг ўртаси узилиб қолади<sup>2</sup>, деб берилган. Қиёс натижасидан маълумки, мазкур эртак Рабғузий келтирган ҳикоядан кейинги даврларда пайдо бўлган оғзаки ижод намунаси бўлиши керак. Чунки ундаги воқеалар тўлдирилган (Далада ишлаётган аёлнинг чақалоғи) ва халқнинг одатдаги турмуш тарзига мослаштирилган. Демак, «Қисаси Рабғузий» халқ эртаклари яралишида ҳам восита бўлган.

Қалдирғочнинг инсонларни севиши ҳақидаги лавҳалари қиссанинг бошқа ўринларида ҳам учрайди. Иброҳим (а.с.) шартга кўнмагач, Намруд уни ёқиш учун оловга отади. Қалдирғоч эса уни ўчириш ниятида тумшуғида сув ташийди<sup>3</sup>. Гарчанд қалдирғочнинг тумшуғида ташиган суви гулханнинг ўчишида ёрдам бермаса-да, унинг чин дилдан қилган эзгулиги таҳсинга сазовор. Шу сабабли қиссада Расул (а.с.) ҳам қалдирғочни ўлдирмасликни буюрганликлари эслатилади. Унга кўра «қарлуғоч «Суратул-ҳашр» охирини ўкур учун, баъзилар аймишлар «Байт ал-Муқаддас»<sup>4</sup> ҳарб бўлмишда бўлмишига<sup>5</sup> йиғламиш учун. Анинг учун қорни урунг бўлди»<sup>6</sup>. Демак, у

---

<sup>1</sup> Муродов М., Шайхова М. Асотирлар ва ривоятлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б. 81.

<sup>2</sup> Tumshugidan ilingan tulki. – Toshkent: O‘zbekiston, 2016. – B. 186–189.

<sup>3</sup> Қаранг: Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 67.

<sup>4</sup> Қаранг: Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 27. Фаластиндаги машхур шаҳар Уршалим ва Қуддуси Шариф деб ҳам аталган.

<sup>5</sup> Шу ўринда хатолик бор. Бўлмишида ва бўлмишига бир хил маъно англатиб, матнда уларнинг бири ишлатилиши керак эди. Қаранг: Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 27.

<sup>6</sup> Қаранг: Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 27.

«Қуръон»даги «Ҳашр» сурасининг охириги оятларини ўқиган, шунингдек Байт ул-Муқаддаснинг босқинчилар томонидан бузилишида йиғлаган. Шу сабабли унинг қорни оқарди. Юқоридаги лавҳаларга эътибор берилса, қалдирғочнинг эзгулик, софлик, дўстлик, ёшлик куйчиси эканлиги бир эмас, тўртта лавҳа воситасида асослаб берилган. Уларда пайғамбарлар ҳаётида у ёки бу даражада таъсир этиб, меҳрини қозонган ҳайвонларнинг эзгулиги қиёматгача мерос бўлиб қолганлиги тасвирланган.

Умуман олганда, мифларнинг яратилиши тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳайвонларнинг генезиси, ўзига хос характери, ташқи қиёфаси ҳақидаги қарашлар илк илмий тушунчалар сифатида қимматлидир. Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгандан сўнг неча минг йиллик тарихга эга бу асотирларга ислом таълимоти сингдирилиб, янги мазмун касб эта бошлади. «Қисаси Рабғузий» асарида ҳам ана шу қарашлар ифодаси етакчилик қилиб, ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос табиати пайғамбарларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Бу эса ҳайвонот оламининг муайян турлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитади.

Тадқиқотда мифлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. «Қисаси Рабғузий»да берилган айрим образлар: кабутар, қалдирғоч, қарға, буғдой, анжир кабилар ҳақидаги афсоналар ва мифлар кўпгина жиҳатларига кўра дунё халқлари оғзаки ижод намуналари билан муштарак эканлиги аниқланди.

2. Тадқиқотда Рабғузий келтирган Нуҳ тўфони воқеалари ва унда ҳайвонот ва наботот олами билан юз берган ажойиб сюжет намуналари ўзаро қиёсланганда уларнинг айримлари генезисига кўра дунё халқлари фольклор намуналаридан-да қадимий эканлиги аниқланди. Жумладан, хўрознинг қичқириши сабаби, кабутарнинг айрим турларининг пайдо бўлиши, қарғанинг ҳадик аралаш ён-атрофга қараши ва ҳ.к.

3. Асар диний моҳиятга эга бўлганлиги учун ундаги барча сюжет ва мотивларни оғзаки ижод намуналарига киритиш нотўғри. Жумладан, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши афсонасини олсак. Адиб қиссани яратишда, аввало, «Қуръони карим»га таянган. Тадқиқотда бу афсона кенгроқ тадқиқ этилиб, қайси ўринлар далил асосида келтирилгани ва қайси ўринлар халқ оғзаки ижоди намуналаридан илҳомланиб ёзилгани аниқлаштирилиб, адибнинг ижодий маҳорати акс этган лавҳалар тадқиқ этилиб, имкон қадар илмий ва холисона ёндашилди.

4. Энг муҳими, «халқ оғзаки ижоди намуналари бошқа санъат асарлари каби асоси ҳақиқатга таянади. Ҳаттоки, энг фантастик образлар ҳам келиб чиқишига кўра ҳақиқатга бориб тақалади»<sup>1</sup>. Бу эса дунёнинг моҳияти ва тузилишини тушунишда фольклор илк асос вазифасини ўтагани ҳақидаги хулосага келишимиз имконини беради. Қиссадаги мифлар ҳар бир халқ тарихини ўрганишда, уларнинг этник келиб чиқишини таҳлил қилишда, маданияти, урф-одати билан яқиндан танишишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

---

<sup>1</sup> Пропп. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 115.

**III БОБ.**  
**«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»ДАГИ ХАЛҚОНА ОБРАЗЛАР ВА**  
**МОТИВЛАР**

**3.1. Қиссалардаги образларнинг халқ оғзаки ижоди билан**  
**боғлиқлиги**

Халқ оғзаки ижодида кишиларнинг тасаввур олами, орзу-интилишлари, яшаш тарзи, ҳаётнинг тараққиёт босқичлари акс этиб, улар турли-туман ҳомий ва ёрдамчи кучлар, ранг-баранг тимсоллар воситасида тасвирланган. Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» ўзида дин – фольклор – адабиёт муносабатини акс этган, ҳикоят ва ривоятлар воситасида китобхонга маънавий-маърифий озиқа бера оладиган бебаҳо асардир. Муаллиф қиссаларда халқ оғзаки ижодига доир турли образлардан фойдаланиб, ҳикоят ва ривоятларни пухта ишланган кичик бадиий асар даражасига етказган. Ана шундай ноанъанавий образлардан бири пари образи қисса бадииятида муҳим ўрин тутди. Бу образ қадимий бўлиб, унинг генезиси ҳақида олимлар турли қарашларни илгари суради. Жумладан, этнограф олим Г.П.Снесарев: «Хоразмнинг баъзи жойларида девлар париларнинг ота-боболари бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар мавжуд»<sup>1</sup>лигини айтса, ўзбек олими О.Қаюмов «пари образи Ўрта Осиёда яшаган қадимги деҳқонларнинг зардуштийликдан бурунги мифологиясида шаклланган бўлиб, дастлаб ҳосилдорлик култи билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган»<sup>2</sup> деган фикрни билдирган. Демак, қадимги давр мифологиясида парилар одамларнинг инонч-эътиқодидан жой олган ҳомий куч сифатида шаклланган. Вахан халқ оғзаки ижоди намуналарида пари образи гўзалликда тенгсиз бўлиб, аёл ва эркак жинсидаги антропоморф образ дея тасвирланади<sup>3</sup>. Худди шундай қарашни «Авесто»даги Аҳриман томонидан яратилган ёвуз куч тимсоли – «пайрика» образида ҳам

---

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 34.

<sup>2</sup> Қаюмов О. Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1998. – 4-сон. – Б. 43.

<sup>3</sup> Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1970. – Б. 216.

кўриш мумкин. У парилар сингари гўзаллик, сеҳргарлик, ўз шаклини ўзгартира олиш каби хусусиятларга эга<sup>1</sup>. «Пайрика» ва «пари» образлари этиологияси ва бажарадиган вазифасига кўра ўхшаш бўлиб, бир образнинг икки хил кўринишидир, дейиш мумкин. Фольклоршунос О.Қаюмов тадқиқотида пари образининг генезиси хусусида тўхталиб, халқимиз орасида бу образнинг 170 мингдан ортиқ талқинлари учраши ва ҳар бири маълум бир вазифани бажаришини таъкидлайди<sup>2</sup>. Демак, пари образининг бажарадиган функцияси, бадий талқини давр нуқтаи назаридан ўзгариб, унга бўлган муносабат ҳам баъзан ижобий, баъзан салбий тарзда намоён бўлади.

«Қисаси Рабғузий» асарида пари образига бир неча марта мурожаат қилинган. «Сифати ал-аразина», яъни «Ернинг сифати», Иброҳим (а.с.), Сулаймон (а.с.), Юнус (а.с.) қиссаларида бу хусусда махсус сўз юритилган. Бу образ қиссаларда турли бадий вазифани бажариб, баъзан диний адабиётдаги образ сифатида гавдаланса, айрим ҳолларда эса оғзаки ижод намуналаридаги анъанавий образ қиёфасида тасвирланади. Қиссада бу образ диний нуқтаи назардан ёритилган. Жумладан, «Қисаси Рабғузий»нинг кириш қисмида парининг фариштадан фарқи қуйидагича изоҳланади: «...аммо уч нарса бирла тафовутлари бор. Бири ул турурким, фаришталар нурдин, парилар ёлиндин турур. Муаллиф пари ва фаришталарнинг ўзаро фарқини бирининг нурдан, иккинчисининг оловдан яралганлигида эканини айтади. Адиб мазкур таърифни келтиришда «Қуръони карим»нинг «Раҳмон» сурасига таянган кўринади. Суранинг 15-оятида жинларнинг аланга – оловдан яратилганлиги<sup>3</sup> ҳақида хабар берилади. *Иккинчи, фаришталар малак атанди, парилар жин атанди.* «Қуръони карим»да бундай ғайб оламига мансуб вакиллар фаришта, жин атамалари билан номланиб, Рабғузий «Раҳмон» сураси мазмунига кўра жин терминини пари атамасининг

---

<sup>1</sup> Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 335.

<sup>2</sup> Қаранг: Қаюмов. О. Пари ҳақидаги қарашлар ва унинг тарихий асослари // Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари. – Тошкент: 1995. – Б. 60-61.

<sup>3</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, – Б. 410. <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>

маънодоши сифатида қарайди. *Учунчи, фаришталар ўрни адиз кўкда бўлди, парилар ерда бўлди*<sup>1</sup>. Илоҳий китобнинг «Жин» сураси 9-оятда фаришталарнинг осмонда, париларнинг ерда макон тутганлигига ишора қилинган. Адибнинг учинчи тафовут ҳақидаги фикри шунга асосланган. Демак, Рабғузийнинг фаришта ва парилар тафовутлари хусусидаги таърифи, энг аввало, «Қуръони карим» оятлари асосида далилланган ва бадиийликдан холи диний лавҳа ҳисобланади.

Рабғузий парининг ташқи қиёфасини тасвирлашда ўзгача услубни танлайди. Асарда келтирилишича, «Ўрдак париларга менгзар ариғсиз турур тақи совуқ турур. Бирорда кўрунуб, бирорда кўрунмас.....ўрдакнинг сўқлуки бор»<sup>2</sup>. Савол туғилади, нега пари айнан ўрдакка ўхшатилади? Аввало, адиб бу тасвирни фольклор намуналари таъсирида яратган. Чунки ўрдак умрининг асосий қисмини сувда ўтказди. Шу сабабли у совуқмижоз ҳайвон саналади. Халқ оғзаки ижодида ҳам париларнинг айримлари сув билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилинади. Иккинчидан, бу турдаги парилар баъзан сув бўйида ёлғиз юрган инсонларга кўриниб, уларни авраб ўйнашиши ёхуд сувга чўктириши мумкинлиги ҳақидаги халқ қарашлари ҳам мавжуд. Демак, муаллиф халқ орасида сув билан боғлиқ парилар тўғрисидаги қарашларга асосланган.

Асардаги баъзи қиссаларда пари образини тасвирлашда диний таълимот таъсири етакчилик қилади. Масалан, Жаброил (а.с.) Юнус (а.с.)га париларнинг улуғини шундай таърифлайди: «Бу париларнинг улуғи турур. Жаҳмо отлиғ. Одам Сафий илкинда мусулмон бўлди. Тўрт минг йил турурким, мунда ибодат қилур, тебранмас. Охир замона бўлса, Муҳаммад расулуллоҳга борғай. Кофирлар бирла тўкуш қилғай». «Қуръони карим»да келтирилгани каби Рабғузий ҳам Жаҳмо тимсолида парилар орасида иймонлилари ҳамда иблиснинг ҳукмидаги кофирлари бўлишига ишора қилган.

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б.13.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 85.

Сулаймон (а.с.) ҳақидаги қиссада пари образи дев образи билан параллел тасвирланган. Бунда муаллиф халқ оғзаки ижоди намуналаридаги анъанавий пари образига эмас, диний манбаларга таянади. Бу демонологик образларнинг қиссадаги тасвири «Қуръон»нинг «Намл» сураси 17-оятда «Сулаймонга жин, инс ва қушлардан бўлган аскарлари тўпланиб, тизилган ҳолда турдилар»<sup>1</sup> дея келтирилган бўлиб, адиб қиссани яратишда ана шу далилга асосланган. Қисса мазмунича, Сулаймон (а.с.) париларга одамлар учун мустаҳкам уйлар қуришни буюрган. Ушбу лавҳада парилар инсониятга хизмат қилувчи, унинг оғирини енгиллатувчи образ сифатида тасвирланган. Пари образининг соф мифологик қиёфаси «Қисаси Рабғузий»нинг Самарқанд тошбосмасида Сабо деган шаҳарнинг маликаси Билқиснинг туғилиши ҳақидаги ҳикоятда акс этади. Қисса «Ҳикоят» сарлавҳаси остида берилган бўлиб, Тошкент нашрида учрамайди. Уни хаттотлар воқеалар кўламини кенгайтириш мақсадида қисса таркибига ижодий киритган бўлиши мумкин. Унда тасвирланишича, кунларнинг бирида Ажмар подшо шикорга чиқиб, тасодиф сабаб бир қули билан лашкаридан ажраб қолади. Иттифоқо, шоҳ кўшинини излаб, бир ердан ўтаётса, оқ илон билан қора илон уришаётганини ва қора илон оқ илонни ўлдириш даражасида зарар етказаётганини кўради. Воқеага шунчаки томошабин бўлишни истамаган шоҳ қулига қора илонни ўлдириб, оқ илонни қутқаришни буюради. Эртасига шоҳ чорбоғини айланиб юрганда ўта назокатли, хушсурат бир йигит келиб унга салом беради ва ўзини кеча шоҳ қутқарган оқ илон эканини, қора илон бир дев бўлиб, уни доим таъқиб қилиб юрганини, ниҳоят, уни ёлғиз учратиб ўлдирмоқчи бўлганида, шоҳ қутқариб қолганини баён этади. Демак, «демонологик образлар вазият тақозоси билан ўз қиёфаларини ўзгартиришлари, яъни метаморфозага учрашлари мумкин экан»<sup>2</sup>. Пари йигит миннатдорчилик рамзи сифатида шоҳга уч нарса таклиф қилади: биринчиси – табиблик,

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Шайх Муҳаммад Солих Муҳаммад Юсуф таржимаси. – Тошкент: Шарк, 1990. – Б. 378.

<sup>2</sup> Тоғаева Д. Ўзбек оғзаки насрининг бир жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – 4-сон. – Б. 72.

иккинчиси – ер юзидаги подшоликни, учинчиси – парилар авлодидан бўлган гўзал ҳамшираси. Подшо ҳамшира парига уйланишни маъқул кўради. Ҳамшира пари образининг қиссадаги тасвири маъшуқа тимсолининг мукаммал намунаси, эс-ҳушдан ажралиш эса юрагида ишқ олови ёнаётган ошиқи беқарор руҳиятининг образли ифодасидир. Бу ҳолат ҳикоятдаги мифологик ва демонологик образларнинг мавжуд хусусиятларига кўшимча тарзда қиссанинг эстетик моҳиятини оширишга хизмат қилган. Пари йигит шоҳга ҳамширанинг ўзига хос шартларини: «зинҳор муни сўзини рад қилмағайсиз, ҳар иш буюрса дарҳол вуқуга келтурурсиз, ҳар тариқа яхши-ёмон иш қилса, ҳаргиз таъриз қилмағайсиз. Зероки, сизнинг аслингиз туфроқдин, бизнинг аслимиз ўтни ёлинидин турур»<sup>1</sup> деб, парини шоҳ Ажмарга никоҳлаб беради.

Эътибор қилинса, мазкур ҳикоятда мантиқий ғализлик бор. Диний адабиётларда Азозил фаришта инсоннинг тупроқдан, ўзининг эса оловдан яратилганлигини таъкидлаб, уни тан олмаганлиги учун лаънатланган эди. Бу ҳақда «Қисаси Рабғузий»да ҳам махсус лавҳа мавжуд. Пари йигит ҳам шоҳга худди шу нарсани: тупроқдан оловнинг устунлигини айтаяпти ва парилар инсонга қараганда ақлли ва закий мавжудот эканлигига ишора қиляпти. Бу эса ислом таълимотида қаттиқ қораланади. Бундан хулоса чиқадики, котиблар ҳикоятнинг нечоғлиғ ҳақиқатга яқинлигига эътибор қилмаган. Халқ орасида тарқалган турли ҳикоятлар ва ривоятларни тўғридан-тўғри кўчириб, унга ўзлари ва ўқувчиларни ҳам ишонтиришган. Бу ҳолат, ўз навбатида, «Қисаси Рабғузий» матнини аслиятдан узоқлаштирган. Шунингдек, қисса бадииятига муайян даражада путур етказган.

М.Абдувоҳидова «Рабғузий ва ўзбек классик прозаси» номли мақоласида мазкур ҳикоятга тўхталиб, пари йигит Аҳмад подшога учинчи тухфа сифатида ўз синглиси Паризодни никоҳлаб бермоқчи эканлигини

---

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд нашр. – Самарқанд: 1904. – Б. 371.

таъкидлайди<sup>1</sup>. Подшо парига уйлангач, бир қанча вақтдан сўнг ўғил кўради. Пари бир муддат чақалокқа қараб, кейин уни оловга ташлайди. Маълумки, олов қадимданоқ зардуштийлик динида муқаддас саналиб, ислом дини кириб келгунга қадар кўпчилик халқлар ва элатларнинг инонч-этиқодларидан жой олган. Йиллар ўтиб улар қиз кўришади. Пари уни бир неча кун парвариш қилиб, кейин итга беради. Париларнинг фарзанд тарбиясига бундай муносабати ҳам зардуштийлар удумини эслатади. Зеро, бу таълимотда ит муқаддас махлуқ саналади. Иттифоқо, ўша юртга улкан ёв ҳужум қилади. Шоҳ жангга чиқиши олдидан хос вазири Сарё унга толқон беради. Шу пайт шоҳнинг пари хотини келиб, толқонни сочиб юборади. Тоқати тоқ бўлган шоҳ ўзини тутолмай парига дашном бериб, бу ишининг сабабини сўрайди. Пари Сарё вазирнинг душман билан тил бириктириб толқонга заҳар кўшганини, сўзининг исботи сифатида толқонни Сарё вазирнинг ўзига едириб кўришини айтади. Толқонни еган вазир Сарё шу заҳоти тил тортмай ўлади. Шунингдек, ўғли ва қизи хусусида қилган ишларига ҳам изоҳ бериб, ўғлини ўтга ташлаганининг сабаби париларнинг фарзандини олов боқишини, қизини итга берганининг сабаби париларнинг қизларини ит вояга етказишини айтиб, қизини шоҳга топшириб видолашади. Ўша қиз Билқис эди.

Мазкур ҳикоят тўлалигича фольклор анъаналари негизида қурилган. Чунки унда пари образининг метаморфозага учраб, хоҳлаган вақтда антропоморф, хоҳлаган пайтда зооморф қиёфасига кириши тасвирланади. Шунингдек, париларнинг оғзаки ижод намуналарига хос ўта гўзал бўлиши ва уларнинг шоҳ ёки шаҳзодага турмушга чиқиши ҳамда парилар инсонларга караганда закийроқ қиёфада акс этишини кўриш мумкин. Бунинг натижасида «жоннинг илон суратида намоён бўлиши ҳақидаги мифологик

---

<sup>1</sup> Абдувоҳидова М. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – 4-сон (46). – Б. 37.

тушунчалар бадий кўчимлар жараёнида эпик мотив – эврилишга асос бўлган»<sup>1</sup>.

Адиб Сулаймон (а.с.) ва Билқис ҳикоятида ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналаридан фойдаланган. Сулаймон (а.с.) ва Билқис воқеаси ҳақида «Қуръон»нинг «Намл» сурасида батафсил баён қилинган. Бироқ адиб уни айнан келтирмай, воқеани бадий тўқималар билан бойитади. Унга кўра, пайғамбар измидаги парилар ўзларининг тоифаларидан бўлган соҳибжамол Билқис ҳақида Сулаймон (а.с.)ни хабардор қилмагани учун жазоланишдан кўрқиб, унинг келишига қарши бўлишади. Чунки парилар ўз наслидан бўлган гўзал Билқиснинг улардан устун бўлишини ва ҳукмронлик қилишини ишашмайди. «Инсоний қиёфа – париларнинг асосий шакли-шамойили. Бу кўринишдаги пари образининг етакчи белгиси гўзалликдир»<sup>2</sup>. Сулаймон (а.с.)ни Билқисга уйланиш фикридан қайтариш мақсадида унга маликанинг оёғи эшак оёғига ўхшайди<sup>3</sup> дея асоссиз ваз кўрсатишади. Париларнинг бу хатти-ҳаракати фольклор намуналаридаги анъанавий тасвирдан бироз фарқ қилади. Чунки фольклор асарларида париларнинг бир-бирини ёқтирмаслиги ёхуд бирининг иккинчисига ҳасад қилиши каби ҳолатлар кам учрайди.

«Қисаси Рабғузий» асаридаги пари образини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, қисса энг аввало, диний асар бўлгани сабабли адиб бош манба сифатида «Қуръон»га таянган. Қиссадаги воқеа-ҳодисалар гарчанд ихчам бўлса-да, «Қуръон» оятлари мазмуни билан мутаносиб келади. Шунингдек, адиб баъзи лавҳаларда диний далиллар билан чекланмасдан уларни халқ оғзаки ижоди анъаналари билан бойитиб, бадий талқин этади. Айрим қиссалар эса диний воқеадан холи бўлган фольклор намуналаридаги демонологик образ асосида яратилиб, уларни ягона мақсад остида

---

<sup>1</sup> Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон инончининг излари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 4-сон. – Б. 48.

<sup>2</sup> Бу ҳақда О. Қаюмовнинг Пари ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 1-сон. – Б. 43; О. Қаюмов Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 4-сон. – Б. 42; Каримий. Б. Ўзбек эртақларининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 3-сон. – Б. 61.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 52.

бирлаштиргани маълум бўлади. Умуман олганда, «пари образига алоқадор фикр-туйғулар халқ афсоналари, эртақ ва дostonлар мазмунидан озиқланса-да, янги-янги маъно кирраларини касб эта борган»<sup>1</sup>. Шунга кўра бу икки образни таянч манбасига кўра қуйидагича тасниф ва тавсиф этиш мумкин:

	<b>Халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсирида яратилган демонологик образлар ва лавҳалар;</b>	<b>Ислom таълимоти асосида яратилган демонологик образлар ва лавҳалар</b>
	Жаҳмо пари	Париларнинг фаришталардан фарқи ҳақидаги лавҳа
	Пари йигит	
	Париларнинг ўрдакка ўхшатилиши	
	Ҳамшира пари	

Назаримизда, бу тасниф пари образининг қиссадаги бадиий қиёфаси, характер хусусияти, асарда бажарадиган вазифасини аниқлашга, уларнинг қиссада қўлланиш этиологиясини текширишга, адиб бу образни яратишда қайси манбага таянганини билишга ва аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Умуман олганда, қиссада бу демонологик образ сюжет яратишда ғайритабиий лавҳаларга асос бўлган. Турли қиёфа ва характерда асарнинг бадиий-эстетик функциясини кенгайтиришга хизмат қилган.

Мана шундай қадимий образлардан бири кампир образи ҳам фольклор асарларининг энг етакчи қаҳрамонларидан биридир. Бу образ кенг қамровли ва мураккаб бўлиб, Носируддин Рабғузий ижодида ҳам кузатилади. Адиб кампир образининг бадиий қиёфаси, моҳияти, шакл-шамойилини тасвирлашда тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашган. Чунки ҳар бир даврда

<sup>1</sup> Матёқубова Т. Р. Огаҳий шеърятда анъанавий образлар талқини: Филол. фанлари номз...дис. –Тошкент, 2001. – Б. 31–32.

аёлларга муносабат турлича бўлиб, у, энг аввало, халқ оғзаки ижодида ўз ифодасини топган.

Шуни айтиш лозимки, кампир ўзбек халқ оғзаки ижодидаги энг фаол образлардан бири бўлиб, ялмоғиз, жодугар, алвасти, ажина (мамалак-малак), сеҳргар кампир, шум кампир атамаларида<sup>1</sup>, «Қисаси Рабғузий»да эса «қуртқа» шаклида тилга олинади. Қиссада келтирилган термин оғзаки ижодда фаоллашмаган бўлиб, бу сўз XIV асрларда халқ жонли тилида ишлатилган, ҳозирги кунда эса эскириб, кампир эквиваленти билан алмашган архаик сўз ҳисобланади. Қуртқа образи характер-хусусияти, бажарадиган вазифасига кўра асарда турли қиёфаларда намоён бўлади. Адиб қиссада пайғамбарлар фаолияти тасвири асосида қуртқа – кампир образининг келиб чиқиши, шакл-шамойили, жамиятда тутган ўрни, бош қаҳрамонга муносабати каби муаммоларни очиб беришни етакчи ўринга қўяди.

Инсоният яратилган илк даврларда кишилар оламни ўз дунёқарашича тасаввур қилиши натижасида ҳар бир нарсанинг ҳомий кучи бор, деб тасаввур қилишган. Ҳомийларга таяниш ҳар қандай ишнинг ижобий яқун топишида туртки бўлади, ўша ҳомий куч турли балони, офатни даф қилиш қудратига эга, деб унинг шарафига ҳаттоки қурбонликлар ҳам келтиришган. Бунда ибтидоий одамлар тасаввурида, энг аввало, ҳомий куч деганда аёллар гавдаланган. Қадимги полинезия халқларининг оғзаки ижод намуналарида кампир образи осмон ва ернинг худоси сифатида тасвирланиб, ҳаётдан кўз юмган инсонларнинг руҳини нариги дунёга олиб ўтишни назорат қилган<sup>2</sup>. Демак, бу образга икки дунё орасини боғловчи қудратли шахс дея қаралган. Қадимги Римда эса осмон Худоси гўзал қиз Юнона никоҳ ришталарини боғловчи, аёлларнинг тўлғоғини енгиллаштирувчи кучга эга бўлган деб тасаввур қилинган<sup>3</sup>. «Авесто»да берилган Анахита образи ҳам ҳосилдорлик,

---

<sup>1</sup> Қаранг. Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фанлари номз...дис. –Тошкент, 1996. – Б. 13–26.

<sup>2</sup> Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1984. – С. 88.

<sup>3</sup> Фрейденберг. О.М. Мифы и литература древности. – М.: Наука, 1978. – С. 37; Дяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1990. – С. 145.

ёғингарчилик, хомиладор аёлларнинг оғирини енгил қилувчи эзгу илоҳа эканлиги ҳақида маълумот бор<sup>1</sup>. Демак, қадимги давр мифологиясида аёллар тимсолида илоҳлар тасаввур қилиниб, инсонларнинг инонч ва эътиқодларида ижобий образ сифатида шаклланган. Шимолий Австралия афсоналарига кўра, она уруғи даврида қабила бошлиғи аёллар бўлиб, ҳосилдорликни пайдо қилиш, ёмғир мавсумини чақириш, шунингдек, уларнинг рангли илонлар билан боғлиқлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд<sup>2</sup>. Аёлларнинг турли куч ва хусусиятларга эга бўлган илоҳалар деб тасаввур қилиниши турли халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, германларда Сив, этрусларда Уни, грекларда Гера, шарқий семитларда Асират, хурритларда Хебат, урартларда Хуба, Баба, шумерларда Пинлил каби номларда учрайди<sup>3</sup>. Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам Анбар она, Суст хотин, Чой момо каби образлар бўлиб, улар ёмғир чақириш, ҳосилдорликни таъминлаш, қут-барака, ернинг унумдорлигини оширувчи, шамол чақирувчи ҳомий кучлар деб тасаввур қилинган. Савол туғилади: аёллар мавқеининг бу даражада баланд бўлганига сабаб нима? Нега ўша даврда инсонлар тасаввурида ҳомийлар, илоҳалар асосан аёллар тимсолида гавдаланган? Бунинг сабабини аниқлашда, энг аввало, жамиятда ҳукм сурган қонун-қоидалар, урф-одатлар ва турли анъаналарга мурожаат қиламиз. Аввало, инсонлар жамият бўлиб шаклланаётган бир пайтда ибтидоий одамлар орасида экзогамик никоҳ тури авж олади<sup>4</sup>. Иккинчидан, аёллар эркакларнинг овга кетиш олдидан уларни дуо қилган (ҳаттоки магия қилиш қудратига ҳам эга бўлишган), агар ов бароридан келса бу, албатта, ўша дуо таъсирида бўлганига қаттиқ ишонишган. Учинчидан, аёллар болалар тарбияси билан шуғулланишган ва уйда ўтириб сеҳр-жоду билан ҳам машғул бўлишган. Шунинг учун жамиятда уларнинг таъсири катта бўлган. Бу эса қадимги давр

---

<sup>1</sup> Ишмуротов М. «Авесто»да мифологик қатлам: Филол. фанлари номз...дис. –Тошкент, 2002. – Б. 98.

<sup>2</sup> Мелитинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – Б. 181.

<sup>3</sup> Дяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1990. – С. 145.

<sup>4</sup> Мелитинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 199.

мифологиясида кишиларнинг тенгсиз ва енгилмас қаҳрамони – ялмоғиз образи пайдо бўлишига замин яратди. Ялмоғиз дастлаб фольклор намуналарида ҳомий куч сифатида ижобий кифада тасвирланган. Б.Жуманиёзов «Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи» номли диссертациясида «ялмоғиз» атамаси она уруғи даврида «номаълум жасур қиз» деган маънони англатишини айтиб ўтган<sup>1</sup>.

«Қисаси Рабғузий»да эса бундай мифологик талқиндан кўра диний-маърифий ёндашув етакчилик қилади. Довуд (а.с.) ҳақидаги қисса бу жиҳатдан диққатга моликдир. Ҳақиқатан, мазкур қисса ахлоқий-таълимий жиҳатдан эътиборли бўлиб, биз буни Довуд (а.с.) ва қуртқа диалоги мисолида яққол кўрамыз: «Аймишлар, Довуд ялавоч тунла ўзин белгусиз қилиб раъиятлардин сўрар эрдиким, подшоҳ сизинг бирла нетак муомала қилур?... Бир кеча андоғ сўзлаюрда Мавло таоло бир фариштани изди, бир қуртқа сурати уза. Андин сўради: «Подшоҳингиз нетак турур?» теб. Қуртқа айди: «Явлоқ одил турур, ончаси бор кишилар молин еюр»<sup>2</sup>. Қуртқанинг тўғридан-тўғри берган жавоби Довуд (а.с.)га қаттиқ таъсир этди, виждонан қийналди. Шунда у ейдиган лўқмасини ўз меҳнати билан топиш мақсадида Аллоҳ Таолодан бирор ҳунар ўргатишини илтижо қилиб сўрайди. Ҳикоятда эпизодик образ сифатида қатнашган қуртқанинг бир оғиз сўзи китобхонда илиқ муносабат уйғотади. Қуртқа тўғрисўз, оқила аёл сифатида шоҳни эзгулик томон бошлайди, шоҳнинг тўғри йўлни топишида восита бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, қуртқа воситасида Довуд (а.с.)га хос ҳалоллик, поклик, тўғрисўзлик, одиллик каби фазилатлар улуғланади. «Қуръони карим»да Довуд пайғамбарнинг темирчилик бобида тенгсиз уста бўлганлиги ҳақида Сабаъ сураси 11-оятда «... Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишда аниқ-пухта иш қилгин» дея таъкидланади. Бироқ унинг темирчилик сир-асрорини ўрганишда кампир сабабчи бўлганлиги ҳақида гапирилмайди.

---

<sup>1</sup> Жуманиёзов Б. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи. Филол. фанлари номз...дис. – Тошкент, 1996. – Б. 9.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 28.

Кампир тўқима образ бўлиб, уни адиб ҳикоятнинг талаби ва моҳиятидан келиб чиқиб қисса таркибига киритган. Одиликда тенги йўқ қуртқа билан бўлган суҳбатдан сўнг Довуд (а.с.)нинг кўнгил ойнаси янада ёрқинлашиб, темирчилик ҳунарини ўрганади. Бу ўринда муаллиф Довуд (а.с.) тимсолида халқнинг азалий орзуси ҳисобланган одил шоҳ ҳақидаги қарашларини ҳам акс эттирган.

Қуйидаги ҳикоятда эса қуртқа образи меҳнатни улуғловчи, қаттиққўл йўлбошчи сифатида тасвирланган. Сулаймон (а.с.) гуноҳ қилиб, мулкидан мосуво бўлгач, қувғинда, йўл азобидан чарчаб, бир боғда ухлаб қолади. Шу пайт унинг атрофида ғаройиб ҳодиса юз беради ва буни кўриб, боғ эгалари хайронлик денгизига чўмишади. Бунинг устига, Сулаймон (а.с.)нинг одоби, ўзини тутиши, муомала маданияти билан бошқалардан ажралиб туриши боғ эгаларининг унга нисбатан ҳурматини ошириб юборади ва улар пайғамбарни мажбурлаб ўзларига куёв қилишади. Тўйнинг эртасига пайғамбарни кампир қариндошига кўрсатишади. У Сулаймон (а.с.)га қараб: «Эй йигит, сен коҳил (дангаса) кишига ўхшайсен. Борғил киши ишин ишлағил. Тўн, этмак ҳосил қилғил»<sup>1</sup> дея Сулаймон (а.с.)ни меҳнат қилишга мажбур этади. Кампирнинг аччиқ сўзи киши кўнглига озор берса-да, қаттиққўллик ва қатъият тимсоли сифатида гавдаланади. Унинг бу хусусияти она уруғи даврида кишиларнинг ҳар бир ишни бошлашдан аввал қабила бошлиғи – қари аёллардан маслаҳат олиб иш тутганлиги ҳақидаги қарашларни эслатиб, кампир образининг бу қиёфаси XIV асрда ҳам фольклор намуналарида сақлаганлигини кўрсатади.

Даврлар ўтиши натижасида бир тузум ўз ўрнини бошқа тузумга бўшатади. Тарих ҳеч нарсани абадий қолдирмайди. Она уруғи ўрнини секин-асталик билан ота уруғи эгаллай бошлайди. Бу ҳол оғзаки ижодда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Энди ҳар нарсага қодир аёллар образида эврилиш содир бўлиб, улар инсонларни йўлдан адаштирувчи, барча ёвузликларнинг сабабчиси сифатида гавдалана бошлайди. Ижобий кампир

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 43.

образи ўзгариб, салбий қиёфадаги ялмоғиз (ямлаб ютадиган оғиз) фольклор асарларининг бош қаҳрамонига айланди. Кампир образининг иккинчи даврий қиёфаси бутун дунё халқлари оғзаки ижод намуналарида ўз ифодасини топган. Масалан, Австралия афсоналарида келтирилишича, Мутинга номли жодугар кампир бўлиб, у эътиборсиз қолдирилган ёш болаларни ўғирлаб, ямламасдан ютади. Шунингдек, Мутинга кампир маросим пайтида қорнидан ямламай ютган болаларнинг бўлакларини, парчаларини чиқариб тирилтириб, улар воситасида анъанавий маросимини ўтказган<sup>1</sup>. Демак, ота уруғи даврида шаклланган ушбу лавҳада кампир образи магия билан шуғулланувчи ноанъанавий салбий образни эслатади. Муринбат халқи афсоналарида ҳам шунга ўхшаш мотивлар кўзга ташланади, яъни унга кўра қадимда ярми аёл, ярми илон кўринишидаги Кукпи номли аёл бўлиб, у қорни очганда эркакларни ўғирлаб, жодулаб ейди<sup>2</sup>. Демак, қурама типдаги кампир образи кейинги давр мифологиясида салбий қиёфада намоён бўла бошлаган. Бу эса аёлларнинг жамиятдаги роли пасайиб борган сари оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида ёвуз шахс сифатида турли эртак ва афсоналарда сақланиб қолганлигини кўрсатади.

«Қисаси Рабғузий» асаридаги Авж ибн Унуқ ҳақидаги ҳикоятда келтирилишича, кунларнинг бирида Авж ибн Унуқ ёшлигидан асраб олган қизи билан қирғоққа келади. Ўша ерда бир йигит бўлиб, унинг кўзи Авж ибн Унуқнинг ёнидаги қизга тушади. Қиз ва йигит бир-бирини шу онда севиб қолишади. Бироқ Авж ибн Унуқнинг вазоҳатидан қўрққанликлари туфайли улар буни пинҳон тутишади. Йигит чора излаб қуртқа (кампир)га дардини баён этади. Қуртқа эса унга катта қулф-калитли сандиқ ясаттиришни буюради. Йигит қуртқа айтганидек, ишни қойилмақом бажаради. Шунда у йигитни сандиққа солиб, Авж ибн Унуқни йўлда кутиб ўтиради. Уни кўрганда эса: «Эй ўғлум, сандуқ ичида киши амонати бор, анда қузайин.

---

<sup>1</sup> Мелитинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 219.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 243.

Азинларга эътимод қилмасмен», – дейди. Соддадил Авж ибн Унуқ куртқанинг «илтимоси»ни бажону дил қабул қилиб, уни уйига элтади. Кунларнинг бирида Авж ибн Унуқ овдан қайтса, бегона кишининг туфкурганини кўриб шубҳаланади ва хотинини рост гапиришга мажбур қилади. Қиз бечора кўрққанлигидан бўлган воқеаларни рўй-рост баён этди. Шармандаликка чидолмаган ор-номусли Авж ибн Унуқ шум куртқа, қиз ва йигитни шу онда ўлдиради<sup>1</sup>.

Демак, юқорида келтирилган ҳикоятда ҳам куртқа ота уруғчилиги даврида ҳукм сурган ёвузлик тимсоли вакиласи ялмоғиз образига яқин. «Ялмоғиз кўп қиррали образ бўлиб, ўзбек эпосида бир қанча кўринишда, жумладан, қаҳрамонларнинг ҳомийси, сеҳрли буюм инъом этувчи, ёш ўғил ва қизларни ўғирловчи, қаҳрамоннинг қайлиғи ва маликаларни йўлдан урувчи каби бир-биридан турфа бўлган қиёфа ва кўринишларда намоён бўлади»<sup>2</sup>. Ўзбек халқ эртакларида, умуман, жаҳон халқлари оғзаки ижодиётида ялмоғиз кенг тарқалган образлардан бўлиб, ўзбекларда «ялмоғиз», араб эртакларида «мағрибий», япон эртакларида «тангу», эрон халқ эртакларида «кўса», рус халқ эртакларида «бабаяга»<sup>3</sup> каби атамаларда учрайди. Бироқ уларнинг вазифаси, шакл-шамойили даврлар силсиласида турфа қиёфаларда ўзгара борган.

Маълум бўладики, ялмоғиз образи дастлаб матриархат даврида пайдо бўлиб, инсонларнинг ҳомийси, ҳосилдорликни таъминловчи ижобий куч, гўзаллик илоҳаси сифатида тасвирланган. Бу даврда яратилган оғзаки ижод намуналарида аёлларга барча муаммони ечувчи, ҳар қандай балони даф этувчи қудратли куч деб қаралган. Инсоният онги ўсиши, жамиятда эркакларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бориши натижасида матриархат даври секин-асталик билан патриархат даврига ўз ўрнини бўшатиб беради. Энди оғзаки ижодда қудратли куч эгаси бўлмиш ялмоғиз образи даврлар

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990.. – Б. 47.

<sup>2</sup> Жуманиёзов Б. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи. Филол. фанлари номз...дис. – Тошкент, 1996. – Б. 46.

<sup>3</sup> Ўша диссертация. – Б.128.

силсиласида янгича тасвирда асар таркибида кўрина бошлади. Яъни уларнинг шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, табиати, ҳаёт тарзида туб бурилиш юз бериб, салбий бўёқларда кўзга ташлана бошлади. Бош қаҳрамонни йўлдан уриш, адаштириш, ёш болаларни (айниқса, ўғил болаларни), хотинларни ўғирлаш, асир қилиш ёхуд уларни ямламасдан ютиш каби тасвирлар ҳаёт тарзининг бош мезонига айланди.

Қуртқа ҳақидаги иккинчи ҳикоятда ҳам юқорида айтилган фикр ифодаси мавжуд. Юсуф (а.с.) қул сифатида Мисрга келтирилгач, Азизи Мисрнинг хотини Зулайхо уни кўриб севиб қолади. Юсуф (а.с.)ни сотиб олиб, ундан кўнгил хоҳишини ҳосил қилмоқчи бўлади. Олимлар Юсуф ва Зулайхо қиссасининг генезиси ҳақида гапирганида бегуноҳ йигит ва ёмон хотин ҳақидаги сюжетларнинг илдизи Рамзес даврида шаклланган Миср адабиётида бор эди деб келтиришади<sup>1</sup>. Ана шу ёмон хотиннинг прототипи бўлган Зулайхо мақсадига етиш учун энага кампирга дардини айтади. Энага кампир Зулайхога она каби меҳрибон, жонкуяр, шу билан бирга ўта айёр ва тадбиркор аёл. Унинг бу хусусияти ялмоғиз образининг такомиллаштирилган ва маданийлаштирилган варианты ҳисобланган, олийнасаб арбобларга хизмат қилувчи мастон образи қиёфасига жуда яқин. Буни биз энаганинг Зулайхога берган маслаҳатида кўрамиз: «Эй Зулайхо, манга телим мол бергил. Ул молни харж қилайин, бўлғайким тилакинга теггайсен»<sup>2</sup> деб уй қуриб, унинг ичида Юсуф ва Зулайхонинг расмини турли ҳолатларда чиздириб, уйни қимматбаҳо тошлар билан безайди. Энага гарчанд Зулайхонинг дардига «даво» топган бўлса-да, унинг бу иши Зулайхонинг эри Азизи Мисрга қилган дастлабки хиёнати, деб баҳоланади. Муаллиф бу ҳолатда энага кампирга бўлган салбий муносабатини халқ орасида кенг тарқалган «Ёт қуртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса, бузмай чиқмас»<sup>3</sup> ҳикматли сўзи билан ифодалайди. Юқорида келтирилган ҳикматли сўзнинг

---

<sup>1</sup> Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 240.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 121.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 121.

шуниси характерлики, «унда ташқи қиёфани бериш билан бирга шу қиёфага мос ҳолда характер хусусиятлари ҳам қўшилган. Бундай тасвир мастоннинг келажакда қиладиган ёвуз ишларидан хабар беради. Бу нарса фольклор асарлари учун характерлидир»<sup>1</sup>. Адиб юқорида берилган таъриф билан чекланмайди. Энага кампирга хос ёвуз қиёфани янада бўрттириб, ёрқинрок тасвирлаш учун салбий буёқ билан йўғрилган тўрт байтдан иборат лирик шеър келтиради:

«Эрнинг балоси, икки олам балоси – қуртқа,  
Қуртқа қариб ўлурса, солғил этини қуртқа.  
Ёт қуртқани эвингда кўрсанг, бошини кесгил,  
Куйдур бошини ўтқа, совур кулини қортқа.  
Қуртқа неча қарисун, тоат қилиб арисун,  
Эв бузғали топунса, боқмас ўнгига ортқа.  
Қуртқа бузар минг ишни қайра тузар тиласа,  
Анинг тегар балоси барча муғулға, сортқа»<sup>2</sup>.

Мисралардаги *қуртқа* сўзи омоним бўлиб, биринчи мисрада *қари кампир*, иккинчи мисрада *бўри*, тўртинчи мисрада *кўк (осмон)* маъноларида ишлатилган. Тажнис сўзларнинг ишлатилиши шеърнинг бадийлигини кучайтириб, салбий образнинг нопок ишларини бўрттириб, ёрқин бўёқларда акс эттирган. Шу билан бирга мазкур шеър қадимги туркий тилнинг нақадар бой, лексик қатламининг хилма-хиллигини кўрсатиб, бир сўзнинг турли маъноларида ишлатилиши ўқувчининг бадий дидини ўстириб, уни сўзнинг маъно қирраларига аҳамият беришга ўргатади. Юқорида келтирилган икки ҳикоятда ҳам қуртқа образи бир хил вазифани бажарган. Биринчи ҳикоятда қуртқа йигитни ҳийла билан қизга қовуштириб, Авж ибн Унуқнинг ишончини суиистеъмол қилувчи, иккинчи ҳикоятда Зулайхога Юсуф (а.с.)ни қовуштириш орзусида унинг эрига хиёнат қилишига сабабчи бўлувчи мастон

---

<sup>1</sup> Саримсоқов. Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида тутган ўрни: Филол. фанлари номз...дис. –Тошкент, 1973. – Б. 138.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 122.

кампири эслатади. Бундан кўринадикки, ҳар икки ҳикоятдаги кампир образида ота уруғчилик даврида ҳукм сурган салбий муносабат таъсири сезилади. Бу эса ўша даврда яратилган ижод намуналарида ялмоғиз образига хос салбий иллатлар, тушунчалар сақланганлигини кўрсатади.

Лут (а.с.) ҳақидаги қиссада қуртқа образи инсонлар орасида ёмонлик уруғини сочувчи, маънавий тубанликни тарғиб қилувчи, жамиятни жар ёқасига элтувчи, инсониятнинг йўқ бўлиб кетишида асосий сабабчи бўлган шум кампир қиёфасида гавдаланади. Асарда келтирилишича, Фаластин яқинида Муътафиқот халқи истиқомат қилиб, улар Зевол номли бутга топинар ва энг даҳшатлиси, аёл билан аёл, эркак билан эркак зино қилишарди. Бу ишни эса уларга қуртқа кўринишидаги иблис ўргатади<sup>1</sup>. Қиссадаги кампир образи бадий вазифасига кўра ялмоғизнинг кейинги вакиллари ҳисобланган шум кампирларни эслатади ва асарда турли эстетик функцияларни бажаради. Қиссада кампир энг разил ишлари билан инсониятнинг азалий ва абадий душмани бўлган иблиснинг кўмакчиси ҳамда вазифадоши сифатида намоён бўлади. Кампир образи халқ оғзаки ижоди намуналари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати остида давр фожеаси ётишига ишора қилинади.

Юқоридаги қиссаларда кампир образи ахлоқсиз ишларни тарғиб этувчи маънавий тубан кимса сифатида тасвирланса, қуйида унинг раҳмсиз қиёфаси кўрсатилади. Асарда зикр этилишича, Солиҳ (а.с.) бир неча аср бутга сиғинган Самуд халқига бориб, уларни иймонга даъват этади. Бироқ улар Солиҳ (а.с.)га тошнинг орасидан она-бола туя чиқартириб берсагина, сўзига ишонишларини ва у тарғиб қилган динга киришларини айтишади. Мўъжиза уларнинг кўз ўнгида содир бўлади. Энди халқ ғойибдан юборилган бу махлуқот билан қудуқ сувини бўлишиб ичишига тўғри келади. Кунларнинг бирида Абира номли қуртқа қабиланинг энг бой, энг олди йигитларига шароб ичириб, туяни ўлдиришни буюради. Эвазига эса икки йигитга икки гўзал

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990.. – Б. 88.

кизини беришини ваъда қилади. Шартга кўра йигитлар туяни ўлдириб, гўзал кизлар висолига етишади. Аммо бутун қабила уларнинг хатоси туфайли офатга учраб, йўқ бўлиб кетади. Ушбу қиссада ҳам кампир образи салбий қиёфада гавдаланади.

«Қисаси Рабғузий» асари диний моҳиятдаги воқеа-ҳодисаларга фольклор анъаналари сингдирилган адабий ёдгорлик бўлгани учун қуртқа образи ҳам шунга монанд тасвирланади. Қиссада келтирилишича, Намруд Иброҳим (а.с.)ни ўтда ёндирмоқчи бўлганида бир талай қуртқа шохни хурсанд қилиш учун ип йигириб, бозорда сотиб, унинг пулига Иброҳим (а.с.)ни куйдириш учун ўтин сотиб олишади<sup>1</sup>. Ҳикоятда қуртқа образи воситасида Намруд халқига умумий тавсиф бериш мумкин. Қуртқаларнинг ўтин сотиб олиб, Иброҳим (а.с.)ни ўзларига душман деб билиши жамиятда Намруднинг якка худо деган қараш чуқур илдиз отганлигини кўрсатади. Уларнинг бу хатти-ҳаракати ота уруғи даврида аёлларнинг мавқеи тушиб бораётган бир пайтда ўз ўрнини сақлаш мақсадида ишлатган найрангларини эслатади.

Пайғамбарларнинг эзгулик динини ёйишида кампир образининг ташвиқот душмани сифатидаги тасвири Сулаймон (а.с.) ҳақидаги қиссада ҳам ўз аксини топган. Қиссада келтирилишича, Сулаймон (а.с.)нинг хотини Куна яширинча отасининг суратини чиздириб, унга топинар эди. Мусулмонларнинг Ийд байрами куни иблис кампир суратида Кунанинг олдига келиб, отасининг шарафига қурбонлик қилишини ва бундан отаси хурсанд бўлажagini уқтиради. Куна ҳам бу сўзга мувофиқ иш тутиб, бир чигирткани қурбонлик қилади<sup>2</sup>.

Ислом таълимотига кўра, инсон суратига сажда этиш, унинг шарафига қурбонлик келтириш, турли ҳайкалларга ибодат қилиш, мадад сўраш қаттиқ қораланган. Чунки сажда қилиш, сиғиниш фақат Аллоҳ учун бўлиб, бу ислом

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 64.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 42.

таълимотининг бош ғояси ҳисобланади. Халқнинг бир неча асрлик анъаналаридан воз кечиш ва унинг ўрнига янги таълимотни ўзлаштириш кўпчиликка малол келган ва улар бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқишган. Қиссадаги кампир образи эса ана шундай – пайғамбарлар фаолиятига тўсқинлик қилувчи, инсонлар орасида фисқ-фасодни ёювчи, жамиятни зимдан емирувчи хавфли душман сифатида муаллиф ижодий ғоясини очиб беришга хизмат қилган.

Инсон онги шаклланиб, дунёни илмий билишга бўлган эҳтиёжи ортган сайин одамлар онгидаги ғайритабiiй ашёлар хиралашиб, улар ўрнини реал ҳаётiiйликка асосланган образлар эгаллай бошлади. Даврлар ўтиб кампир образининг бадий кiiёфаси ўзгаради. Энди ҳикоятларда кампирлар на ҳомiiй, на ҳар қандай ишда ёмонлик, разолат, қабоҳат уруғини сочувчи ёвуз жодугар, балки бошқа инсонлар билан бир хил феъл-атворга эга, улар орасида яшовчи, баъзан гуноҳ қилиб афсус чекувчи, баъзан зулм кўриб пинҳон йиғловчи, баъзан эса олдига қўйган мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонлардан деярли фарқ қилмайдиган мураккаб образ сифатида гавдаланади. Миср шоҳини заҳарлаш билан боғлиқ қисса мазмуни буни тасдиқлайди. Унга кўра, Рум шоҳи Миср юртига элчи юбориб, унга хирож тўлашини ҳамда номига пул зарб қилишини буюради. Бироқ Миср шоҳи бу таклифни қатъiiй рад этади. Шунда Рум шоҳи Мисрга махфiiй айғоқчи юбориб, шоҳни ўлдирадиган одам топишини буюради. Айғоқчи Мисрга келиб, бир кампирникида меҳмон бўлади. Сухбат асносида кампир подшодан норозилигини билдиргач, айғоқчи унга беҳисоб мол-давлат эвазига подшоҳни ўлдиришни таклиф этади. Кампир бу таклифга рози бўлади ва ўзи билан она-бола тутинган шоҳнинг новвой ҳамда шаробчисини ҳузурига чақиртириб, уларга подшони ўлдиришни буюради. Бироз вақт ўтгандан сўнг кампир агар шоҳ ўлса, ўзга давлат подшоҳи келиб барчани қиличдан

ўтказишини, шаҳарда хунрезликлар кучайишини, бутун юрт аҳли хонавайрон бўлишини кўз ўнгига келтириб, бўлган воқеадан шоҳни бохабар этади<sup>1</sup>.

Эътибор қилинса, ҳикоятда кампир ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий қиёфани мужассам этган мураккаб образ сифатида намоён бўлади. Дастлаб кампирнинг подшога бўлган шахсий хусумати туфайли қасд олмоқчи бўлиши уни салбий персонаж сифатида танитса, шоҳнинг ўлими сабабли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганда нақадар оғир гуноҳга йўл қўйганлигини фаҳмлаган ва тезда гуноҳини ювишга ҳаракат қилган ижобий образ ўлароқ гавдаланади. Демак, юқорида таҳлил қилинган кампир одамзодга ижобий ва салбий хусусиятларни мужассам этган мураккаб образ бўлиб, бажарадиган вазифасига кўра инсон табиатига яқин туради.

Умуман олганда, асардаги қиссаларда бу образ жамиятни маиший бузуқликка ундовчи, эрнинг хотинига, хотиннинг эрига хиёнат қилишида восита бўлувчи, инсонларни ҳақ йўлдан адаштирувчи қотил, айёр, шум кампир қиёфасида намоён бўлади. Унинг бу каби хусусиятлари она уруғчилиги даври тугагандан кейинги халқ тасаввуридаги ялмоғиз кампирнинг салбий хусусиятларини эслатади. Ҳаттоки, бу кўпгина оғзаки ва ёзма ижод намуналарида: «Алпомиш» достонида Сурхайл кампир, «Фарҳод ва Ширин»да шум кампир тимсолида ўз ифодасини топган.

Қиссадаги бошқа ҳикоятларда ҳам кампир образи бунинг акси ўлароқ янги қиёфа касб эта боради, яъни унда бу образ адиб ижодий ниятини очиб берувчи меҳрибон, оққўнгил, фалак зулмидан озор чеккан бечора аёл қиёфасидаги ижобий образ сифатида тасвирланган. Ҳикоятда келтирилишича, Яъқуб (а.с.) жаҳл устида чўриси Мубашширанинг ўғли Баширни қул сифатида сотиб юборади. Ўғлининг кўйида адо бўлган онаизорнинг кўзлари бутов бўлиб, карвон ўтадиган йўл устида жигаргўшасини бир неча йил кутади ва ниҳоят она-ўғил дийдорлашади. Ҳаёт

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 134.

ана шу кампирни хор қилгани учун Яъқубни жазолайди. Унинг арзандаси Юсуф (а.с.) ҳам қул қилиб сотилади.

Шунга ўхшаш иккинчи ҳикоятда ҳам Исо (а.с.)нинг олдига бир кампир келиб, ўғли ўлганлигини, ўзининг эса невараларини боқишга қурби етмаётганлигидан нолийди<sup>1</sup>. Ҳар икки ҳикоятда ҳам кампир образи салбий хусусиятлардан буткул йироқ бўлиб, юрак-бағри эзилган меҳрибон она тимсолида гавдаланади. Кампирнинг шикаста қалби инсон онги, дунёни билишдаги илмий қарашлари ўсиши натижасида тараққий топган, маданийлашган инсонларга яқинлаштирилган, улар билан яшаш тарзи, феъл-атворига кўра эквивалентдир. Бунда энди ҳикоятдаги қуртқа ҳар қандай разил, манфур ишларни дўндирадиган шум кампир эмас, аксинча, фалак зулмидан жафо чеккан муштипар она қиёфасида гавдаланади.

Қуйидаги ҳикоятда доно ва оқила кампир образи тасвирланади. Унга кўра Мусо (а.с.) даврида ўта камбағал, содда, ҳалол кампир ўғлига тоғда отаси боққан ўзига хос белгили сигирни олиб келишни буюради. Ўғли тоғдан сигирни олиб келиб, онаси билан бамаслаҳат иш кўрганлиги туфайли уни юқори баҳога сотишиб, камбағалликдан қутулишади<sup>2</sup>. Ушбу қисса асар умумсюжетига унчалик алоқадор эмас. Бироқ Мусо (а.с.) айнан кампирнинг сигири туфайли ўликни тирилтириб, қотиллик сирини фош этади ва кўпчиликнинг иймон келтиришига эришади. Муаллиф бу орқали пайғамбарнинг фазилати ва кароматини образли ва таъсирчан кўрсатишга муваффақ бўлган. Демак, муаллиф кампир образи орқали ҳалол, пок, шунингдек, тадбиркор ва оқила аёл сиймосини гавдалантирган. Буни кампирнинг ўғлига қилган панд-насихатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. У ўғлини тарбиянинг олий кўринишида камолга етказган донишманд аёл. Шу сабабли ҳам фаришталар унга мададкор ва кўмакчи. Умуман олганда, юқорида берилган уч ҳикоятда кампир образи нисбатан кейинги даврда

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 85.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 18.

шаклланган, оқила, ҳалол, сабрли ва матонатли, шу билан бирга тадбиркор ва доно аёл сифатида намоён бўлади.

Адиб кампир образининг бадий қирраларини бошқа қисса орқали янада ёрқинроқ кўрсатишга эришган. Унга кўра, Мусо (а.с.) Фиръавн халқига офат дуосини қилишдан олдин у ердан Юсуф (а.с.)нинг суякларини олиб кетмоқчи бўлади. Бало теккан ерда пайғамбарнинг суяклари ётишини истамай, уни топишни халойиққа буюрганида бир қуртқа деди: «Ман билурман... Бир ҳожатим бор, раво қилмагунча аймасман». Мусо айди: «Ҳожатинг не турур? Айди: Ҳожатим ул турурким, ужмоҳ ичинда сенинг бирла бўлам. Мусо қабул қилди»<sup>1</sup>. Эътибор қилинг, қуртқа гарчанд Мусо (а.с.)нинг тарафдорларидан бўлиб, унинг билан диндош бўлса-да, унга шарт кўяди. Лекин бу шарт иймон билан боғлиқ. Бу ҳолат халқ оғзаки ижодида кенг учрайдиган шарт мотивини эслатиб, ялмоғизнинг бош қаҳрамонга ёрдам беришида унинг учун қадрли бошқа бир шахс ёки нарсани сўраши ёки узок сафарга юбориб, турли демонологик образлар билан курашиши, малика ёхуд бирор тилсимли нарса-буюмни олиб келишни талаб қилиши каби мотивларда кўриш мумкин. Адиб Мусо (а.с.)га кампир томонидан қўйилган шарт воситасида бу персонажнинг бадий вазифасини сақлаб қолгани кузатилади. Кейинги қиссада тасвирланишича, Хизр ва Илёс (а.с.) бир кампирникида меҳмон бўлишади. Кампир уларга уйнинг тўридан жой беради. Меҳмонлар қуртқадан таом тилайдилар. Кампир эса уларга таом беролмаслигини, ҳозир юртда қаҳатчилик ҳукм сураётганини, ҳатто шоҳ қасрида ҳам етти кундан буён қозон қайнамаётганини, агар бирор егулик пиширса, ҳиди ҳамма ёққа таралиб, халойиқ бу ерда тўпланишини айтади. Пайғамбарлар каромати билан эскириб қолган таом уларнинг қўлида бир зумда оқ хамирга айланиб кампирга таом пиширтиришади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 174.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 69.

Демак, ушбу қиссада ҳам куртқа ва пайғамбар билан боғлиқ воқеа зикр этилган. Ҳар иккала қиссада ҳам кампирлар пайғамбарларга ёрдам беришади. Ҳар икки қиссада шарт мотиви мавжуд. Бироқ уларнинг бир-биридан фарқли жиҳати шундаки, биринчи ҳикоятдаги кампир пайғамбарга яхшилик қилиш эвазига боқий ҳаёт фаровонлигини, яъни охиратда пайғамбар билан кўшни бўлишни тилади. Иккинчи қиссада кампир пайғамбарга яхшилик қилиб, моддий ҳаётдаги тинч-фароғатни истайди. Биз буни кампирнинг «Тутун чикса эл йиғилур, қамуғин ёнорлар» дея айтган жавобида кўрамиз. Кампир гарчанд меҳмонларни ўйласа-да, одамлар овқат тополмай юрганда унинг қозонида овқат қайнашидан истиҳола қилади. Таққосланса, иккинчи ҳикоятдаги кампир биринчи ҳикоятдаги кампир образига нисбатан содда ва ҳаётий тасвирланган.

Демак, Носируддин Рабғузий қиссада кампир образига мурожаат қилишда унинг бадиий қиёфасига ҳам ижодий, ҳам илмий асосда ёндашган. Бу образ кўпчилик пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларда учраб, турли қиёфада намоён бўлади. Муайян вазифани бажаргани учун кампир образи қатнашиш даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинди:

1. Воқеа ривожига сезиларли таъсир қилувчи етакчи образ;
2. Асар сюжетини мукаммаллаштирувчи образ;
3. Асарда тасвирланган воқеа таркибидаги эпизодик образ.

«Қисаси Рабғузий»да тасвирланган кампир образининг асарда қатнашиш даражасига кўра турларга бўлинишида асос бор. Чунки қиссада кампир образининг бош қаҳрамонга нечоғлиқ алоқадорлигини аниқлаш тадқиқотимизнинг асосий мақсадидир. Шунингдек, бу таҳлил кампир образининг XIV аср оғзаки ижод намуналаридаги ўрни, бадиий қиёфаси ҳақида илмий хулоса чиқаришда ёрдам беради. Масалан, Зулайхога «ёрдам берган» энага кампир сюжетни ривожлантиришда, воқеани кульминацион нуқтага етказишда, қиссанинг эмоционал бўёқдорлигини оширишда ўзига хос ўрин тутди. Кампирнинг қилмишидан сўнг Юсуф (а.с.) етти йил

зиндонда қолиб, ўз келажаги учун пойдевор яратди. Кампир образи гарчанд тўқима бўлса-да, ижобий қиёфада ҳам акс этади. У бош қаҳрамоннинг ҳаётида жиддий бурилиш ясаб, қаҳрамон шу образ таъсирида моддий, маънавий ва руҳий етукликка эришади. Халқ олдида ҳам, Ҳақ олдида ҳам юзи ёруғ бўлади. Демак, кампир образи хоҳ у салбий, хоҳ ижобий бўлсин, қиссада бош қаҳрамоннинг маънавий юксалишида, комиллик даражасида етишишида асосий сабабчи вазифасини ўтайди.

Қиссада кампир образи кўпинча бош қаҳрамоннинг пайғамбарлик сифати, мўъжизаларини ёрқин тасвирлашда ёрдамчи образ сифатида намоён бўлади. Масалан, Райён Маликнинг заҳарланиши ҳақидаги ҳикоят юзаки караганда гўё Юсуф (а.с.)га ҳеч қандай алоқаси йўқдек. Бироқ кампир туфайли зиндонга тушган новвой ва шаробчининг кўрган тушини тўғри талқин қилганлиги сабаб Юсуф (а.с.) буюк туш таъбирчиси сифатида шох назарига тушади ҳамда зиндондан озод бўлиб, Миср элининг халоскорига айланади. Шунингдек, ишлаб пул топишга мажбур қилган кампирнинг кистови остида Сулаймон (а.с.) балиқчиликни ўрганади. Ўзига тегишли мулкни қайтариб олишида ҳам ўрганган касби асқотади. Шу сабаб бўлса керак Аллоҳ Таоло узугини балиқ орқали қайтаради. Оқибатда тутган балиғининг ичини ёрганда мўъжизали узугига эга бўлади. Бу ҳикоятда ҳам кампир бағритош, мурдор сифатида кўринса-да, Сулаймон (а.с.)нинг мўъжизали узугини қўлга киритишда асосий восита ва сабабчи бўлиб хизмат қилган.

Учинчи турга кирувчи кампир образи воқеалар ривожига жиддий таъсир қилмайди. Бош қаҳрамоннинг сифат ва хусусиятларини ёрқинроқ тасвирлашга хизмат қилмайди. Улар қиссанинг маълум бир ўрнидагина келтирилиб, бадий қиёфаси, бажарадиган вазифаси қиссада деярли сезилмайди. Масалан, «Закариё 300 яшамиш эрди... Ҳазратиндин не кўлдум эрса бердинг. Эмди қўйнутдағи ўғул-қиз туғмаған куртқадин манга бир ўғул

бергил»<sup>1</sup>. Ҳикоятда Закариё (а.с.)нинг фарзанд туғмаган хотинидан ўғил беришини сўраб қилган илтижоси тасвирланган кичик лавҳада қуртқа тимсоли фақат шу ўринда ишлатилиб, биз фақат кампирнинг дунёда фарзандсиз ўтганлиги ҳақидагина тасаввурга эга бўламиз. У бадий образ даражасига кўтарилмайди, қиссада муайян вазифани бажармайди.

Хулоса қилиб айтганда, оғзаки ижод намуналаридан ёзма адабиётга кўчган бу образ муаллиф ижодий ниятини тўлақонли ифодалашга, бош қаҳрамоннинг ўзига хос хусусияти, феъл-атвори, пайғамбар сифатидаги белгиларини аниқлашга, XIV асрда оғзаки ижод намуналарида кампир образига муносабат қай даражада эканлигини кўрсатишга ва илмий хулоса чиқаришга ёрдам беради. Муаллифнинг бу образга мурожаат қилиши қиссанинг эмоционал бўёқдорлигини ошириб, ҳикоятларни эртакларга яқинлаштирган, янада таъсирчан, ўқишли бўлишини таъминлаган. Айниқса, қуртқа образининг бадий қиёфаси, унинг бажарган ишлари, характер-хусусиятлари воситасида бош қаҳрамон комиллик даражасида тарбияланади. Шунингдек, қиссадаги баъзи қуртқа образи оғзаки ижоддаги ялмоғиз образининг кейинги вакиллари бўлмиш жодугар, шум кампир, мастон кампирларга хос белгиларни ўзида сақлаганлиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда, «Қисаси Рабғузий» анбиёлар тарихи ҳақидаги бадий асар бўлиш билан бирга, халқнинг ўтмиш маънавиятини, дунёқарашини ўзида акс эттирган ўзбек бадий насрининг нодир намунаси ҳисобланади. Унда баъзи пайғамбарлар ҳаёти мисолида келтирилган олам ва одам ҳақидаги илк мифик тасаввурлар ҳамда дostonларга хос лавҳалардан фойдаланиб яратилган бадий тасвирлар кишига оламжаҳон адабий-эстетик завқ бағишлаш жиҳатдан алоҳида бадий қимматга эга. Бунда қисса ва ҳикоятлар бадий тўқимасида истифода этилган кўплаб оғзаки ижодга хос лавҳалар, ранг-баранг тимсоллар, айрича мотивлар, манзара ва персонажларнинг ташқи кўриниши тасвирлари муҳим бир омил бўлган.

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 80.

Демак, муаллиф ўз асарида халқ оғзаки ижодига хос ранг-баранг тимсоллардан баҳраманд бўлган, файз топган. Уларни қиссада келтириб, кўллаб, бадий жихатдан пухта ишланган, ўқувчига эстетик завқ бера оладиган, китобхонларнинг ақлан ва маънан етук инсон бўлиб тарбия топишига хизмат қилувчи гўзал ҳикоятлар яратишга муваффақ бўлган. Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги ранг-баранг анъанавий образлар Рабғузий учун бир бадий восита, поэтик деталь вазифасини бажарган. Қуртқага оид лавҳалар асар бадий сеҳрини, жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилган.

### 3.2. «Қисаси Рабғузий»да туш мотиви

Ўзбек халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт ҳамда диний манбаларда туш кўриш билан боғлиқ мотивлар кўп учрайди. «Туш шунчаки тасодифий ҳодиса бўлмай, инсон руҳиятининг бир кўриниши, онг ости кечинмаларининг ўзига хос намоёишидир»<sup>1</sup>. Онг билан узвий боғлиқ бўлган тушга қизиқиш ва уни ўрганиш азалдан олимлар ва кенг халқнинг диққат марказида бўлган. Улар бу ҳолатнинг пайдо бўлиши ва кечиш жараёнини доимий кузатиб боришган ва уни бевосита инсон руҳиятининг тажаллиси деб ҳисоблашган. Ислом олимларининг таъбирича, «Тушлар руҳ орқали кўрилиб, ақл билан фаҳмланади ва руҳнинг қароргоҳи мия билан боғлиқ қалб ўртасидаги қон нуқталаридир»<sup>2</sup>. «Табиатдаги ҳар қандай нарса ва ҳодисаларнинг такомилидаги каби туш мотиви ҳам маълум бир босқичларни босиб ўтади. Бу босқичлар, бир томони, табиий-ижтимоий ҳаёт билан боғланса, иккинчи томони, айнан шу жараённинг санъатдаги поэтик ифодаси билан боғланади»<sup>3</sup>. Туш ҳодисасини таҳлил қилишда ана шу икки ёндашув ҳодисани тўлиқроқ ўрганишда туртки вазифасини бажаради. Кўпчилик эртак ва дostonларда воқеаларни ривожлантириш, қаҳрамоннинг саргузаштлари

<sup>1</sup> Эшонқулов Ж. Туш ва унинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – 2-сон. – Б. 59.

<sup>2</sup> Муҳаммад ибн Сирин. Тушлар таъбирномаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 21.

<sup>3</sup> Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 4-сон (38). – Б. 55.

ибтидоси сифатида туш лавҳаси муайян вазифани бажаради. Туш тасвири одатда асар бошида келиб, нуроний чол, азиз-авлиёлар, марҳум қариндош, пирлар, чилтонлар, рамзий белгиларга асосланган турли манзаралар қаҳрамоннинг тушига кириб, йўл-йўриқ кўрсатади. Бош қаҳрамон тушдаги белги, ишора асосида узоқ ва машаққатли йўлга чиқиб, ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй беради, маънавий комилликка эришиб, жисмонан тобланади.

«Қисаси Рабғузий» асарида муаллиф илоҳий-маърифий ғояларни тарғиб қилишда туш тасвиридан унумли фойдаланган. Қисса анбиёлар тарихига бағишланган бадиий асар бўлганлиги учун пайғамбарларнинг илоҳий хабар олишида туш мотиви алоҳида ўрин тутаяди. Филология фанлари доктори Ж.Эшонқуловнинг «Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини» номли диссертациясида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг туш мотиви билан нечоғлиғ алоқадорлигини чуқур тадқиқ этади ва уларни бир неча турларга бўлиб ўрганади<sup>1</sup>. Биз эса ўз тадқиқотимизда туш мотивини пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар доирасида ўрганишни мақсад қилганмиз. Шу сабабли тадқиқотда туш тасвирини қуйидаги гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. Таъбир ва тавсифга муҳтож бўлмайдиган аниқ ва равшан тушлар;
2. Маълум рамз ва маъноларга эга бўлган башорат тушлар:
  - а) хушхабардан дарак берувчи башорат тушлар;
  - б) жиддий синовлардан бохабар этувчи огоҳлантирувчи тушлар;
3. Баҳсталаб ҳолатларга ойдинлик киритувчи тушлар.

Аввало, «Қисаси Рабғузий» диний асар бўлганлиги учун ундаги тушларнинг деярли барчаси исломий, ирфоний маъно касб этади. Исломшунос олимларнинг фикрича, тушларнинг барчаси Аллоҳ Таоло томонидан берилади. Агар инсон яхши амаллар қилувчи, иймонли бўлса,

---

<sup>1</sup> Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини: Филол. фанлари докт...дис. –Тошкент, 2010. – Б. 126–153.

солиҳ тушлар кўради. Агар одам ёмон бўлса, турли алоқ-чалок тушлар кўрувчилар тоифасига киритилади.

**1. Таъбир ва тавсифга мухтож бўлмаган аниқ ва равшан тушлар** қисса таркибида талайгина. Бунда туш кўрувчининг тушида келажак воқеалари аниқ қилиб кўрсатилиб, уни таъбир қилиш шарт эмас. Бундай тушларнинг яққол намунаси Иброҳим (а.с.)нинг тушларидир. Кунларнинг бирида Иброҳим (а.с.) ухлаб ётганида тушларида қандайдир овоз келиб «Кўпгил, қурбон қилгил» деб буйруқ беради. Пайғамбар тонгда туриб 100 та кўйни қурбон қилади. Иккинчи кеча яна туш кўрибди. Тушларида яна ўша овоз келиб «Эй Иброҳим, тур ва қурбонлик қил» дейди. Иброҳим (а.с.) яна тонгда туриб 100 та туяни қурбон қилди. Учинчи кеча яна туш кўрдилар. Тушларида яна ўша овоз келди. Пайғамбар «Нимани қурбон қилай?» деб сўраганларида «Биздин азин кимни севдунг эрса, ани қурбон қилгил» дея жавоб берилади. Шунда Иброҳим (а.с.) Аллоҳдан кейин кимни севишини тушуниб, юрагининг бир парчаси бўлган ўғли Исмоил назарда тутилганлигини фаҳмлайди<sup>1</sup>. Берилган туш лавҳасига таъбир ва тавсиф шарт эмас, ҳеч қандай рамзий тимсоллар йўқ. Пайғамбарга ўғлини қурбонлик қилиш буюрилиб, бунда Иброҳим (а.с.)нинг Аллоҳга бўлган севгиси, эътиқоди имтиҳон қилинган. Раҳмоний тушнинг бу тури ҳар қандай инсонларнинг тушига кирмай, фақат яхшиликни ўзига касб қилган солиҳ кишиларга хосдир. Бу турдаги тушлар Аллоҳнинг хос бандалари билан мулоқот воситаси бўлиб, Тангри Таолонинг амр ва фармонлари шу йўл билан етказилган. Профессор Н.Раҳмонов Иброҳим (а.с.)нинг ўғли Исмоил (а.с.)ни қурбон қилиш хусусидаги лавҳани таҳлил қилар экан, Рабғузий уламолар орасидаги турли қарашлар орасидан ҳақиқатга яқинини топишда ишончли манбага таяниш учун қиёсий усулдан фойдаланганини айтади<sup>2</sup>. Бу эса пайғамбарлар тарихини ёзиш ва халққа ҳавола этишда муҳим жиҳат. Демак,

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 77.

<sup>2</sup> Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 234.

Рабғузийнинг таянч манбани аниқлашдаги ўзига хос ютуғи манбаларни қиёслаш асосида хулоса чиқарганлигидир.

Таъбир ва тавсифга муҳтож бўлмаган тушларнинг яна бир намунаси Исо (а.с.) ҳақидаги туш лавҳасидир. Унга кўра Исо (а.с.)нинг онаси Марям рўзадор ҳолида вафот этади. Онасининг оғзини очмасдан вафот этганлигидан ҳафа бўлган Исо (а.с.) кечкурун туш кўради. Тушида онаси жаннатда гўзал либосларда, атрофида эса ҳурлар хизмат қилиб турганмиш. Онаси Исо (а.с.)га қарата: «Эй Исо, мани оғиз очмади теб қазғурмағил. Мавло Таоло менга рўзи берди, оғиз очтим»<sup>1</sup>, – дейди. Мазкур туш ҳам аниқ, тушунарли лавҳалардан иборат. Унда художўй Марямнинг Аллоҳнинг ризолиги учун қилган ибодатининг амри сифатида руҳи жаннатда ором топгани келтирилади. Инсоннинг ақл мантиғига бўйсунмайдиган онг ости ҳолатида пайдо бўладиган туш вақтида Исо (а.с.) ва Марямнинг руҳлари учрашиб, туш таъбир талаб этмайдиган даражада аниқлик касб этади.

Қуйидаги туш лавҳасини ҳам шарҳлаш талаб этилмайди. Шайх Шиблий<sup>2</sup> оламдан ўтгач, ўз давридаги баъзи инсонларнинг тушларига киради. Улар Шайх Шиблийдан ҳол сўрашганда Шайх Шиблий шундай жавоб берибдилар: «Қачон мани дафн қилдилар эрса Мункар-Накир алайҳимас-салом келдилар, «Тенгринг ким?» теб сўрдилар. Жавоб айдим «Менинг Тенгрим ул турур: отамиз Одамни ужмоҳ ичра нурдин тахт уза оғдириб, кўк фаришталарин отамизнинг ўнгинда сажда қилдурди. Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил бирга эрди. Сизма сажда қилдингиз, ман қамуф қариндошим бирла сизларга наззора қилиб турур эрдим». Улар бири-биринга боқиб айдилар: «Бу қамуғнунг сўзун сўзлаюр, ёлғиз ўз сўзин сўзламас, кеталинг, тедилар». Шайх Шиблий тилидан айтилган мазкур туш лавҳаси тавҳид ҳақидаги тушунчаларни ойдинлаштириш мақсадида келтирилган, яъни «Раббинг ким?» деган саволга тўғридан-тўғри «Раббим Аллоҳ» деган

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 84.

<sup>2</sup> Шайх Шиблий – қуфалик шайх Абу Бақр Муҳаммад Жаъфар ибн Юнус (861–945)нинг тахаллуси. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 271.

жавоб мавҳум бўлиб қолиши эҳтимоли борлиги учун Шиблий Аллоҳнинг қандай зот эканлигини бир неча далиллар билан таниш лозимлигидан таълим беради. Унинг Мункар ва Накир саволига керагидан ортиқ донолик билан жавоб бериши уни тушида кўрган ровий томонидан ҳикоя қилинган.

Асарнинг Самарқанд тошбосма нусхасида Юсуф (а.с.) ҳақида берилган туш тасвирида ҳам шунга ўхшаш лавҳа мавжуд. Уни котиб матнни кўчириш жараёнида қисса мазмуни ва кўламини кенгайтириб, бойитиш мақсадида келтирган ёки у кўчирган нусхада шундай берилган. «... етти ёшида Зулайхо туш кўрди. Тушида Юсуф (а.с.)ни ҳусни жамол, сарпо, тож била бу қисмда кўруб, жони дил бирла ошиқи шайдо бўлиб, андоғ бўлдики, чидолмай эгнини йиртиб, баданини тишлаб олур эрди»<sup>1</sup>. Эртақ ва дostonларда кўпинча қаҳрамонлар бўлажак ёрини тушида кўриб танийди. Гўзалликда танҳо парирўй қиз манзил-маконини айтиб, кўздан ғойиб бўлади, паҳлавон йигит эса шу онда уйқудан уйғониб, севгилисини излашга киришади. Юсуф (а.с.) қиссасида эса бу анъанавий мотив ўзгача талқин қилинган, яъни маъшуқага хос гўзал сифатлар, манзилни айтиш ҳолати Юсуф (а.с.) образига кўчирилган. «IX асрдан бошлаб туркий адабиётда Юсуф ва Зулайхо севгисини куйловчи 50 га яқин асар намуналари яратилган»<sup>2</sup> бўлиб, улар бадииятида туш мотиви алоҳида аҳамиятга эга. Туш воқеаси Зулайхо тақдирида туб бурилиш ясади. Юсуф (а.с.)ни тушида кўрган Зулайхо гарчи етти ёшда бўлса-да, оромини йўқотиб, севгилисининг хаёли билан яшай бошлади. Унинг кўйида оташ бўлиб ёниб, чидолмай ўзини-ўзи азоблади. Асли Яман шоҳи («Абдурахмон Жомий талқинида Мағриб подшоҳи Таймус»<sup>3</sup>)нинг ёлғиз қизи, гўзаллиги, доно, камтарин ва хаёлилиги билан ўз мамлакатига манзур бўлмиш Зулайхонинг бундай бедаво дардга чалиниши нафақат ота-онаси, балки бутун халқни ташвишга солади. Орадан бир йил ўтиб, Зулайхо яна Юсуф (а.с.)ни тушида кўради ва шунда: «Сўрдиким: сизни

---

<sup>1</sup> Қисас ул-анбиё. Самарқанд тошбосмаси. – Самарқанд: 1904. – Б. 205.

<sup>2</sup> Шодмонов Н. «Илоҳийнома»да Юсуф образи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2018. – 1-сон. – Б. 128.

<sup>3</sup> Жомий А. Юсуф ва Зулайхо. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК, 1983. – Б. 16.

изласам қайдан топарман? Юсуф (а.с.): «Мисрда Азизи Миср уйида топарсан» дедилар, ғойиб бўлдилар. Зулайхо уйғониб боқса туши экан»<sup>1</sup>. Бунда анъанавий туш тасвиридан фарқли ўлароқ, туш лавҳасидан икки ҳолатда фойдаланилган. Биринчи туш тасвирида қўйилган муаммо, ноаниқ тасвир иккинчи туш лавҳасида аниқлашади, яъни Зулайхо Юсуфни қаердан топиш мумкинлигини иккинчи марта кўрган тушидан билиб олади ва бор дардини онасига айтади. Ота-онаси ўзаро маслаҳатлашиб, Миср Азизига совчи юбориб, ундан қизини хотинликка олишни сўрайди. Миср Азизи Зулайхони жони дил билан қабул қилади. Узоқ юртдан тўй-томоша қилиб олиб келинган Зулайхо куёв Юсуф (а.с.) эмаслигини билгач, дардини ичига ютиб, сабр билан яшайди. Ниҳоят, узоқ изтиробли йиллардан сўнг Зулайхо Юсуфни қул бозорда худди тушидаги ҳолатда, қиёфада кўрди. Кўрди-ю, эски дарди янгиланиб, қалбдаги муҳаббати қайтадан аланга олди. «Тақдири азалининг амалга ошуви бевосита инсон хатти-ҳаракати ва интилишларига боғлиқлиги ҳақидаги ушбу қарашлар халқимизнинг туш ҳодисаси билан боғлиқ сакрал тасаввурларнинг мукамал тизимга эга эканлигини яна бир бор исбот этади»<sup>2</sup>.

Умуман олганда, таъриф ва тавсиф талаб қилмайдиган тушларга хос жиҳат акс этган юқоридаги туш лавҳалари аниқлик асосида қурилиб, уни таъбирлашда маълум рамз ва белгиларга таянилмайди. Уларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш талаб этилади.

**2. Маълум рамз ва маъноларга эга бўлган башорат тушлар** қиссадаги тушларнинг асосий қисмини ташкил этади. «Ёзма адабиёт дурдоналарида туш воситасида кўпроқ юз бериши кутилган бўлиб, ижтимоий турмуш воқеликлари ҳақида башорат ифода этилади. Асар сюжети тушда баён этилган воқеликка мувофиқ ривожлантирилади. Тушдаги рамзнинг моҳияти асардаги воқеалар ривожини давомида аста-секин очиқ борилади»<sup>3</sup>. Бу

---

<sup>1</sup> «Қисас ул-анбиё». Самарқанд тошбосмаси. – Самарқанд: 1904. – Б. 205.

<sup>2</sup> Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – 4-сон. – Б. 8.

<sup>3</sup> Истамова Ш. Бадий асарда туш рамзлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – 4-сон. – Б. 67.

борада Юсуф (а.с.) қиссаси диққатга моликдир. Туш қисса сюжетининг асосий негизи бўлиб, воқеалар ривожини таъминлашда, Юсуф (а.с.)нинг пайғамбар сифатидаги феъл-атвори, табиати ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришда ўзгача бадий қимматга эга. Адибнинг ўзи буни шундай изоҳлайди: «... Бу қиссанинг аввали туш, ўртаси туш, охири туш эрди. Анинг учун «Аҳсан ул-қасас» теди»<sup>1</sup>. Ҳақиқатда ҳам, мазкур қиссада жами ўн битта туш тасвири берилган бўлиб, улар қолипловчи ва қолипланувчилик хусусиятга эга. Бу тушларнинг ҳар бири ўзича ҳикоя ичидаги мустақил ҳикоядир. Шу жиҳатдан, «туш ва унинг таъбири ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам доимо диалектик birlikдир»<sup>2</sup>. Шу сабаб ҳам улар асар таркибида алоҳида бадий қимматга эга ва унинг тузилишида бир бутунликни таъминлаган узв ҳисобланганлиги учун иккига бўлиб ўрганиш лозим топилди:

**а) Хушxabардан дарак берувчи башорат тушлар.** Носируддин Рабғузий қиссада «туш – инсон тақдири ва келажаги тўғрисида сирли хабар ва ишоралар эканлигини, уларни ўзгартириш ҳеч кимнинг қўлидан келмаслигини»<sup>3</sup> ўзига хос равишда бадий акс эттирган. Масалан, Юсуф (а.с.)га пайғамбарлик мақоми берилишидан аввал у туш кўради ва келажакда қандай даражага эришиши тушида аён бўлади: «Етти ёшида эрса бир тунда туш кўрди: иничилари бирла таёғларин ёзида тикдилар, қамуғлари кўкарди, аммо узамади. Юсуф таёғи чечакланди, илк қат кўкка теги узади. Тақи азин таёқлар узагулига қилди. Баъзилар аймишлар, иничиларининг таёқлари Юсуф таёқинга сажда қилдилар»<sup>4</sup>. Мазкур туш тасвирини муаллиф асосий воқеаларнинг бошланишида муқаддима сифатида келтиради ва у бутун қиссанинг маъно-мазмунини ўзида мужассамлаштирган. Акаларининг Юсуфдан қутулиши учун сабаб бўлган туш лавҳасини «Юсуф ва унинг акалари ўртасидаги можаронинг бир оила, халқники эмас, аксинча ҳикояни

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 100.

<sup>2</sup> Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филол. фанлари докт... дис.автореф. – Тошкент: 2010. – Б. 16.

<sup>3</sup> Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 4-сон (38). – Б. 8.

<sup>4</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 102.

бутун инсоният тақдирига тегишли сатҳга олиб чиқиб тасвирлаган»<sup>1</sup>. Муаллиф қўшимча сифатида яна бир тушни келтиради: «Иккинчи кеча яна туш кўрди ўн бир юлдуз, кун ой бирла иниб, Юсуфга сажда қилурлар»<sup>2</sup>. «Қуръони карим»нинг Алоуддин Мансур амалга оширган изоҳли таржимасига кўра Юсуф (а.с.) бу тушни кўрганда ўн икки ёшда эди. Тушдаги куёш билан ой унинг ота-онаси, ўн бир юлдуз эса оға-инилари эди<sup>3</sup>.

Исломшунос олим Осман Нури Топбаш Юсуф сурасини таҳлил қиларкан, юлдузлар – акалари, куёш – Яъқуб (а.с.), ой – унинг холаси Лая (Чунки унинг онаси ёшлигидаёқ ўлиб кетган) бўлган. Оят таҳлилига кўра биринчи сажда қилган юлдузлар, кейин куёш, кейин ой эканлигини айтади<sup>4</sup>. Бу эса узок йиллик айрилиқдан сўнг аввал акалари билан, кейин отаси, сўнг холаси билан учрашганлигини англатади. Биринчи туш лавҳасига қўшимча тарзда берилган иккинчи туш тасвирида ҳам Юсуф (а.с.)га пайғамбарлик мақоми берилиши тўғрисида башорат қилинган. «Башорат тушлар ўта сезувчан кечинмалар ҳосиласи бўлиб, буни одам бирдан англаб олиши қийин бўлади, ақл бу сезувчан ҳисларни ўз мантиғига суяниб қабул қилолмайди. Уйқу пайтида эса бу кечинмалар туш сифатида келажакни ўзида намоён қилади, яъни у объект ҳақидаги таассуротларни тезлик билан ишлаб чиқиб, ўзидаги маълум ахборот билан қиёслаб, оқибатнинг қандай бўлиши тўғрисида хулоса беради. Ва қўпинча биз бу тушларни «каромат» ёки «башорат» тушлар деб атаймиз»<sup>5</sup>. Бундай характердаги тушлар асосан воқеа аввалида келиб, сюжетнинг асосий бўғинлари: тугун, кульминация, ечимлар ушбу мотив билан чамбарчас боғланган ҳолда воқеа бўлади ва «бошқа мотивларни ҳам ўзи билан бирга етаклаб келади»<sup>6</sup>. Ҳақиқатда ҳам, баъзи тушлар келажакда содир бўлувчи воқеа-ҳодисалар ҳақида (у қандай

---

<sup>1</sup> Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 73.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 102.

<sup>3</sup> <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzbek.ey>

<sup>4</sup> Осман Нури Топбаш. История пророков. – М.: Сад, 2006. 2-т. – С. 40.

<sup>5</sup> Эшонкулов Ж. Туш ва талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 2-сон. – Б. 41.

<sup>6</sup> Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ дostonларида туш мотивининг ўрни ва тавсифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – 6-сон. – Б. 21.

натижаларга олиб келишидан қатъи назар) маълум бир белги, ишора, рамзлар орқали хабар беради. Кун давомида ақл мантиғига суяниб фаолият юритган инсон тунда жисмоний ва ақлий ҳаракатдан вақтинча тўхтаган бир пайтда онг ости кечинмалари ишга тушиб, яқин ва узоқ келажакда содир бўлажак ходисаларни турли рамз ва белгиларда инсон ақлига етказиб беради. Агар тушдаги ана шу ишораларни тушуниб, оқилона тадбир қилинган бўлса, у ҳолда туш кўрувчи кўплаб фойдали амалларни бажаради. Айнан шунинг учун ҳам кўпчилик адибларнинг асарларида туш мотиви воқеалар тақдирини белгиловчи ифода сифатида муҳим ўрин тутди

Рамз ва белгига асосланган туш Хадича (р.а)нинг туш тасвирида ҳам кўринади. Унинг тушида «ой кўкдин иниб, Хадичанинг кўйнига кирди. Кўйнундин нур камуғ қавмға тақи ер юзига ёйилди»<sup>1</sup>. Хадичанинг кўйнига кирган ой Баҳиро тилидан таъбирланиб ой – охирзамон пайғамбари Муҳаммад (с.а.в) бўлиб, Хадича онага уйланишлари, шундан сўнг у кишига пайғамбар бўлишлари ҳақида ваҳий келишини хабар қилади. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир тушга индивидуал ёндашиш, кишининг мизожи, ҳолати, туш кўрилган вақтига қараб таъбирлаш таъбирчи учун муҳимдир. Чунки тўғри таъбирланган тушгина инсонга фойда келтириши мумкин. Маълум маънога эга рамз икки кишининг тушида турлича мазмун касб этиши мумкин. Масалан, Юсуф (а.с.) тушидаги ой ва қуёш унинг ота-онаси деб таъбирланса, Хадичанинг тушида кўрган ой охирзамон пайғамбари дея таъбирланади. Бу эса ҳар бир тушга жиддий ёндашув лозимлигини, ҳар қандай тушни таъбирлашда кишини ўраб турувчи атроф-табиат, инсоннинг руҳий ҳолати, насл-насаби, келиб чиқиши эътиборга олиниши зарурлигини кўрсатади.

#### **б) Жиддий синовлардан бохабар этувчи огоҳлантирувчи тушлар.**

Асарда келтирилган тушларнинг асосий қисми рамз ва белгиларга асосланган. Уларда қаҳрамонларни келажакда кутаётган турли синовлар,

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 109.

кийинчиликлар, балолардан огоҳлантирувчи тушлар ҳам берилади. Инсон ақл мантиғи чегарасидан ташқарида онг ости ҳисларига эрк берган ва келажакдаги баъзи ҳодисалар ҳақида маълум рамзлар воситасида инсонга билдирилган бу тушлар қисса бадииятида муҳим аҳамиятга эга. Тушларда инсонни келажакда нималар кутаётганлиги огоҳлантирилса-да (улар қандай моҳиятга эга бўлмасин), оқилона тадбир кўрилмаса, у, албатта, амалга ошади. Асарда қаҳрамонлар ана шу типдаги тушларга эътибор қаратиб, уларни тўғри ёки нотўғри таъбир қилиш натижасида баъзи мураккаб вазиятлардан чиқиши ёки аксинча умри завол топиши каби лавҳалар кузатилади. Масалан, Юсуф (а.с.) зиндонда ётган чоғларида Миср малики туш кўради. Тушида «... тенгиздин етти сиғир чиқар туслари сариғ, юзлари оқ, эмуқларидин сут оқар, камуғи кўрклуб, семиз. Яна етти сиғир кўрдум – орук, орқаларинда туғ ўлтурмиш, оруклиғдин сўнгаклари кўринур...эмуқларинда сут йўқ... Бу етти орук сиғир ул етти семиз сиғирга ҳамла қилурлар. Улар қочар, орук сиғирлар етар, семиз сиғирларни еюрлар.... етти бош буғдой кўрдум тенгиздин унар, бўйлари тенг. Ул орук сиғирлар ани егали борурлар, алар емас эркан, етти бош қуруғ буғдой чиқар, текма бир қуруғ буғдой ёш буғдойга чулғашиб, уларни қурутурлар. Ани тонглаб турурда бир ел кўбар. Ул етти бош қуруғ буғдойларни, ул етти сиғирни йўқ қилур»<sup>1</sup>. Моҳиятан мураккаб, рамз ва тимсолларга ўта бой, бирданига бир нечта ҳолат ҳақида хабар берувчи бу тушни таъбирлашда замонасининг буюк муаббирлари ҳам ожиз қолишди. Фақатгина Юсуф (а.с.)нинг шарофати билан туш тўғри таъбирланади. Пайғамбарнинг таъбирича, «семиз сигирлар ва етти бош ёш буғдой кенглик, арзончилик, фаровонлик рамзи. Етти ориқ сигир ва етти бош қуруқ буғдой торлик, очлик рамзи. Арзончилик ва очарчиликнинг ҳар бири етти йил давом этади. Барча халойиқ очарчилик даврида ҳалок бўлади». Тушларни билиш, ундаги маъно нозикликларини англаш хусусияти пайғамбарга Аллоҳ Таоло томонидан ато қилинган қобилият бўлиб, ана шу иқтидори туфайли

---

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 136.

озодликка чиқади. Миср азизлари эътиборига тушиб, элнинг раҳнамосига айланади. «Зиндон – элу алпга синов»<sup>1</sup> дея тўғри таъкидлаган филология фанлари доктори Ш.Турдимовнинг ушбу хикмати Юсуф (а.с.) аҳволи руҳиясининг ифодасидир. Чунки айнан зиндондалигида унга тушларни тўғри таъбир қилиш қобилияти берилади. Хуллас, маълум рамз ва белгилар асосида инсонга турли огоҳлантириш берилган мазкур тушлар қисса бадииятида муҳим ўрин тутди. Бу типдаги тушларни кўриш барча инсонларга хос бўлиб, унга қадимдан жиддий эътибор қаратилган. Агар кўрилган тушда бирор хавфдан огоҳлантирилса, унинг олдини олиш мақсадида турли иримлар, чора-тадбирлар амалга оширилган. Бу эса қадимдан ҳозирги кунга қадар туш инсонларнинг инонч-эътиқодларидан жой олиб, унга айрича муносабат билдирилганлигидан далолат беради. Юсуф (а.с.) қиссасидаги туш мотиви ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

### **3. Баҳсталаб ҳолатларга ойдинлик киритувчи тушлар**

Бу типдаги тушлар қиссада камчиликни ташкил қилади. Юсуф (а.с.) қиссасида шундай маълумот берилади. Мадина шаҳрида Сулаймон ибн Ясар номли ўта гўзал йигит бўлган. Мадиналик аёллар уни кўришлари биланок севиб қолишар ва эрларидан норози бўлишар экан. Бу ҳолатдан Сулаймон ибн Ясар иложсиз қолиб, бошим балога қолмасин, дея Шом юртига кўчиб кетади. Кунларнинг бирида шу шахс Юсуфнинг (а.с.) тушларига кириб, «сенмусанким тишига (аёлга) яқинлашдинг. Юсуф (а.с.) сенмусанким тишиларга яқинлашмадинг ва алардан қочдинг?»<sup>2</sup> деб сўрайди. Туш тасвиридан кўриниб турибдики, Мадина шаҳрида ҳам Юсуф (а.с.) каби Сулаймон ибн Ясар номли гўзал йигит бўлган. У ҳам Юсуф (а.с.)дек аёлларнинг тинимсиз хушомоди-ю, таъқибидан чарчаган. Бироқ у пайғамбардан фарқли ўлароқ аёллардан ўзини олиб қочиш учун бошқа мамлакатга кўчиб кетган. Туш мазмунидан маълум бўлишича, Зулайхо унга

---

<sup>1</sup> Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 54.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 124.

майл билдирганда Юсуф (а.с.)нинг ҳам рағбати бўлган. Бироқ Аллоҳ Таоло сеvimли бандасини оғир гуноҳдан қайтарган, унинг хато иш бажараётганини билдирган. Мазкур туш лавҳаси қисса бадииятида муҳим ўрин тутмаса-да, маълум бир жумбоқли масалага ойдинлик киритишга хизмат қилган, яъни Юсуф (а.с.)нинг Зулайхога нисбатан туйғулари ҳақида хабар беради.

Асардаги тушлар юқорида берилган таснифга кўра қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топди:

Таъбир ва тафсирга муҳтож бўлмайдиган аниқ ва равшан тушлар;	Маълум рамз ва маъноларга эга бўлган башорат тушлар;		Асардаги баҳсталаб ҳолатларга ойдинлик киритувчи тушлар
	хушхабардан дарак берувчи башорат тушлар	жиддий синовлардан бохабар эгувчи огоҳлантирувчи тушлар	
Иброҳим (а.с.)нинг ўғли Исмоилни забиҳ қилиши ҳақидаги 3 та туш	Юсуф (а.с.)нинг тушида ўн бир юлдуз, кўёш, ойнинг сажда қилиши	Яъқуб (а.с.)нинг тушида Юсуф (а.с.)га ўнта бўрининг ҳамла қилиши лавҳаси	Мадина шаҳрида яшаган Сулаймон ибн Ясарнинг Юсуф (а.с.) тушига кириши
Исо (а.с.)нинг онаси Марям вафотидан сўнг уни тушида кўрганлиги ҳақидаги	Юсуф (а.с.)нинг тушида акалари эккан чўплар ўсиб Юсуф (а.с.)га эгилиши	Зиндонда Юсуф (а.с.) билан бирга ётган аёқчи (майчи)нинг туши	
Шайх Шиблийнинг Мункар Накир билан савол-жавоблари ҳақидаги.	Зиндонда Юсуф (а.с.)	Раён маликнинг етти йил очарчилик келишидан	

		билан бирга ётган ошпазнинг туши	хабар берувчи туш	
	Зулайхонинг 7 ёшда Юсуф (а.с.)ни тушида кўриши	Юсуф (а.с.)нинг Миср элига шоҳ бўлиши ҳақидаги туш	Одам (а.с.) тушида Яъжуж, Маъжужларни кўриши ҳақидаги	
		Яъқуб (а.с.)нинг ўғли Юсуф (а.с.)нинг тириклиги ҳақида хабар берувчи туш	Намруднинг тахтини кўчқор сузиб йикитиши ҳақидаги	
		Хадичанинг тушида ойнинг қўйнига кириши ҳақидаги		

Демак, Рабғузий ижодида етакчи ўринда турадиган туш мотиви маъно-мазмунига кўра турлича бўлиб, қаҳрамонларни бирор хавфдан огоҳлантирувчи ёки хушхабардан белги берувчи каби турларга бўлинади. Рабғузий қиссада келтирган туш лавҳалари диний мазмун касб этиб, уларнинг барчаси қисса бадииятида маълум бир вазифаларни бажаради. Бу

тушлар ҳар бир қиссанинг ўқишли, адабий-эстетик жиҳатдан таъсирчан, бадиияти юксак бўлишини таъминлайди.

Умуман олганда, «Қисаси Рабғузий»даги образ ва мотивлар қисса бадииятини оширишда, асарнинг оммабоплигини таъминлашда асос вазифасини ўтаганлигини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1. Адиб қиссада келтирилган пари образининг генезисини аниқлашда «Қуръони карим»даги «Жин» ва «Раҳмон» сурасига таянади, шунингдек, халқ орасидаги қарашларни ҳам назаридан четда қолдирмагани ҳолда баъзан унинг ташқи қиёфасини ўрдакка ўхшатса, айрим ҳолларда демологик образнинг сув билан алоқадорлигини ҳам истифода этади.

2. Қаҳрамонларга хос хусусиятларни, ижобий ёки салбий образларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда кампир образининг ўрни муҳим. Муаллиф бу образга турли муносабат билан мурожаат қилиб, Зулайҳонинг энага кампири, Авж ибн Унуқ ҳикоятида кампир образи мисолида ялмоғизнинг жодугардан кейинги даврий қиёфаси бўлган мастон кампирни эслатса, Ҳизр ва Илёс (а.с.), Исо (а.с.) қиссаларида замонамиз қаҳрамонлари бўлган оқила аёллар гавдаланади.

3. Асарда берилган туш мотивлари таҳлили пайғамбарларнинг илоҳий хабарларни қабул қилиш ва халққа етказишда муҳим алоқа воситаси ҳисобланади. Қаҳрамонларнинг кейинги тақдири ҳақидаги турли башоратлардан иборат бўлган тушларни таҳлил этишда Иброҳим (а.с.), Исо (а.с.), Юсуф (а.с.), Миср подшоси ва хизматкорларининг тушлари мисолида тадқиқ этилди ва «туш – инсоннинг онг ости тафаккури инъкоси» эканлигини исботланди.

## ХУЛОСА

Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асари XIV асрда яратилган нодир адабий ёдгорлик сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф қозилик фаолияти давомида диний манбаларни кўп ўқиган, тарихий воқеаларни чуқур тадқиқ қилган. Рабғузий Шарқ халқлари оғзаки бадиий ижоди анъаналаридан бевосита ва билвосита фойдаланиб, юксак ижодий маҳорати туфайли ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб, бадиий насрнинг гўзал намунасини яратди.

«Қисаси Рабғузий»ни ўрганиш ва уни илмий таҳлил қилиш бўйича бирмунча тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, асарнинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ жиҳатлари махсус ўрганилмаган эди. Диссертацияда ана шу муаммо монографик кўринишда тадқиқ этилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асари пайғамбарлар фаолияти ҳақидаги қиссалардан ташкил топган диний-адабий асардир. Унда дунёнинг яралиши, биринчи инсон Одам Атодан охириги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)гача бўлган пайғамбарлар фаолиятига оид турли ҳикоятлар ва ривоятлар келтирилиб, қиссалар туркуми сифатида ягона тизимга бирлаштирилади. Шу сабабли қиссадаги воқеаларнинг кўпчилиги «Қуръони карим», «Ҳадис» каби диний манбалар, баъзи бир тарихчиларнинг асарларидан ва исломий адабиётлардан олинган маълумотлар, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) даврларида ва ундан кейинги асрда яшаган саҳобалардан ёзиб олинган ривоят ва воқеий ҳикоялар, шунингдек, турли диний ҳикоят ва ривоятлар асосига қурилган.

2. Мазкур тадқиқотда «Қисаси Рабғузий»нинг фольклор билан боғлиқ жиҳатлари текширилар экан, манба сифатида ёдгорликнинг 1990–1991 йилларда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган Тошкент нашри ҳамда 1904 йилда Самарқандда чоп этилган тошбосма нусхалари бир-бири билан қиёсий

тадқиқ этилди. Текширув жараёнида қиссанинг (нусхаларнинг асосий қисми) турли даврда ҳар хил котиблар томонидан кўчирилганлиги сабабли асар сюжетида жиддий ўзгаришлар, жумладан, қисса тилининг кўчирилган даврга мослаштирилиб борилиши, Рабғузий қаламига мансуб аксарият шеърий парчаларнинг ўзгартирилиши, ёхуд матнга янги шеърий парчаларнинг киритилиши ҳолатлари аниқланди. Бунинг оқибатида «Қисаси Рабғузий»нинг композицияси, сюжети, тили ва адибнинг ўзига хос бадиий услубида жиддий тафовутлар юзага келган. Тошкент нашри эса юқоридаги нуқсонлардан холи бўлиб, адиб яшаган давр адабий тилига хос хусусиятларни сақлаганлиги, услуб ва сюжети эса Рабғузий қаламига яқинлиги билан анча қадимий эканлиги кўрсатилди.

3. «Қисаси Рабғузий»нинг адабий қиммати ва бадиий нафосатини кучайтирувчи, муаллифнинг мақсадини ёрқин ифодалаш ва тасдиқлашга хизмат қилувчи мақол, ҳикматли сўз ҳамда иборалар ҳам тадқиқ этилди. Шу билан бирга, мазкур жанрлар Самарқанд тошбосма нусхаси билан қиёсланганда қиссадаги кўпчилик паремалар кейинги даврда кўчирилган нусхаларда акс этмаганлиги, аксинча, улар ўз даврининг мақол ва афоризмлари билан бойитилгани аниқланди. Бу ҳолат қиссанинг бадиий қимматига путур етказса-да, XIV ва XIX асрларда халқ истеъмолида мавжуд бўлган паремаларнинг ишлатилиш даражаси ва мавзу кўламини белгилаш имконини беради. Ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ҳамда ахлоқий камолотида паремаларнинг ўрни муҳим бўлгани сабабли улардан намуналар жамланди ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги эквивалентлари билан қиёслаш асосида ўрганилиб, уларнинг бадиий эволюциясига доир хусусиятлар аниқланди.

4. Наботот оламига мансуб буғдой, жийда, анжир каби фитоморфик образлар дунё халқлари оғзаки ижоди намуналари, ўзбек фольклоридаги халқ қарашлари, «Библия», «Қуръони карим» каби манбалар билан қиёсий ўрганилди. Натижада Рабғузийнинг нафақат исломий манбалардан яхши

биладиган донишманд, балки дунё халқлари фольклори намуналари ва насроний дини таълимотидан ҳам хабардор бўлганлиги маълум бўлди. Адиб ўзида мавжуд барча маълумотларни саралай олганлиги ва уларни бир мақсадда, яъни Аллоҳнинг ягоналигини таъкидлаш ва тарғиб қилиш учун келтирганлиги кўрсатилди. Асар композицион қурилишига сингиб кетган бу лавҳалар, муаллиф ижодий ниятининг тугал бадиий ифодаланишига, воқеа ва ходисалар талқинининг таъсирчан чиқишига хизмат қилган.

5. «Қисаси Рабғузий» асаридаги ҳикояларнинг айримларини қадимги одамларнинг олам ҳақидаги илк қарашлари маҳсули бўлган мифлар ташкил этади. Шу сабабли ишда ҳайвонот оламига мансуб бўлган қарға, хўроз, қалдирғоч ва кабутар ҳақидаги мифологик сюжетлар таҳлил қилинди. Бунда, энг аввало, дунё халқлари мифологияси ва ўзбек фольклоридаги халқ қарашлари билан Рабғузий келтирган лавҳалар қиёсланди. Таҳлиллар натижасида муаллиф мазкур қиссада ҳайвонот оламининг айрим турлари ҳақидаги этиологик характердаги мифологик ҳикояларни келтириш билан пайғамбарларнинг қайсидир жиҳатларини ёритганлиги ва айнан шу жиҳат қиссанинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилганлиги мисоллар билан далилланди.

6. Тадқиқотда халқ оғзаки ижодида кўп учрайдиган ва фольклор асарларида турли хил бадиий функцияни бажарувчи пари ва кампир образлари Авж ибн Унуқ, Солиҳ (а.с.), Юсуф (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Мусо (а.с.), Илёс (а.с.), Закарё (а.с.) қиссалари мисолида тадқиқ этилди. Бу мураккаб образларга турли муносабат билан мурожаат қилган муаллиф қисса таркибидаги ҳикояларнинг баъзиларида диний мазмунни ифодалаш учун бу персонажларга мурожаат этса, айримларида улар соф бадиий образ сифатида намоён бўлиши аниқланди. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу образлардан адиб ўз ижодий ниятини ёрқинроқ ифодалашда, бош қаҳрамоннинг шахсий, маънавий-маърифий қиёфаси, унга хос хусусиятлар ҳамда фазилатларни тўлақонли акс эттириш мақсадида фойдаланганлиги

маълум бўлди.

7. Исломий манбалар ва бадий адабиётда фаол учрайдиган туш мотиви ҳам асарда турли хил бадий функцияларни бажарган. Шу сабабли қиссада келтирилган тушларнинг ўрни қай даражада эканлигини ўрганиш муҳим, деб топилди. Туш мотиви қиссада образларнинг фаолияти ва тақдири ҳақида башорат қилувчи мураккаб руҳий ҳолат бўлиб, асосан, етакчи қаҳрамоннинг мақсадига етишувида асосий узв вазифасини бажарганлиги ойдинлаштирилди. Қиссаларда туш мотиви пайғамбарлар ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни баён қилишда ўзига хос восита ролини ўтаганлиги Юсуф (а.с.) қиссаси мисолида ёритилиб, бу мотив адиб мақсадини аниқлаштиришда асосий ўрин тутиши исботланди. Бу эса муаллифнинг Шарқ халқлари фольклори ва адабиётида кенг тарқалган туш билан боғлиқ эпик талқинларга айрича ишонч ва ҳурмат ила ёндашганини кўрсатади.

8. Муаллиф асарда афсонавий, диний ва тарихий лавҳалар асос қилиб олинган ҳикоятларни ҳаётий ҳақиқат билан туташтиради ҳамда афсона билан реал воқеликни бир бутун бадий ҳақиқатга айлантиришга муваффақ бўлади. Бу асар адабий-маърифий манба сифатида китобхонга эстетик завқ бериб, унинг дунёқарашини кенгайтиради, эзгуликка бўлган муҳаббатини оширади. Ёдгорлик, бир томондан, муаллифнинг қозилик фаолиятида пайғамбарлар ҳаёти ҳамда халқ оғзаки бадий ижоди намуналарига ўта қизиққанлигини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг забардаст истеъдод соҳиби ва моҳир адиб сифатида намоён қилади.

9. Асарнинг тили содда, равон, ихчам ва халқчил бўлгани сабаб аҳолининг барча табақаси учун тушунарли бўлган. Ҳаттоки, ҳозирги кунда ҳам бу адабий ёдгорлик китобхонлар қўлидан тушгани йўқ. Шу ўринда айтиш лозимки, Рабғузий ижодига қизиқиш кучли бўлса-да, унинг ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳали етарлича изланишлар олиб борилмаган. «Қисаси Рабғузий»даги лирик шеърларнинг қиссадаги ўрни, жанрий таснифи, муаллифнинг бадий санъатларни қўллашдаги маҳорати каби масалаларни

алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганиш, галдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Асарнинг поэтик тили ва услуби муаммоси ҳам махсус тадқиқот объекти бўла олиши мумкин. Бизнинг ушбу тадқиқотимиз «Қисаси Рабғузӣй» ва халқ оғзаки ижоди муаммосининг айрим жиҳатларинигина чуқурроқ ёритиши баробарида келгусида бу асарнинг танқидий матнини яратиш зарурлигини ҳам кун тартибига қўяди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### МАНБАЛАР

1. - *قصص الانبياء* Самарқанд тошбосмаси. 1904. – 528 б.

### АДАБИЁТЛАР

2. Каримов И.А. Буюк мақсад сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 67 б.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 40 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон адиб зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 4 август.
8. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
9. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.
10. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 207 б.
11. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 192 б.

12. Абдурахмонов А. Туркий адабиётнинг қадимги даври. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 376 б.
13. Абдуғаффор Шоший. Қуръон қиссалари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 256 б.
14. Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси. – Тошкент: Академия, 2008. – 192 б.
15. Абдушукуров Б. Эски туркий адабий тил лексикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – 192 б.
16. Авесто. А. Маҳкам тарж. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 383.
17. Айсу Ата. Насируддин бин Бурҳануддин Рабғузий. Кисасул анбиё. – Анқара, 1997. – 656 б.
18. «Алпомиш» достони. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зариф, Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 399 б.
19. Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. Т.1. – М.: 1990. – 538 с.
20. Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. – М., 1996. – 352 с.
21. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I. – М.-Л., Издательство Академии наук СССР, 1950. – 382 с.
22. Боболардан қолган нақллар (тўпловчи: Раҳматилла Юсуф ўғли, сўзбоши ва илмий изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, У.Сатторов). – Тошкент: Фан, 1998. – 128 б.
23. Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Наука, 1990. – 246 с.
24. Жабборов Н. Маърифат надир. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 111 б.
25. Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – 182 б.

26. Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. – 154 б.
27. Жомий Абдурахмон. Юсуф ва Зулайхо. – Тошкент: Ўзбекистон КПМК, 1983. – 111 б.
28. Жўраев М. Фолклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – 189 б.
29. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. –Тошкент: Ўзбек миллий кутубхонаси, 2006. – 183 б.
30. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – 137 б.
31. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 103 б.
32. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – 96 б.
33. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. – 250 б.
34. Маллаев Н. М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 383 б.
35. Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 748 б.
36. Машарипова З. Ўзбек ёзма адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2008. – 123 б.
37. Машарипова З. Ўзбек адабиётида фольклор анъаналари. –Тошкент: ТДПУ, 2008. – 152 б.
38. Медриш Д. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики. – Саратов: Издательство Саратовского университета, 1980. – 175 с.
39. Мелетинский Е.М. Поэтика Мифа. – М.: Наука, 1976. – 408 с.
40. Мирзаев Т ва бошқ. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1989. – 512 б.
41. Мифология древнего мира. – СПб.: Азбука-классика, 2005. – 542 с.

42. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 63 б.
43. Муродов М., Шайхова М. Асотирлар ва ривоятлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 127 б.
44. Муҳаммад Али Техроний. Фарҳанги котузиён. – Техрон: Техрон, хижрий 1311. – 824 б.
45. Муҳаммад ибн Сирин. Тушлар таъбирномаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 576 б.
46. Наржигитов О., Товбоева Ф. Баркамол авлодни тарбиялашда ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўрни. – Тошкент: «Баркамол авлод» Республика болалар бадиий ижодиёт маркази, 2014. – 231 б.
47. Осман Нури Топбаш. История пророков. 2-т. – М.: Сад, 2006. – 267с.
48. Остроумов Н. Труды студентовъ. Вып.IV. – Казан: Университетская типография, 1874. – 286 с.
49. Поэзия и проза Древнего Востока. – М.: Художественная литература, 1973. – 735 с.
50. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – 325с.
51. Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 360 б.
52. Рак И. Мифы древнего Ирана. – Екатеринбург: У-Фактория, 2006. – 400 с.
53. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 406 с.
54. Раҳмонов Н, Болтабоев Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 2003. – 332 б.
55. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – 555 б.

56. Рафиев А. Иборалар нутқимиз кўрки. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 21 б.
57. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – 152 б.
58. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Муסיқа, 2001. – 367 б.
59. Сафарова Ҳ. Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли. – Тошкент: Ислон университети, 2003. – 120 б.
60. Сиддиқов Э. Қанотли сўзлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 200 б.
61. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.
62. Сулаймонов М. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Наманган: НДУ, 2008. – 96 б.
63. Султонов И., Ҳайитметов А. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – 196 б.
64. Темирова М. Ўзбек ва кирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2016. – 128 б.
65. Tumshugidan ilingan tulki. – Toshkent: O‘zbekiston, 2016. – 198 b.
66. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 95 б.
67. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Тошкент: Баёз, 2013. – 114 б.
68. Фирдавсий. Шохнома. (1-к). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 736.
69. Фольклор и этнография (под редакции Б.Н.Путилова). – Л.: Наука, 1970. – 256 с.
70. Фольклор и этнография. Связи фольклора с древними представлениями и обрядами. – Л.: Наука, 1977. – 200 с.
71. Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1984. – 255 с.

72. Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Наука, 1978. – 601 с.
73. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 664 б.
74. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 639 б.
75. Энциклопедия символов. – М.: Крон пресс, 2000. – 504 с.
76. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 287 б.
77. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. – Тошкент: Фан, 1977. – 328 б.
78. Ўзбек халқ мақоллари (нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 512 б.
79. Ўзбек халқ эртаклари. –Тошкент: ЎзССР Давлат Бадиий Адабиёт, 1963. – 287 б.
80. Қодирова И. Халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 63 б.
81. Қуръони Карим / Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 1990. – 628 б.
82. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. –Тошкент: Чўлпон, – 543 б.
83. Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993. – 376 б.
84. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1979. – 195 б.
85. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 224 б.

## **ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР**

86. Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти: Филол. фанлари докт...дисс. – Тошкент, 1994. – 260 б.
87. Жумаева С.И. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетикаси ва спецификаси: Филол. фанлари номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.
88. Жуманиёзов Б. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 1996. – 128 б.
89. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт...дисс. – Тошкент, 1996. – 294 б.
90. Жўраева М. Ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси: Филол. фанлари бўйича фалсафа докт ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 50 б.
91. Ишмуротов М. «Авесто»да мифологик қатлам: Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 2002. – 156 б.
92. Остонакулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1993. – 129 б.
93. Раҳмонов Т. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фанлари номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 25 б.
94. Саримсоқов Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида тутган ўрни: Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 1973. – 156 б.
95. Сафарова Ҳ.А. Рабғузийнинг «Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳиссалом» асари манбалари ва ғоявий бадиий таҳлили: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 33 б.
96. Тошпўлатов З. Афоризмларнинг жанр хусусияти ва бадиияти: Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 2006. – 135 б.
97. Турдимов Ш. «Гўруғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фанлари докт...дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 47 б.
98. Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Кысас ал анбия» Насреддина Рабгузи: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казан, 2002. – 29 с.

99. Хўжаев Т. Р. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол. фанлари номз...дис. – Тошкент, 1996. – 131 б.

100. Шхахутова С.А. Проблемы взаимодействия фольклора и литературы в научном наследии Д.С.Лихачева: Дисс. канд. филол. наук. – М., 2010. – 211 с.

101. Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филол. фанлари докт...дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 47 б.

102. Эшчонова Г. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонининг вариантлари: Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 1994. – 148 б.

103. Қаяумов О. Ўзбек фольклорида пари образи: Филол. фанлари номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 25 б.

## ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

104. Абдувоҳидова М. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – 4-сон (46). – Б. 36–38.

105. Абдукулов Т. Адабий эртақларнинг бир кўриниши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 2-сон. – Б. 42–45.

106. Басилов В.Н. Тюркоязычных народов мифология // Мифы народов мира. – М.: Советская энциклопедия, 1988. – Т. 2. – С. 536–538.

107. Батыгин К., Лафлин К., Морбиделли А. Жизнь из хаоса // В мире науки. – М., 2016. – №7. – С. 18–23.

108. Брагинский И. С., Дьяконов И. И др. Иранская мифология // Мифы народов мира. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – Т.1. – С. 560–565.

109. Жумаев Р. «Лисон ут-тайр»даги бир мажозий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – 4-сон. – Б. 24.

110. Иброҳимова Э. Жомий талқинида Зулайхо образи // Адабий мерос. – Тошкент, 1990. – 2-сон (52). – Б. 43–48.

111. Истамова Ш. Бадиий асарларда туш рамзлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – 4-сон. – Б. 65–67.
112. Курбаниязов М. Олтин Ўрда ўзбек адабиёти // Шарқ юлдузи.– Тошкент: 2017. – 12-сон. – Б 125–129.
113. Курбаниязов М. Рабғузий ҳикоятларининг мавзу кўлами // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2017. – 12-сон. – Б 70–73.
114. Курбаниязов М. «Қисаси Рабғузий»да фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. – 3-сон. – Б. 69–71.
115. Маллаев Н. Анъанавий муқаддимот ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – 1-сон. – Б. 10–12.
116. Мамажонов С. Адабиёт ва фольклор // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 3-сон. –Б. 17–23.
117. Мамедов. Б. «Бобирнома»даги форс тожик халқ мақоллари // Адабий мерос. – Тошкент, 1980. – 3-сон (15). – Б. 61–63.
118. Остонакулов И. Ҳомон образи ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1991. – 1-сон (55). – Б. 63–65.
119. Ражабова Д. «Бобурнома»да қаҳрамон портрети ва руҳий ҳолат ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – 2-сон. – Б. 62–65.
120. Расулов Ҳ. «Гул ва Наврўз» достонида фольклор сюжет ва композицияси // Адабий мерос. – Тошкент, 1976. – 4-сон. – Б. 102–109.
121. Расулов Ҳ. «Гул ва Наврўз» достонининг бадиий хусусиятлари ва фольклор // Адабий мерос. – Тошкент, 1977. – 9-сон. – Б. 28–34.
122. Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши // Адабий мерос. – Тошкент, 1986- 2-сон (36). – Б. 30–32.
123. Раҳмонов Т. Сەҳрли эртақларда айрим мотивлар генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – 3-4- сонлар. – Б. 51–55.
124. Рўзимбоев С. Эртақларнинг дostonлардаги бир функциясига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – 2-сон (48) . – Б. 70–73.

125. Саидакбарова М. «Қутадғу билиг»да исломий образ ва образлилик талқини // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2006. – 4-сон. – Б. 61–64.
126. Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараённинг ҳозирги жараёни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – 6-сон. – Б. 21–26.
127. Сафарова Ҳ. Рабғузий – шоир сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – 4-сон. – Б. 22–25.
128. Соатов Б. Мақолнинг жанр табиатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 6-сон. – Б. 38–42.
129. Соатов Б. Ўзбек халқ мақоллари поэтикасига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – 5-6-сонлар. – Б. 41–44.
130. Султонова М. Муаллиф нияти ва пейзаж // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 5-сон. – Б. 20–24.
131. Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон инончининг излари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 4-сон. – Б. 48–51.
132. Шодмонов Н. «Илоҳийнома»да Юсуф образи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2018. – 1-сон. – Б. 128–132.
133. Эгамов Х., Раҳмонов Ҳ. Туркий ёзма адабиёт ва оғзаки эпик анъаналар муносабатига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1985. – 1-сон (32). – Б. 94–100.
134. Эшонқулов Ж. Туш ва талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 2-сон. – Б. 40–43.
135. Эшонқулов Ж. Туш ва унинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – 2-сон. – Б. 54–60.
136. Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ дostonларида туш мотивининг ўрни ва тавсифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – 6-сон. – Б. 27–30.
137. Эшонқулов Ж. Ўзбек эртакларида туш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – 4-сон. – Б. 6–13.

138. Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 4-сон (38). – Б. 55–58.
139. Ҳасан Н. «Қисаси Рабғузий»да Юсуф пайғамбар образи талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 4-сон. – Б. 26–30.
140. Ҳакимов Н. Алишер Навоий лирикасида халқ мақоллари // Адабий мерос. – Тошкент, 1968. – 1-сон. – Б. 84–93.
141. Қаяюмов О. Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 4-сон. – Б. 41–44.
142. Қаяюмов. О. Пари ҳақидаги қарашлар ва унинг тарихий асослари // Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 1995. – Б.67-69.
143. Қаяюмов О. Пари ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 1-сон. – Б. 43– 45.

#### ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

144. <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>
145. <http://www.wdl.org/en/item/5024/view/1/1/>
146. <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/tush-va-mif-munosabati>
147. <http://www.mifoteka.ru/books/index.htm>
148. <http://myfhology.info/myth-animals/cock.html>
149. <http://myfhology.info/myth-animals/voron/html>
150. <http://myfhology.info/myth-animals/golub/html>
151. <http://myfhology.info/myth-animals/swallov/html>
152. <http://myfhology.info/planta/wood-knew.html>
153. <http://myfhology.info/planta/yabluniya.html>.
154. <http://library.ziyonet.uz/uploads/books>
155. [http://modernlib.net/books/medrish\\_d/literatura\\_i\\_folklornaya\\_tradisi\\_ya\\_voprosi\\_poetiki](http://modernlib.net/books/medrish_d/literatura_i_folklornaya_tradisi_ya_voprosi_poetiki)

156. <http://www.dissercat.com/content/problemy-vzaimodeistviya-folklorai-literatury-v-nauchnom-nasledii-ds-likhacheva>
157. [https://nab.pf/catalog/000200\\_000018\\_RU\\_NLR\\_bibl\\_975878/](https://nab.pf/catalog/000200_000018_RU_NLR_bibl_975878/)
158. [bibliya-online.ru/chitat-bytie-glava-3](http://bibliya-online.ru/chitat-bytie-glava-3);
159. <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>
160. [old.islom.uz/content/view/618/137/](http://old.islom.uz/content/view/618/137/)
161. <https://dlib.rsl.ru/viewer/01003587296>